







ИСЛОМ КАРИМОВ

МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА
ОБОД ЭТИШ ВА
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ
ҚАТЪИЯТ БИЛАН
ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДА

21

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
2013

УЎК: 323(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

К 25

-Чаро сеёсат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 21-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2012–2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида, турли халқаро анжуманларда, маросимларда сўзлаган нутқлари ва маърузалари ҳамда табриклари ўрин олган.

10-38548/21
29

2013/43	Alisher Navoiy
A11378	nomidagi
ISBN 978-9943-01-978-2	MK

ISBN 978-9943-01-978-2



9 789943 019782

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2013

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОЗОД ВАТАН!

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз мамлакатимиз ҳаётидаги унүтилмас тарихий воқеа – Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг йигирма бир йиллигини нишонламоқдамиз.

Ана шу буюк сана билан, халқимиз асрлар давомида интилиб, орзиқиб кутган, ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам бўлмиш Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклиш мен учун катта баҳтдир.

Мен ишонаман – асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлигимизни англаш, инсоний шаъни мизни, қадр-қимматимизни, ўз юртимизга эгалик қилиш хуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улуғ айём Ватанимиз тарихида олтин сахифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак.

Қадрли юртдошларим!

Ўз-ўзидан аёнки, кишилик тарихида, дунё ҳаритасида давлатлар шаклланишида йигирма бир

йил жуда қисқа муддатдир. Лекин Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга тенг бўлган масофани босиб ўтди.

Биз эски мустабид тузум, унинг асоратлари ва мафкурасидан бутунлай воз кечиб, тобелик ва қарамлик даврига барҳам бериб, кечаги ночор, ўзини ўзи боқишига кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-кудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатлар қаторига кўтарилиганимизни яққол намоён этмоқдамиз.

Ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа – замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан қўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқаро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-кудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ва чехраси ўзгариб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Кўпчиликни ҳайратда қолдираётган бундай ҳақиқатни тасдиқлаб берадиган кўпгина рақам ва маълумотларни келтириш қийин эмас.

Шулар қаторида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, ахолимизнинг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошгани, одамларимизнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узайгани, ёқилғи ва ғалла мустақиллигига, ўзимизни ўзимиз гўшт, сут ва бошқа истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз буларнинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг барчаси, аввало, мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун» деган принципни ҳаётга татбиқ этганимизнинг амалий самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг кўрсаткичи қарийб 2 баробар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айни шу мақсадда амалга оширган миллий дастурларимизнинг натижаси, деб қабул қиласиз.

Бундан йигирма бир йил олдин ҳар ўнта оиладан бор-йўғи биттаси шахсий машинага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд экани, ҳар уч нафар юртдошимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги тобора ортиб

бораётгани, унинг эмин-эркин яшаётганини намоён этади.

Шу борада яна бир мисол келтириш ўринлидир.

Бугун барча давлатларни катта ташвишга солаётган, ҳали-бери давом этаётган, жаҳон миқёсида энг долзарб, энг оғир масала бўлиб турган молиявий-иктисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон охирги етти йил давомида дунёдаги саноқли давлатлар қаторида ўртacha 8–8,5 фоиз иктисодий ўсишга эришаётгани мамлакатимиз салоҳияти барқарор ривожланиб бораётганинг яққол далилидир.

Барчамиз Ватанимизни равнақ топтириш йўлида эришган марраларимизни дастлабки қадамлар сифатида қабул қилиб, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз даркор.

Бугун шиддат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узоқни қўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатгина ривожланишнинг катта йўлида ўз эзгу мақсадларига эришмоғи мумкин.

Замоннинг ўзи ўртага қўяётган айни шундай ўткир талабларни инобатга олган ҳолда, бизнинг олдимизда турган энг устувор вазифамиз – бошлигар ишларимизни изчил давом эттириш, мам-

лакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш жараёнларини янги босқичга кўтариш, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тутувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унумаслигимиз керак.

Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимиизда, минтақамиизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қарама-қаршилик, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо огох, доимо ҳушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшшимизни, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазонинг олдини олишимизни талаб этмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширган, онгу шууримизни, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган ишларимизга баҳо берар эканмиз, биз эришган ютуқ ва мэрраларни кўлга киритиш осон бўлмаганини таъкидлашимиз ўринлидир.

Бу йўлда эл-юртимиз қандай мураккаб ва таҳликали синов, тўсиқ ва ғовларни енгишда турли ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, ўз эътиқодидан қайтмасдан келгани, аввало,

ўзининг меҳнатсеварлиги, мардлиги ва матонати ҳисобидан бугунги ёруғ кунларга етиб келганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Ҳозирги кунларда ҳам бизнинг танлаган йўлимизга шубҳа туғдириш, кечаги даврни кўрмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздиришга, истиқолимизнинг маъно-мазмунини сохталашибтиришга, бизни яна эски қолип ва тобеликка қайтаришга уринадиган кучлар ва ҳаракатлар кам эмас.

Лекин бу кучлар бир ҳақиқатни англашиб олиши керак. Бугун биз кечаги – 90-йиллардаги ўта содда, ҳеч қандай сиёсий тажрибага эга бўлмаган одамлар эмасмиз.

Биз бугун мустақиллик йилларида катта қийинчилик ва синовларда тобланган, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётган, ўзбекона айтганда, биз бугун оқни қорадан ажратса оладиган халқмиз.

Бизнинг халқимиз, аввало, йигирма бир йил давомида вояга етган, мустақил фикрлашга, юксалиб бораётган онгу тафаккурга эга бўлган навқирон авладимиз порлоқ келажагимизга катта ишонч билан қарайди ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон – мен такрор айтаман – ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб, узоқ ва яқиндаги хорижий мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли

алоқаларни янада мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини ва энг замонавий технологияларни олиб келиш мақсадида юртимизда қулай иқлим ва имтиёзли шароитларни янада кенгайтириш, бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар билан шериклик муносабатларини янги босқичга қўтариш – буларнинг барчаси доимо диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда жам бўлган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча меҳмонларимизга бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётганлари учун сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Бугунги шукухли дамларда бизнинг таянчимиз ва суюнчимиз, умидимиз бўлмиш ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Қадрли фарзандларим, ҳеч қачон унутманг:

Сиз кимнинг, қандай улуғ зотларнинг авлодисиз!

Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос ворисларисиз!

Ўз куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингизга, буюк Ватанимиз қудратига суюниб, маррани баланд олинг, азиз болаларим!

Сизнинг эришадиган ҳар бир ғалабангиз – юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!

Азизларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Бугун мана шундай ёруғ кунларга етказган, эзгу ишларимизда Ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтамиз.

Юртимиз тинч, ҳалқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
йигирма бир йиллигига бағишиланган тантанали
маросимдаги табрик сўзи.*

2012 йил 31 август

БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Муҳтарам конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, қадрли меҳмонларимизни, нуфузли ҳалқаро институтлар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Ҳалқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банкининг вакилларини, етакчи олим ва мутахассислар, бизнесменлар, дунёнинг 45 та мамлакатидан ташриф буорган барча конференция иштирокчиларини қутлаш, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ҳамда анжуман ишида иштирок этаётганингиз учун самимий миннатдорлигими ни билдириш менга катта мамнуният бағишлиайди.

Бугунги анжуман учун «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» деган мавзунинг танланиши бежиз эмас. Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб иқтисодиётнинг ушбу тармогини жадал ривожлантиришга устувор аҳамият берилгани бизга эски мустабид, режали-тақсимот тизимидан қолган ин-

қирознинг ўта ўткир муаммоларини ҳал этишда энг муҳим омил, таъбир жоиз бўлса, локомотив бўлиб хизмат қилгани билан боғлиқ.

Мазкур соҳани тез суръатлар билан тарақкий топтириш ва умуман, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича биз танлаган модель 2008 йилда бошланган, бугунги кунда, афсуски, чукурлашув тенденциясига эга бўлиб бораётган глобал молиявий-иктисодий инқирознинг салбий ва ҳалокатли оқибатларининг олдини олиш ҳамда бартараф этишда Ўзбекистон учун ҳал қилувчи роль ўйнади.

Жаҳон миқёсида янги рецессия ва банкротлик тўлқини, стагнация ва ишлаб чиқаришнинг пасайиш хавфи тобора ортиб бораётгани, қарздорлик мажбуриятлари ва бюджет тақчиллиги ўсаётгани, ишсизлик муаммоси, аҳоли ҳаёт даражаси ва турмуш шароитининг кескин ёмонлашуви, шунинг натижасида одамларнинг умумий норозилиги ва ижтимоий кескинлик кучайиб бораётгани хавотирга солмай қўймайди.

Банк секторини янги пул массаси, шунингдек, молия бозорини турли деривативалар, яъни иккиласми маҳсулотлар ҳисобидан назоратсиз равишда тўлдириш давом этаётгани нафақат инқироздан чиқиш муддатининг чўзилишига, балки миллий валюталарнинг янада қадрсизланиши ва шу билан боғлиқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг устига, катта миқдордаги валю-

та маблағлари реал иқтисодиётга етиб бормасдан, жаҳон иқтисодиётида асосан, спекулятив ҳолатлар ва стагнация жараёнини кучайтирмоқда.

Қисқача айтганда, юзага келаётган аҳвол жаҳон иқтисодиётидаги муаммоларни тезда ҳал этиш имконини бермаяпти.

Шу нарса тобора аён бўлмоқдаки, инқироздан чиқиши жараёни ҳали яна узоқ давом этиши кутилмоқда ва унинг қачон тугаши ҳақида олдиндан бир нарса дейиш кўп жиҳатдан қийин бўлиб қолмоқда.

Биз мазкур конференция доирасида инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тўплаган тажрибамиз асосида сизлар билан фикр алмашишни истар эдик.

Ўз-ўзидан равшанки, ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоизи ва меҳнатга лаёқатли ахолининг камида 70 фоизи иқтисодиётнинг ушбу сектори улущига тўғри келадиган, юксак ривожланган ва ривожланаётган давлатларда юз йиллар давомида тўпланган бой тажриба бизни жуда қизиқтиради. Бу биз учун ниҳоятда муҳимdir.

Мен мана шу залда кўплаб хорижий меҳмонларимизни кўриб турганимдан ғоят мамнумман. Сизларнинг ушбу конференцияда иштирок этаётганингиз, ялпи мажлислар, секция

йиғилишларидаги чиқиш ва маъruzаларингиз, ўзбекистонлик ҳамкасларингиз билан қилган яқин мулоқотларингиз, юртимизнинг турли шаҳарларига ташриф буюриб, баъзи обьектларни бориб кўрганингиз, ўзаро баҳс ва фикр алмашувлар – буларнинг барчаси мазкур форумни ҳар томонлама бойитиб, унда фикрлар ранг-баранглигини таъминлашга, бу анжуманинг сизлар кутган натижаларни беришига ишончим комил.

Бунинг учун сизларга самимий миннатдорлик билдираман.

Қадрли дўстлар!

Ўйлайманки, бугун ўзимизга бир саволни бериш ҳар томонлама мантиқий бўлади. Яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш нима билан, қандай омил ва сабаблар билан боғлиқ эди?

Бунинг сабабларини қисқача баён этадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг муҳим таркибини ташкил қилувчи тармоқ бўлган кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласи.

Кичик бизнес нафақат иқтисодиётдаги маълум бир бўшлиқларни тўлдиради, балки уни диверсификация қилиш ва барқарор суръатлар билан

ривожлантиришни таъминлашда ўта муҳим роль ўйнайди.

Тадбиркорлик бизнеси аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишини таъминлашда, айниқса, бизнинг шароитда қандай муҳим аҳамият касб этишини баҳолашнинг ўзи қийин. Куйидаги рақамларни эътиборга оладиган бўлсак, шундай хулоса чиқариш мумкин.

Агар 2005–2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўйлайманки, ана шу рақамларнинг ўзиёқ кўп нарсани англатади ва ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг ишончли йўлдан бораётганидан да-лолат беради.

Иккинчидан, тузилишига кўра ихчам, қарорлар қабул қилишда тезкор ва ҳаракатчан, янги тартиб-қоидаларни қисқа муддатда ўзлаштирадиган кичик бизнес жаҳон ва минтақалар бозорларидағи талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашади.

Учинчидан, кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат ҳамда капитал қўйилмаларни талаб этмайди. Бу эса ишлаб чиқаришни тез

ва осон модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларнинг номенклатурасини мунтазам янгилаб бориш ва рақобатдошлигини таъминлаш имконини беради.

Тўртингчидан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва салбий оқибатларига йирик корхоналарга нисбатан ушбу соҳанинг бардош бера олиш қобилияти анча юқоридир.

Фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда ушбу соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётида устувор мавқега эга бўлиши натижасида биз 2008–2009 йилларда глобал инқирознинг салбий оқибатларини ортиқча қийинчилик ва талафотларсиз енгиб ўтиш, ишлаб чиқаришни жаҳон бозори конъюнктураси ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатларда қайта ташкил этишга муваффақ бўлдик.

Саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғининг ўсиш суръатлари 2008–2009 йилларда ўртача 23–24 фоизни, хизматлар ва сервис соҳасининг ўсиш суръатлари эса 15–16 фоиздан кам бўлмаган кўрсаткични ташкил этди.

Бешингчидан, кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун

замин туғдирмоқда, шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрта синфни шакллантириш учун мунтазам кенгайиб бораётган база бўлиб хизмат қилмоқда. Ўрта синф эса, маълумки, ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда айнан шу соҳани ривожлантириш ҳисобидан жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий барқарорликдан манфаатдор бўлган, мамлакатимизни тараққиёт ва демократик ислоҳотлар йўлидан ривожлантиришда фаол куч бўлиб майдонга чиқаётган ижтимоий қатлам шаклланмоқда.

Ишончим комилки, ана шу ва бошқа омилларни чукур англаш Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган улкан эътиборнинг сабабларини тушуниш имконини беради.

Шуни айтишнинг ўзи кифояки, 20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортигини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ

хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўйлайманки, конференция қатнашчилари бизнинг ўтган йиллар мобайнида бу соҳада эришган ютуқларимизни муносиб баҳолайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимиз тарихида азал-азалдан хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутиб келгани кўп жиҳатдан кичик бизнеснинг жадаллик билан ривожланишига хизмат қилмоқда.

Биз аждодларимиздан мерос бўлган тадбиркорлик анъаналари, ота-боболаримизнинг асрлар давомида ўз ери, ўз мулки ва касб-корини эъзозлаб, қадрлаб, ҳар томонлама асрраб-авайлаб келгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Яна бир ғоят муҳим масала, яъни Ўзбекистонда тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси айнан қандай принциплар асосида, қандай заминда ривожланаётгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, соҳа ривожи учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳукуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштириб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам қўрсатилаётганини таъкидлаш лозим.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидаёқ конституциявий норма ва тамойиллар асосида қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунлар қисқа муддатда саноат, савдо, умумий овқатланиш ва хизматлар соҳаларидағи ўн минглаб, юз минглаб давлат мулки бўлган обьектларни хусусий мулкка айлантириш учун сотиш, мулкни ижарага бериш принципларини биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида жорий этиш имконини яратди.

Мамлакатимизда 2000 йилда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда асосий роль ўйнади. Ушбу қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши учун барча асосий кафолат ва шартлар мустаҳкамлаб қўйилган, тадбиркорлик ва бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза этилган.

Солиққа тортиш масаласи доимий равишда эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Фақат 2005 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда микрофирма ва кичик корхоналар учун айланма маблағдан олинадиган ягона солиқ тўлови ставкаси 2,5 баробар камайтирилиб, 13 фоиздан 5 фоизга туширилди, ҳалқ амалий санъати ва оиласвий бизнес обьектлари эса умуман солиққа тортилмайди ёки энг кам ставка бўйича солиққа тортилади.

Алоҳида эътиборга молик жиҳати шундаки, биз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кўпгина давлатлар каби инқирозга қарши дастурлар доирасида солиқ ставкаларини нафақат оширмадик, балки аксинча, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини камайтиридик, харидоргир бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни 5–7 йилга солиқ тўловидан озод қилдик, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилайдиган, модернизация қиласиган корхоналарни эса божхона тўловларидан бутунлай озод қилдик.

Фақат 2011 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзларининг умумий микдори 500 миллион доллардан ошди. Корхоналар ушбу маблағнинг 35 фоизини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилишга, 25 фоизини ишчиларни рафбатлантиришга йўналтириди.

Давлатнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва коммуникация-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қўшаётган ҳал қилувчи ҳиссасини эътиборга оладиган бўлсак, унинг кичик корхоналар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги ролини баҳолашнинг ўзи қийин.

Бу борада мамлакатимизда ташкил этилган «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зо-

наси ва «Ангрен» эркин индустрисал зонасида юксак технологиялар асосида самарали фаолият кўрсатаётган бизнес субъектлари тажрибасини мисол тариқасида келтириш мумкин.

«Навоий» саноат зонасида муҳандислик тармоқлари, логистика, таъминот тизимлари қурилишига давлат томонидан 100 миллион долларга тенг миқдордаги маблағ сарфланди. Бу ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга хорижий сармоядорларни фаол жалб қилиш имконини берди.

Бу йил ташкил қилинган «Ангрен» саноат зонаси учун умумий қиймати 60 миллион доллардан зиёд бўлган ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва коммуникация тармоқларини шакллантириш бўйича маҳсус дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси нима учун, қандай мақсадларни кўзлаб амалга оширилмоқда?

Биз кичик бизнес соҳаси бундай кенг кўламли ишларни тўлиқ ўз зиммасига олиши мушкул эканини яхши тушунамиз. Чунки кичик бизнес бундай катта харажатларни кўтара олмайди. Шунинг учун давлат томонидан тадбиркор ва ишビルармонлар эҳтиёжини тўлиқ қондирадиган, уларни рағбатлантирадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида зарур инфратузилма ва коммуникациялар барпо этилмоқда. Бу табиий ҳол ва унинг моҳияти барчага аён бўлиши керак.

Биз бугунги кунда ташкил этаётган, алоҳида имтиёзларга эга бўлган бундай эркин иқтисодий зоналарга киритилаётган хорижий сармоялар миқдори 30 миллион доллардан ортиқ бўлса, ўша объектлар инфратузилмаси юз фоиз давлат томонидан молиялаштирилади.

Айни ана шу омиллар иқтисодиёт ва тадбиркорликнинг жадал суръатлар билан ўсишини таъминлаётган, давлатимиз томонидан кўрилаётган рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ҳисобланади.

Хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва кенгайтиришни рағбатлантиришда оптимальлаштириш ва имтиёзли кредитлаш масалалари ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Фақат 2011 йил якунларига кўра, ушбу тармоқни ривожлантириш ва рағбатлантиришга мамлакатимиз банклари томонидан 2,5 миллиард долларга teng қийматдаги кредитлар ажратилди, бу берилган умумий кредитлар ҳажмининг 26 фоизини ташкил этади.

Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари, БМТ тузилмалари, Араб Мувофиқлаштириш гурухи мамлакатлари, Жанубий Корея, Хитой, Германия хукуматлари, бошқа давлатлар ва ташкилотлар томонидан бу борада кўрсатилаётган катта ёрдамни юксак қадрлаймиз. Мазкур давлатлар ва ташкилотлар

томонидан ўтган йиллар давомида иқтисодиётимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини молиялаштириш учун 1,5 миллиард доллардан ортиқ кредит ресурслари ажратилди.

Бу ҳақда гапирав эканман, Ўзбекистондаги барча тадбиркорлар номидан ва шахсан ўз номидан БМТ ҳамда банк тузилмалари раҳбарлари ва намояндайларига, бугунги анжуманимизда иштирок этажётган хорижий давлатлар элчиҳоналари вакилларига Ўзбекистонда бизнес соҳасининг шаклланиши ва муваффакиятли ривожланишига қўшаётган ҳиссаси учун яна ва яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Ана шу ғоят муҳим жиҳатни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланган. Мана, 15 йилдирки, мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими амалга оширилмоқда.

Бу тизимнинг моҳияти 9+3 тамойили асосида 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимиға ўтишдан иборат. Бунда умумтаълим мактабларидаги 9 йиллик таҳсилдан сўнг ёшлиар кейинги 3 йил мобайнида касб-хунар коллежларида ёки ўз хоҳишига кўра академик лицейларда ўқиши давом эттиради.

Одатда, лицейлар олий ўқув юртлари ва университетлар хузурида, мактаб таълимидан кейинги ўқиши давом эттириш учун ташкил қилинади.

Ўтган йиллар давомида қарийб 1,5 минг янги, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув юртлари – коллежлар барпо этилиб, уларда 3–4 та замонавий мутахассислик бўйича касб-хунарга эга бўлиш ва камида иккита чет тилини ўрганиш имконияти яратилган.

Фақат сўнгги 5 йил давомида ушбу ўқув юртларини 2 миллион 500 минг нафардан ортиқ ёшлиар тамомлаб, ҳозирги вақтда мамлакатимизда янги барпо этилган замонавий корхоналар ва фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг сафларини тўлдирмоқда.

Мен ишонаман, сиз, азиз меҳмонларимиз – бугунги форум иштирокчиларининг кўпчилиги Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги коллежлар ва лицейларга ташриф буюриб, бўлажак кадрлар – мутахассислар тайёрлаш даражаси ва сифати билан танишиш асносида бу сўзларимизга ишонч ҳосил

қилиш ва уларнинг амалий тасдифини кўриш имконига эга бўлганлар.

Мен сизлар билан яна бир ўта муҳим масала юзасидан фикрлашмоқчиман.

Биз Ўзбекистонда бизнес юритишни истаган инсонлар ва, албатта, сиёсатчилар, дипломатлар, хорижий меҳмонлар билан турли мавзуларда кўп сухбатлашганимиз.

Менга биз бугун барпо этаётган жамият ўз олдига қандай мақсадларни кўйгани ҳақида савол беришганида, мен уларга қуидагича жавоб бераман.

Агар сиз бу саволга тўлиқ жавоб олишни, бизнинг бу борада амалга ошираётган ишларимизни ўз кўзингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилишни истасангиз, бизнинг коллеж ва лицейларимизга боринг. Майли, ҳаммасига эмас, фақат бир нечтасига бориб кўринг, деб айтаман.

Айнан шу масканларда Ўзбекистоннинг эртанги кунини кўрасиз. Бу даргоҳларда янги авлод вояга етмоқда. Биз йигирма бир йилдан буён, миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, мустақил тараққиёт йўлидан боряпмиз.

Юртимиздаги бугунги одамлар, бугунги ўзбекистонликлар эркин фикрлайдиган, ўз кучига ишонадиган, собиқ Иттифоқда мавжуд бўлган турли иллат ва қайфиятлардан мутлақо холи бўлган инсонлардир. Бу – бизнинг авлод!

Эски замонда юқорида ўтириб ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсани ҳал қиласидиган бош

котиб бор, деган кайфият билан яшар эдик. Табиийки, биз бундай кайфият билан ривожлана олмас эдик. Собиқ тузум айнан шунинг учун ҳам барбод бўлди, тарқалиб кетди. Чунки у тараққий этишга қодир эмасди.

Бутун дунё, демократик жаҳон ҳамжамияти қандай ривожланаётган бўлса, шундай ривожла нишимиз керак эди. Биз мустақилликка эришгани миздан сўнг айнан шу йўлни танладик.

Ўйлайманки, бунинг амалий тасдиғини қўраман десангиз, ҳозирги ёшларимиз билан, олий ўкув юртлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олаётган, уларни битириб чиқаётган йигит-қизларимиз билан қўпроқ суҳбатлашинг. Шунда сиз бугун Ўзбекистонда қандай авлод вояга етаётганига ва у ўзининг эртанги ёруғ истиқболини қандай тасаввур этаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Хурматли конференция иштирокчилари!

Сир эмаски, бизнеснинг эркин фаолият кўрсатишининг асосий мажбурий шартларидан бири, биринчи навбатда, **тадбиркорлик эркинлигининг** кучли хукукий кафолатларини таъминлаш, уларни сўзда эмас, амалда бажариш, давлат, хукуқ-тартибот, назорат органлари ва тузилмалари томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳукуқларининг устуворлиги тамойили қонунчилик даражасида жорий этилган, бунда қонунчиликдаги ҳар қандай қарама-қаршилик ва номувофиқ ўринлар тадбиркорлар фойдасига талқин қилиниши керак. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб уч йил давомида режали солиқ текширувларини ўтказишни тақиқлайдиган ва кейинчалик барқарор фаолият юритаётган, солиқ қонунчилиги ва тартиб-интизомга қатъий риоя қилаётган солиқ тўловчиларда текширувлар ўтказишни чеклайдиган тартиб жорий этилган.

2005 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тизимидан хабардор қилиш тизимиға ўтилди. Ўз бизнесини очиш учун тадбиркорга икки кундан ортиқ бўлмаган муддат талаб этилади ва бу қоида ривожланган давлатларда амал қилаётган мезонларга жавоб беради.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлайдиган институционал ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга катта эътибор қаратилмокда. Товар-хомашё биржаси бозорда нархлар шаклланиши ва юқори ликвидли хомашё ресурслари ва товарларидан тенг фойдаланиш имкониятини яратишнинг энг муҳим восита-

си ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда биржасавдоларининг изчил йўлга қўйилган механизми мавжуд бўлиб, у ҳар бир тадбиркорга **хомашё ресурсларидан биржа савдолари орқали тенг ва ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини бермокда**.

Жорий йилда мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар, шунингдек, хорижий инвесторлар учун қўшимча рағбат ва имтиёзлар берилди. Шу йилнинг июль ойида Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кўпроқ эркинликлар бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккита фармони қабул қилинди.

Мамлакатимизда статистик, молиявий ва солиқ ҳисботларини тақдим этиш, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш жараёнларини амалга ошириш, хўжалик судларига дъаво аризалари ва тавсияномалар киритиш бўйича электрон тизимни кенг жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, бу ўз навбатида давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўргасидаги бевосита алоқаларни сезиларли даражада қисқартириш ёки бутунлай бекор қилиш имконини беради.

Тасдиқланган чоралар жорий йилнинг 1 августидан бошлиб бизнесни рўйхатга олиш пайтидаги

тартиб-қоидалар сонини 2 баробар қисқартириш имконини берди, рўйхатдан ўтишдан аввал бирламчи устав жамғармасини шакллантириш бўйича талаб бекор қилинди, тадбиркорлик субъектларининг суд харажатлари 2,5 баробар қисқартирилди.

Давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан камайтириш мақсадида жорий йилда рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси бекор қилинди, молиявий ҳисоботларни топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилди. Бундан ташқари, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб 65 та статистик ҳисобот шакли ва 6 та солик ҳисботи шаклини бекор қилиш, уларни топшириш даврийлигини 2 баробардан зиёд қисқартириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик талабларига кўра, давлат органларининг ноқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-харакати ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек, қонунчиликка зид тарзда қабул қилинган идоравий ҳужжат туфайли тадбиркорлик субъектига етказилган зарар давлат томонидан қопланади.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Бугун биз ўз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб танлаб олган **мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, тадрижий ривожланиш йўли ва машҳур беш тамойил асо-**

сида барпо этиладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш модели тарихан қисқа муддатда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратишни таъминлади, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига ишончли равишда қарши туриш, дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юксак барқарор суръатларига эришиш имконини берди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Сўнгги 6 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот йилига 8,2 фоиздан кам бўлмаган суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ялпи ички маҳсулот, 2000 йил билан солиширганда, 2,9 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,6 баробар ошди, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 3,4 баробар, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 20 баробардан кўпроқ ўсади.

Бу нимадан далолат беради? Бу шундан далолат берадики, хорижий сармоядорлар бизга ишонмоқда. Бу чет эл инвесторлари киритган сармоялар ўзини оқлаши ва Ўзбекистонда бизнес қоидаларининг ҳеч қачон бузилмаслигига бўлган ишончни билдиради. Шунинг учун ҳам бизнинг юртимизга киритилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими кескин ортиб бормоқда. Демак, биз жаҳон бизнес оламига, дунё ҳамжамиятига дадил кириб боряпмиз. Демак, биз-

га катта ишонч билан қарашмоқда. Бу биз учун ниҳоятда мұхим. Мен бу масалага жуда катта әйти-
бор билан қарайман.

Осиё тараққиёт банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад сўнгги 7 йил давомида 3 баробар кўпай-
ган. Тўлов баланси жорий ҳисобининг доимий профицити таъминланмоқда, жами ташқи қарз-
нинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10–12 фоиз даражасида бўлишига эришилмоқда, давлат ички қарзи деярли ноль даражада қолмоқда, етарли миқдордаги валюта захиралари сақланиб турибди.

Буларнинг барчаси меҳнаткаш ва меҳмондўст халқимизнинг мамлакатимизнинг эртанги кунига бўлган ишончини тобора мустаҳкамламоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, конфе-
ренциянинг барча иштирокчиларига яна бир бор ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий миннатдор-
лигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад ёр
бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

«Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни
амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти»
мавзусидаги халқаро конференция
очилишидаги нутқ.
2012 йил 14 сентябрь

ЗАМОНАВИЙ, ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига багишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мамлакатимизда истиқдол йилларида Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида бекиёс ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Болалар спорти, айниқса, «миллионлар ўйини» дея таърифланувчи футбол ривожига юксак эътибор қаратилаётгани туфайли футбол Ўзбекистондаги энг оммавий спорт турларидан бирига айланди. Зеро, эътибор ва ғамхўрлик бор жойда ўсиш, ўзгариш рўй беради. Юртимизнинг энг олис қишлоқларига ҳам кўрк бағишлиб турган бетакрор спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ушбу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Сўнгги йилларда барча вилоят ва туманларимизда қарийб 1500 та замонавий болалар спорти иншооти барпо этилиб, зарур жиҳоз ва анжомлар билан таъминлангани ҳам фикримиз тасдифидир.

Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида энг улуғ, энг азиз айёмимиз – Мустақиллигимизнинг

21 йиллиги араfasида қуриб битказилган, илгари тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган замонавий «Бунёдкор» футбол мажмуи барчамиз учун ажо-йиб совға бўлди.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ҳаётимиздаги ифодаси бўлган бу каби иншоотлар баркамол авлодни тарбиялаш, эл-юртимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши баробарида, ҳалқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини ҳам яққол намойиш этиб турибди.

2012 йил, 28 сентябрь. Тошкентда «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига бағишлиланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

– Бугун биз ўзбек спорти ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихида чукур из қолдираётган катта воқеа – «Бунёдкор» деб ном олган янги, замонавий, гўзал ва бетакрор спорт мажмуасини ишга киритиш маросимига тўпландик, – деди Ислом Каримов. – Бу унутилмас воқеанинг аҳамияти ва моҳиятига рамзий маъно ва мазмун берадиган яна бир сана – айни шу кунларда қўпгина маълумотларга кўра ўзбек футболининг майдонга чиққанига роппа-роса 100 йил тўлиши, ҳеч шубҳасиз, барчамизга алоҳида рух ва хурсандчилик бағишлиайди, бугунги маросимни ҳақиқий тантана даражасига кўтаради.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ушбу маросимда қатнашаётган сиз азизларга қаратиб қалбимдаги сүзларни айтмоқчиман.

Аввало, мана шу файзли ва шукухли оқшомда сизлар билан – қадрли ҳамюртларим, спорт ва футбол ишқибозлари билан бирга бугунги тантанада қатнашиш мен учун катта баҳтдир.

Бундай улуғвор ва ҳашаматли, ўзида 7 та замонавий футбол майдонини, болалар ва ўсмирлар футбол мактаби, ётоқхоналар, бассейн ва бошқа бир қатор керакли объектларни мужассам этган, жами 56 гектар ерни эгаллаган бу мажмуа пойтахтимиз – азим Тошкентимизда қисқа даврда қад ростлагани, ҳақиқатан ҳам, барчамизга мўъжизадай туюлади.

Дунёдаги энг замонавий спорт масканларидан кам жойи йўқ, йирик ҳалқаро турнирларни юқори савияда ўтказишга мослашган бу буюк иншоотга боқиб, биз ким эдик, бугун ким бўлдик, мустақил бўлиб тараққиёт йўлида нималарга, қандай юксак марраларга эришдик, деган шукроналик ҳиссиёти беихтиёр қалбимизни тўлдиради, десам, адашмаган бўламан, – деди Президентимиз.

Ҳеч шубҳасиз, бундай гўзал, ҳар қандай юксак талабларга жавоб берадиган салобатли ва кўркам спорт мажмуасини барпо этганимиз биз учун энг устувор, энг олий мақсад бўлмиш болаларимизни, ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спорт-

чиларимиз, футболчиларимизнинг жаҳон спорт майдонларида юксак мэрраларни эгаллашига, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обру-эътиборини янада юксалтиришнинг гарови сифатида хизмат қиласхак.

Лўнда қилиб айтганда, бундай замонавий иншоотлар Ўзбекистоннинг куч-кудратини мустаҳкамлашда, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган шиорни амалга оширишда ишончли замин бўлажак.

Давлатимиз раҳбари бутун халқимизнинг дилидаги орзу-истакларни ифода этар экан, мамлакатимизда бундай буюк иншоотлар кўпайишини, юртимиз қўркига қўрк қўшишини, улар халқимизга хизмат қилишини, спортчиларимизга янада юксак ғалабалар ёр бўлишини, бундан спорт муҳлислари қалбida фахр-ифтихор туйғулари жўш уришини тилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси янграйди.

...Майдонга «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақаларини акс эттирувчи бадиий ва спорт жамоалари чиқадилар. Улар ижросида Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ўртасида спортни, шу жумладан, футболни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни ифода этувчи бадиий композициялар намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, ёш авлоднинг футбол билан шуғулланиши учун янада қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчилар тайёрлашни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қатор хукуқий хужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги «2011–2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этаётир. Унда юртимиизда футболни оммавийлаштириш, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнининг юксак сифатини таъминлаш, футболчилар, мураббийлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малака даражасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

«Бунёдкор» стадионида яратилган шарт-шароитлар, ҳатто Европадаги айрим донгдор клублар учун ҳам ҳавас қилишга арзигулиkdir. Футболни ривожлантириш, ўзбек футболининг ёрқин келаҷагини таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида «Бунёдкор» футбол мажмуа-

сида болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилган. Ушбу мактаб келажакда халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир, иқтидорли ва истиқболли футболчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши, ўз иқтидор ва маҳоратини ошириши учун барча шарт-шароит яратилган.

...Ён-атрофга қараймиз. Кувончдан, ҳайратдан кўзлари ёниб турган ёшлар зўр ҳаяжон оғушида стадионни томоша қилишмоқда. Чиндан ҳам оқшом чоғи ташқи томондан қараганда ҳам, ичкарига кирганда ҳам камалакдек товланаётган, кўзни қамаштирувчи жозибага эга «Бунёдкор» стадиони халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини юксак даражада бутун борлиқقا намоён этиб турибди.

– Бундай чиройли стадионни ilk маротаба кўриб туришим, – дейди тантанага ташриф буюрган меҳмонлардан бири, ўзини қўшработлик Азамат Жайнаров деб таништирган йигит. – Ушбу футбол мажмуини телевизор орқали томоша қилиб, роса ҳавасим келганди. Мана, бугун ўз кўзим билан кўрдим. Бундан бошим осмонга етди. Таърифлашга тил ожиз. Худди мўъжизалар оламига тушиб қолгандек ҳис этаяпман ўзимни. Президентимизга мингдан-минг раҳмат. Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан етиб бўлмас орзу-умидларимиз рўёбини кўраяпмиз. Бундай

эзгу ишлар учун нафақат спортчиларимиз, балки ҳар биримиз юксак масъулиятни ҳис этиб, Ватанимиз тараққиёти йўлида камарбаста бўлмоғимиз шарт.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори футболни ривожлантириш, юксак маҳорат ва профессионал кўнималарга эга ёш футболчиларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан Футболни қўллаб-кувватлаш жамғармаси тузилган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, юртимизда янги стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Энг замонавий талаблар асосида қурилган «Бунёдкор» стадиони Ватанимиз бўйлаб изчили давом этаётган бунёдкорлик ишларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди. 34 минг ўринли стадион трибуналарида томошабинлар учун мўлжалланган ўринлар пастки ва юқори қаватларга бўлинган. Шунингдек, бу ерда ногиронлар учун мўлжалланган алоҳида сектор мавжуд. Стадионда спортчилар ва муҳлислар учун яратилган шароит

ҳамда қулайликлар энг замонавий талабларга жавоб беради. Хусусан, биринчи қаватда спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурлари учун мўлжалланган хоналар, ошхоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи мавжуд. Стадионнинг иккинчи қаватида учта ресторон, фитнес маркази барпо этилган.

«Бунёдкор» стадионининг муҳандислик таъминотига алоҳида эътибор билан ёндашилган. 11x7,5 метр ўлчамдаги иккита видеотабло муҳлисларга футбол учрашувини ҳар томонлама кўриш имкониятини беради. Ташриф буюрган муҳлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини яратадиган замонавий аудиосистема, рекламаларни намойиш қилиш учун футбол майдони четида видеоборт мосламалари ўрнатилган. Мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатувчи теле ва радиотрансляция тизими, шарҳловчилар хонаси халқаро стандартлар даражасида.

...Тантана давомида мамлакатимизнинг икки номдор жамоаси – «Бунёдкор» ҳамда «Пахтакор» футболчилари майдонга чиқишли. ФИФА рефериси, Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов бошқариб борган беллашувда дуранг натижа – 3:3 ҳисоби қайд этилди. Минглаб муҳлисларнинг қўллаб-қувватлаб туришлари, ҳар бир киритилган голнинг олқишиланиши кечага алоҳида кўтаринкилик баҳш этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги ўзининг бекиёс самараларини бермоқда. ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг жаҳон футболидаги юксак мавқеи, ногирон-ампуртант футболчиларимиз икки маротаба жаҳон чемпионлигига сазовор бўлгани, ёш футболчиларимизнинг Мексикада ўтган жаҳон чемпионатидаги муваффақиятли иштироки, «Бунёдкор», «Пахтакор», «Нефтчи», «Насаф» каби клубларимизнинг Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси кубоги беллашувларидаги қизиқарли ўйинлари бунинг далилидир.

ФИФА президенти Йозеф Блаттер мамлакатимизга ташриф буюрганида, «Сизларнинг болаларингиз мутлақо бошқача. Уларнинг кўзлари ёниб туради», деган эди. Нуфузли ташкилот раҳбари нинг, умуман, халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон фарзандлари ҳакида билдираётган бундай баҳоси, албатта, ҳар биримизга фаҳр бағишлайди.

«Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди!» Президентимиз томонидан юксак ишонч ва эзгу орзу-умид билан айтилган бу қанотбахш сўзларнинг нақадар ҳаётийлигини вактнинг ўзи тасдиқламоқда. Ишончимиз комилки, бундай қулай шароитлар, яратиб берилаётган бекиёс имкониятлар барча спортчиларимиз қатори футболчиларимизнинг ҳам ҳеч

кимдан кам эмаслигини дунё узра намоён этишга, жаҳон ареналарида она Ватанимиз шаънини муносаб ҳимоя қилишга ундейди.

...Тантанада санъатимиз усталари ва ёш истеъодод сохиблари ижросида янграган қўшиқларда Ватан, Истиқлол тараннум этилди. Халқимиз бунёдкорлиги шарафланди. Қўшиқлар оҳангига ён-атрофда минглаб нурафшон чироқлар ёғдуси жўшқинликни акс эттиради. Шарлар ҳавога кўтарилиб, мусаффо осмонимиз узра ранг-баранг мушаклар отилади. Бири биридан чиройли манзаралар, кўринишлар намоён бўлади. Бу гўзаллик, баравж хонишлар, юртдошларимизнинг завқшавқи дилда энг азиз туйғу – Ватанга муҳаббат ҳиссини жўш урдиради.

2012 йил 28 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун, мана шу кутлуг айёмда барчамиз учун энг азиз, энг қадрли бўлган фарзандларимизга билим ва тарбия беришдек улуғ ишга бутун борлиғини бағишилаган сиз, хурматли ўқитувчи ва мураббийларни чин қалбимдан табриклаб, эзгу тилакларимни билдиришдан баҳтиёрман.

Азиз дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги минг-минглаб касблар орасида иккита буюк касб – шифокорлик ва ўқитувчилик касби борки, улар, токи ҳаёт бор экан, ўзининг маъно-мазмуни ва олийжаноблигини, аҳамияти ва хурматини ҳеч қачон йўқотмайди.

Бугун биз Ўқитувчи ва мураббийлар куни деб ном олган гўзал байрамимизни нишонлар эканмиз, ўзининг истеъоди ва маҳоратини, кўз нури ва қалб қўрини баҳш этиб, ёш авлодимизга билим, илму фан сирлари ва одамийлик сабоқларини ўргатадиган сиздек мўътабар зотларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзиди, албатта.

Шу боис бугун сизларнинг қўлингизда таълим ва тарбия, ҳаётга йўлланма олган, ўзини сизлар-

нинг олдингизда умрбод қарздор деб ҳис этадиган барча инсонлар номидан, ўкув масканларида таълим олаётган миллионлаб ўқувчилар номидан «Раҳмат сизга, муаллим, таъзим сизга, устозлар!» деб миннатдорлик билдиришимиз ҳар томонлама ўринлидир.

Ўзбекистонимизнинг тараққиёти йўлида, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтарилишдек улуғвор вазифани амалга оширишда сиз азизларнинг кўшаётган бекиёс ҳиссангизни баҳолаш учун яна бир фикрга алоҳида тўхталиш зарур, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касбхунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

Ана шундай ўта оғир ва ўта долзарб, истиқболимизни ҳал қиласидан мақсадга эришиш учун таълим соҳасида чукур ва пухта ўйланган миллий дастурларимизни тайёрлаш ва амалга оширишда бизнинг охирги 15 йил давомида қилган ишларимизни бутун дунё тан олмоқда.

Бунинг яққол тасдигини шу йил февраль ойида Тошкент шаҳрида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация

қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция мисолида кўриш мумкин. Ана шу анжумандада БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дунёдаги энг донғи чиққан университетларнинг олим ва профессорлари томонидан Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган ютуқлари, мамлакатимизнинг таълим модели юксак эътироф этилгани Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янги босқичга кўтаришга катта хизмат қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ёшлишимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётини тубдан ўзгартириб бораётган, илғор хорижий тажрибаларни, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган бундай дастурларни амалга ошириш, аввало, сиз азизларнинг оғир ва мураккаб меҳнатингиз эвазига бўлаётганини ҳеч ким ҳеч қачон инкор этолмайди. Ва сизларнинг бу эзгу мақсадга эришиш йўлидаги олийжаноб хизматларингизни, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш борасида кўрсатаётган фидойилигингизни жамиятимиз, халқимиз доимо юксак қадрлайди.

Шу маънода, 1 октябрь санасини бундан 16 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами деб эълон қилганимиз сиз, азизларга, сизларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизга эл-юртимиз, шах-

сан ўзимнинг юксак хурмат ва эҳтиромимнинг яққол ифодаси, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ўзбекистоннинг таълим соҳасига қарататётган улкан эътиборини тасаввур қилиш учун қуйидаги баъзи бир рақамларни келтириш ўринли, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджети харажатлар қисмининг 35 фоиздан зиёди таълим соҳасига йўналтирилмоқда. Кейинги ўн йилда ўқитувчи ва мураббийларнинг маоши иқтисодиётимизнинг реал соҳасидаги иш ҳақи микдоридан ўртacha 1,5 баробар кўп ўсгани, педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рафбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу ўринда яна бир мисолга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10–12 фоизини ташкил этмоқда. Ваҳоланки, дунёдаги кўплаб мамлакатларда бу кўрсаткич 2–5 фоиздан ошмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда 9763 та умумтаълим мактаби, 300 дан зиёд мусика ва санъат мактаби, 143 та академик лицей, 1406 та касб-хунар коллежи, 59 та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция иш-

лари олиб борилгани, уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамланиб бораётгани таълим тизимида биз амалга ошираётган ислоҳотларнинг миқёси ва кўлами нақадар улкан эканидан далолат беради.

Қадрли ватандошлар!

Бугун дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган нотинчлик, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизни ўйлантириши табиий.

Мен сиз, хурматли ўқитувчи ва мураббийларни бу муаммоларнинг барчасини қалбидан, юрагидан ўтказиб, улардан тўғри хулоса чиқариб яшайдиган инсонлар сифатида биламан.

Айрим қабиҳ кучлар томонидан ўзининг стратегик мақсадларини кўзлаб, ёвуз ният билан амалга оширилаётган бундай ғаразли ишлардан халқимизни, айниқса, ёшларимизни огоҳ этиш, миллат ва элатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринишларнинг ҳақиқий маъносини, уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини очиб беришда, одамларни ҳушёр ва сезгир бўлиб яшашга, мусаффо осмонимизни, тинч ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш ва қадрлашга даъват этишда мен биринчи навбатда сизларга ишонаман ва бундан буён ҳам барчангизни ўзимнинг маслакдошим, деб биламан.

Мен давлат раҳбари сифатида сиз жонкуяр муаллим, мураббий ва домлаларнинг, барча маъ-

рифат аҳлининг ўз танлаган касбингиздан рози ва мамнун бўлиб яшашингиз учун, Ватан олдида, келажак олдида қилаётган улуғ хизматларингизни муносиб тақдирлаш, ҳаётимиизда юксак обрў-эътибор топишингиз учун ҳам қонуний, ҳам моддий, ҳам амалий замин туғдириб беришни ўзимнинг нафақат вазифам, балки шарафли бурчим, деб ҳисоблайман.

Азиз ва муҳтарам устозлар!

Сизларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрли устозлар!

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

2012 йил 28 сентябрь

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚ

9 октябрь куни халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари, аввало, бу воҳа бошқа ҳеч қайси ҳудуд билан қиёслаб бўлмайдиган табиати, саховатли тупроғи, қўхна тарихи ва бой маданияти, мана шу ерда ҳар қандай қийинчилик ва синовларга бардош бериб, она юртига садоқат билан яшаётган, ўз кучига ишонган, ўз қадр-қимматини яхши биладиган, мард ва матонатли одамлар юрти эканини, самимийлик, тўғрилик, қандай аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни очик айтиш, мавжуд вазијатни ҳаққоний баҳолаш каби хусусиятлар айнан шу Хоразм элига мансублигини, бундай фазилат ва аломатларни юқори баҳолаб, вилоят аҳлига яна бир бор ўзининг юксак ҳурматини изҳор этишини таъкидлади.

Бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Хоразм вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, катта ютуқ ва марралар кўлга киритилмоқда. Бунинг тасдигини вилоят

мехнаткашлари турли тармоқларда – бу саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маданият, соғлиқни сақлаш, илму фан, таълим-тарбия, спорт соҳалари бўладими – буларнинг барчасида эришаётган салмоқли натижалар мисолида кўриш, кузатиш мумкин.

Вилоят иқтисодиёти тобора юксалиб, жорий йил якуни бўйича 9 фоизга етиши кутилмоқда. Саноат соҳасида охирги беш йил мобайнида 40 фоиздан зиёд ўсишга эришилди. Ушбу тармоқни ривожлантириш, унинг салоҳиятини оширишда сўнгги вақтда мамлакатимиз миқёсида ўзини оқлаган ижобий тажриба вилоятда кенг кўлланилмоқда. Яъни, иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун уларнинг тижорат банклари балансига ўtkазилаётгани Хоразм воҳасида ҳам ижобий на-тижа бермоқда.

Ҳозирга қадар вилоятдаги касодга учраган 22 та корхонага 21 миллиард сўмдан зиёд инвестиция йўналтирилиб, уларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу асосда 2 мингга яқин иш ўрни қайта тиклангани, жумладан, Ҳазорасп ип-йигириув фабрикаси, «Униҳо» қўшма корхонаси, «Ҳазорасп гиламлари» каби 12 та корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати модернизация қилингани эътиборга молик.

Енгил саноат соҳаси ривожланишида «Боғот текстиль», «Коттонтекс», «Даритал текстиль», «Жиласун», «Коботекс» ва «Ўзтекс Шовот» каби корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Мен бугун фермерлар билан учрашганимда, «Ўзтекс Шовот» корхонасининг ишга тушганини эшлиб хурсанд бўлдим. Шовотлик фермернинг айтишича, одамлар ҳар куни бу замонавий бинони томоша қилиб ўтаётган экан. Бу кўп нарсани билдиради. Бу бино шунчаки чирой бериш учун эмас, балки қишлоқда яшаётган аёлларни, қизларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳётини яхшилашга хизмат қилишини одамлар яхши тушуди, деди Президентимиз.

Сессияда вилоят иқтисодиётининг ўсиш суръатлари, барча тармоқларнинг ривожланаётгани эътироф этилган ҳолда, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат соҳасининг улуши мамлакатимиз бўйича эришилган мэрралардан анча орқада қолаётгани қайд этилди.

Шу ҳақда гапирганда, муҳим бир масалани эсимиздан ҳеч қачон чиқармаслигимизни истардим, деди Юртбошимиз. Хоразм воҳасини тараққий топган ҳудудлар қаторига чиқариш, биз кўзлаган кўпгина мэрраларга эришиш йўлида, аввало, одамларни иш билан таъминлаш, даромадини оширишда, ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш, қолаверса, бутун Хоразм ўлкасининг қиёфасини

ўзгартиришда айнан саноат соҳасининг ривожи устувор ўрин эгаллаши кераклигини англаб олишимиз зарур.

Биз бу ҳақда кўп гапирамиз, лекин амалий ишларга келганда, бу соҳада бир ёқлама ривожланиш, асосан, енгил саноат ҳисобидан ўсиш бўлаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, томат ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш керак. Мавжуд консерва заводларининг техник ускуналари эскирганини ҳисобга олган ҳолда, замонавий технологиялар асосида ишлайдиган янги корхоналарни куриш лозим.

Қишлоқ хўжалигига жорий мавсумда ҳам қийинчиликлар кам бўлмади. Лекин шунга қарамасдан, ҳосил яхши бўлди. Бу йил худонинг ўзи йўлимизни очиб берди. Лекин келгуси йилда бундай шароит бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун шартнома тузаётганда чукур ўйлаб иш тутиш, фермерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш керак. Бугун фермерлар пахтанинг катта даромад беришини яхши тушуняпти, лекин жаҳон бозорида унинг нархи ўйнаб турганини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Шумъонода, фермерлар нафақат деҳқон, нафақат агроном, балки, аввало, иктиносидчи бўлиши керак. Манфаат ва яна бир бор манфаат устун бўлиши зарур.

Хоразмда бошқа әқинлар қаторида шоли ҳам әкиш мүмкін. Лекин шартнома мажбуриятларини – бу ғаллачилик бўладими, пахтачилик бўладими – сўзсиз бажарганидан кейин әкиш зарур. Давлат фермернинг манфаатини кўзлаши, фермер ҳам давлатнинг манфаатини унутмаслиги даркор. Шундагина адолат бўлади, шундагина ишда тартиб бўлади, деди Ислом Каримов.

Мажлисда бундай вазифаларни амалга ошириш учун ҳар томонлама чукур ўйланган, Хоразм воҳасининг шароити ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳукуматимиз бошчилигига алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вақти келгани уқтириб ўтилди.

Бу дастурда фақат енгил саноатни эмас, балки машинасозлик, курилиш материаллари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга, мамлакатимизда кўп йиллар давомида синаб келинаётган тажриба – яъни тараққий топган давлатларнинг фирма ва компаниялари билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш энг тўғри ва ўзини оқладиган йўл эканига эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Қўшма корхоналарни ташкил этишнинг энг афзал ва устувор томони шундаки, бизга шерик бўлган хорижий компаниилар ҳисобидан инвестициялар олиб келиш, шу билан бирга, мана шу корхоналарда биз ишлаб чиқарадиган

маҳсулотларнинг чет давлатларда бозорини, ҳаридорини топиш каби жиддий муаммоларни ечиш ҳам анча осон бўлишини тушуниш, англаш қийин эмас, албатта, деди Ислом Каримов.

Шу маънода, бугунги кунда Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2000 йилга нисбатан 1,6 баробар ошиб, соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 60,5 фоизни ташкил этгани алоҳида эътиборга сазовор.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда тижорат банклари томонидан 172 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, бу кўрсаткич кейинги беш йил давомида 3,5 баробар ўсганини қайд этиш жоиз.

Шу йилнинг 9 ойида яратилган 47 мингдан зиёд янги иш ўрнининг 60 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, иш билан банд аҳолининг 80 фоизга яқини айнан шу тармоқда меҳнат қилаётгани бу соҳанинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёс эканини кўрсатади.

Бу ҳақиқат яқинда Тошкент шаҳрида «Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда яна бир бор ўз тасдиғини

топди. Ана шу анжумандада Бирлашган Миллалар Ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дунёдаги 45 дан ортиқ хорижий давлатдан 250 нафарга яқин кўзга кўринган иқтисодчилар, олимлар, бизнес оламининг йирик намояндадари иштирок этди. Уларнинг ҳаммаси бир нарсага тан беряптики, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун ҳар томонлама қулай шароит яратилган. Улар бу соҳа нафақат иқтисодиётни, балки одамларни, бутун аҳолининг онгу тафаккурини, ҳаётини тубдан ўзгартирумокда, деб эътироф этаётгани барчамизга мамнуният етказади ва бундан йигирма бир йил олдин иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш мақсадида биз танлаган йўл – ўзбек модели нақадар тўғри эканини яна бир марта тасдиқлайди.

Хоразм вилояти учун хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муҳим соҳалардан бири – бу туризм эканни барчамиз яхши биламиз, деди давлатимиз раҳбари. Туризм инфратузилмаларини, хусусан, Урганч ва Хива шаҳарларида ихчам меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатадиган иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги 10 йилда меҳмонхоналар сони қарийб тўрт баробар кўпайгани, сайёҳлик фирмаларини

ташкыл этиш ишлари фаоллашгани натижасида Хоразм вилоятига ташриф буюраётган меҳмонлар сони З баробардан зиёд ортди. Шу билан бирга, сессияда бу йўналишда ҳали жуда кўп иш қилиш кераклиги таъкидланди. Ҳусусан, сайёхлар сонини янада ошириш учун чет давлатларга қатнайдиган чартер рейсларни, хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатадиган янги объектлар сонини кўпайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ана шундай вазифалар қаторига киради.

Хоразм вилоятида замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда бу йўналишда тасдиқланган дастур доирасида вилоят ҳудудидан ўтадиган ҳалқаро ва давлат аҳамиятига молик 230 километрдан ортиқ автомобиль йўлларида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, 750 метр узунликдаги 5 та кўприкни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қарийб 322 миллиард сўм ҳажмидаги иш бажарилмоқда. Яқинда «Бухоро – Нукус» автомобиль йўлининг Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган 60 километр узунликдаги тармоғи қуриб битказилди. Жорий йил охирига қадар ана шу йўналишда яна 40 километр йўл қурилиб, транспорт қатнови очилади.

Мустакиллик йилларида 341 километр узунликдаги «Навоий – Учқудук – Султон Увайстоғ –

Нукус» темир йўлининг ишга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, шимолий худудларимизнинг қиёфасини бутунлай ўзгаририб, Хоразм воҳасининг ривожини мутлақо янги босқичга кўтаришда катта ўрин олганини изоҳлаб беришнинг ҳожати йўқ.

Айтиш керакки, бу йўлнинг моҳияти ва қиммати йиллар ўтиши билан янада ортиб боради. Бу йўл минтақадаги бой ер ости захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, олдимиизда турган улкан режаларни амалга оширишда сўзсиз бекиёс аҳамият касб этади, деб қайд этди Президентимиз.

Собиқ Иттифоқ даврида Амударёдан понтон кўприклар орқали йўловчилар ва транспорт қатнови қандай қийинчилик ва хавф-хатарлар билан амалга оширилар эди. Кейинги йилларда Амударё узра бир эмас, иккита улкан, муҳташам кўприк барпо этилди ва шу тариқа йиллар давомида ечилмасдан келган ўта муҳим иқтисодий-ижтимоий масала ҳал қилинди.

Вилоятда бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар янада кенг миқёсда давом эттирилиши сессияда қайд этиб ўтилди. Бу борада келгуси беш йилда йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун вилоят бўйича 450 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтириш кўзда тутилмокда, деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, Хоразм воҳаси ўзининг кўп минг йиллик қишлоқ хўжалик маданиятига эга, ўз иши-

нинг чинакам устаси ва фидойиси бўлган миришкор дехқонлар айнан шу заминда ном қозонган.

Вилоят фермерлари бу йилнинг ўзида 132 минг тоннадан зиёд дон етишириб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажаришга ва қарийб 70 миллиард сўм даромад олишга эришганлари таҳсинга муносибdir. Шу кунларда эса, хоразмлик моҳир пахтакорлар 258 минг тонналик юксак хирмон бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, кўзлаган маррага тобора яқинлашмоқда.

Хоразм вилоятида ер шароитининг оғир ҳолати, тупроқнинг шўрланиши қандай катта ва машаққатли меҳнатни талаб қилишини воҳадаги ерларнинг 54 фоизи кучсиз, 33 фоизи ўртача, 13 фоизи эса кучли шўрлангани ҳам исботлаб беради. Бундай мураккаб шароитда дехқончилик қилиш, юқори ҳосил олиш, очигини айтганда, ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Бунинг учун қанча-қанча меҳнат, қанча маҳорат, ўз касбига, ўз ерига садоқат, қолаверса, катта мардлик талаб қилиниши дехқончилик билан таниш одамларга яхши аён.

Биргина мана шу мавсумни оладиган бўлсак, воҳа меҳнаткашлари кўплаб табиат нокулайликлари ва иқлим қийинчиликларига дуч келганини кўриш, кузатиш қийин эмас. Хусусан, ўтган йили ноябрь ойидаёқ совуқ ва аёз кунларнинг бошланиб кетгани, қишининг узоқ давом этгани ерни шудгорлаш, шўр ювиш, кузги экин-

ларни сақлаб қолишда дәхқонлар учун катта мұммаларни туғдирди.

Ёз фаслида эса қирқ күн давомида ҳаво ҳароратининг кескин юқори бўлиб тургани, жазирама қум ва туз бўронлари ҳосил тақдирини хавф остида қолдириб, Хоразм дәхқонларини яна бир бор жиддий синовдан ўтказди.

Президентимизнинг, шу фурсатдан фойдаланиб, мен мана шу юксак минбардан туриб, бундай оғир вазиятдан ёруғ юз билан чиқаётгани учун Хоразмнинг миришкор дәхқонлари ва фермерлари, барча меҳнаткашлари олдида таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан, деган сўзлари сессия иштирокчилари томонидан қизғин олқишлиар билан кутиб олинди.

Қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил етиштиришнинг омил ва мезонлари кўп. Об-ҳавонинг қулай келиши, навнинг тўғри танланиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилиши, энг муҳими, дәхқонларимизнинг ер билан тиллашиб, унга бутун меҳрини бериб ишлаши – ана шулар жумласидандир. Шулар қаторида яна бир ўта муҳим омил борки, деди Ислом Каримов, бу тупроқ унумдорлигини ошириш, ернинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимини яхшилаш билан боғлиқ. Ушбу мақсадда қабул қилинган махсус дастур доирасида сўнгги беш йилда Хоразм вилоятига давлат бюджетидан 80 миллиард сўмга

яқин маблағ ажратилди, бу эса мамлакатимизда шу борада ажратилған маблағнинг 11 фоизини ташкил этади. Ана шу маблағ ҳисобидан 220 километрлик коллектор-дренаж тармоқларида қурилиш ва реконструкция, 6,5 минг километрлик тармоқда эса таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида вилоят бўйича 170 минг гектардан зиёд сугориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Энг муҳими, ана шу худудларда пахта ҳосилдорлиги ўртacha 2,3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 2,7 центнерга кўпайгани Хоразм дехқон ва фермерларининг косасини оқартиришга, даромадларини оширишга хизмат қилмоқда.

Бу борада бошланган ишларни изчиллик билан давом эттириш мақсадида келгуси беш йилда давлат бюджетидан Хоразм вилоятига яна 225 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, янги йилдан бошлаб вилоятдаги иригация тизимларини реконструкция қилиш бўйича Ислом тараққиёт банкининг 90 миллион доллардан зиёд кредит маблағини жалб этган ҳолда, умумий қиймати 120 миллион доллар бўлган лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ана шундай кенг кўламли ишлар натижасида 144 минг гектарга яқин сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини, 225 минг гектардан ортиқ ер-

нинг эса сув билан таъминланишини яхшилашга эришилади.

Хоразм воҳасида халқимизни боқадиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини оширишга қаратилган катта куч ва маблағлар сарфлаш билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳаси самарасини оширишда ўз ечимини кутаётган ишлар ҳали кўп эканига мажлисда алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ишни тўғри ташкил қилиш, илғор ва синалган агротехник тажрибаларни кенг ёйиш, 15–25 йил давомида ишлатиб келинаётган, эскирган қишлоқ хўжалиги техникасини замонавий трактор ва механизмлар билан алмаштириш, Хоразм шароити ва иқлимига, шу тупроққа мос келадиган сифатли уруғ ва янги навларни етишириш ва жорий этиш, фермерлик ҳаракатининг олдида турган кўпгина вазифаларни ҳал қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш каби ўта муҳим, алоҳида эътиборни талаб қиласидиган муаммо ва масалалар устида ишлаш долзарб вазифалардан экани қайд этилди. Бу борада, авваламбор, вилоят раҳбарияти ва жамоатчилиги, мавжуд илмий муассасалар, тажрибали агроном ва мутахассисларнинг ўрни ва масъулияти катта эканига урғу берилди.

Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб инсон манфаатларини таъминлаш масаласи мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини

белгилаб келаётгани ҳақида, ўйлайманки, кўп гапиришга ҳожат йўқ, деб ўз фикрини давом эттирди Юртбошимиз.

Биз учун доимо устувор вазифа бўлган ана шундай сиёсатнинг амалий самарасини бутун юртимиз қатори Хоразм вилоятида ҳам кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Бугунги кунда вилоятда аҳолининг реал даромадлари жон бошига 2000 йилга нисбатан 9,2 баробар кўпайгани, шу даврда ўртача иш ҳақи 16,8 марта, пенсия ва ижтимоий нафақалар салкам 11 марта ортгани одамларимизнинг фаровонлигини таъминлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бунинг яққол ифодасини биргина мисол, яъни юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил автомобильларни аҳоли томонидан сотиб олиш ҳажми тобора ортиб бораётгани тасдиқлайди. Мамлакатимизда автомобиль ишлаб чиқариш йўлга қўйилган 1996 йилдан бошлаб Хоразм вилояти аҳолиси 60 мингдан зиёд ана шундай автомобилларни харид қилган, бошқача айтганда, ҳозирги вақтда ҳар бешта оиласдан иккитасида замонавий автомобиль мавжуд.

Яна бир долзарб масала – Хоразм вилояти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишларни олайлик, деди Ислом Каримов. Вилоятда кейинги ўн йилда 815 километрдан иборат

ичимлик сув тармоқлари янгиланиб, 28 та сув тақсимлаш иншооти реконструкция қилинди. Натижада 174 та аҳоли пунктидаги 200 мингга яқин аҳолининг ичимлик сув таъминотининг яхшилашишига эришилди.

Шу билан бирга, Жаҳон банкининг 11 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағи ҳисобидан Урганч шаҳри ва тумани, Осиё тараққиёт банкининг қарийб 13 миллион долларлик кредит маблағи эвазига Янгиариқ, Хива ва Кўшкўпир туманлари аҳолисининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Ана шундай ишлар натижасида кейинги ўн йилда вилоятда аҳолини марказлашган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминлаш даражасини 64 фоиздан 74 фоизга кўтаришга эришилди.

Бу албатта катта ютуқ, лекин бу рақам бизни қониқтирмаслиги керак. Кўп касалликлар ниманинг ҳисобидан пайдо бўлади? Аввало, сувнинг тоза эмаслиги ҳисобидан. Хоразмга хос буйракда тош йиғилиш касаллиги ва бошқа касалликларни бартараф этиш учун аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида қаттиқ ишлашимиз, бу муаммони тўла ечишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Келгусида халқаро молия институтларининг 60 миллион долларлик маблағини жалб этган ҳолда, бу борадаги ишларни янада кенгайтириш, жумладан, Урганч, Хива ва Питнак шаҳарлари-

даги эскирган канализация тармоқларини модернизация қилиш, янги тозалаш иншотларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, ана шу шаҳарларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, аҳолининг турмуш шароити ва сифатини янада оширишда муҳим ўрин тутади.

Вилоятда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида тураржой массивларини комплекс қуриш ишлари ҳам изчил олиб борилмоқда. Ўтган уч йил мобайнида 32 та массивда 1 минг 160 та уй-жой 43 километрдан зиёд газ тармоғи, 70 километр сув тармоғи, 30 километр электр тармоғи, 35 километр автомобиль йўллар ва бошқа инфратузилма обьектлари билан бирга қуриб фойдаланишга топширилгани диққатга сазовордир. «Мустаҳкам оила йили» деб ном олган жорий йилнинг ўзида вилоятнинг 20 та қишлоқ массивида 650 та ана шундай уй-жой барпо қилиниб, ўз эгаларига тайёр ҳолда топширилади.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳар томонлама қулай ва обод уйларда одамларнинг кайфияти ва қарашлари, эртанги кунга ишончи ҳам бошқача бўлади. Бундай уйлар хонадон бекалари – аёлларимизнинг оғирини енгиллаштиришга, ҳаёт тарзини ўзгартиришга, турмуш шароитини яхшилашга олиб келиши муқаррар, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Хоразм воҳасида соғлиқни сақлаш соҳасини янада яхшилаш, янги, замонавий даражага кўтариш мақсадида кейинги беш йил давомида 16 миллиард 200 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган урология ва кардиология марказларининг вилоят филиаллари, Бофот ва Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ва б та қишлоқ врачлик пунктида кенг кўламли қурилиш-реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Буларнинг барчаси, табиийки, турли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, инсон умрини узайтиришнинг мустаҳкам замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёш авлодимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш масаласи Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим, энг устувор йўналиши экани яхши маълум. Барчамиз бугун чуқур англаб олдик – фақатгина замонавий, мустақил фикрлайдиган, жаҳоннинг манаман деган мамлакатларидағи тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги боскичга кўтаришга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам биз бу ҳал қилувчи вазифани мамлакатимизни модернизация қилиш

ва янгилаш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, тараққий топган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашининг асосий шарти ва гарови деб била-миз, деб қайд этди Юртбошимиз.

Ана шундай юксак ва эзгу мақсадга эришишда Хоразм вилоятида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ҳаёт қоидасига айлантириш, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Сессияда бунинг исботи сифатида баъзи бир рақамларга эътибор қаратилди.

Агар 2003 йилда вилоятдаги умумтаълим мактабларининг фақат 63 фоизида спорт заллари мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, бу рақам 88 фоизни ташкил этмоқда. Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида ўтган уч йил давомида 85 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилгани, уларнинг 80 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда экани ёшларимизнинг, айниқса, қиз болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун ҳар томонлама қулай имкониятлар туғдирмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар Ўзбекистон терма жамоаси куни кеча 4 миллиарддан ортиқ одам яшайдиган Осиё қитъасининг чемпиони деган юксак шарафга эришганини катта ғурур билан

таъкидламоқчиман, деди Юртбошимиз ўз фикри-ни давом эттирап экан.

Табиийки, бундай ғалабага эришиш осон эмас. Барча зарур шарт-шароитларни яратган, спортни кенг оммавий ҳаракатга айлантирган тақдирдагина бундай улкан ютуқларга эришиш мумкин. Афсуски, бугунги кунда дунёда спортни бутунлай бошқача маъно ва мақсадларда тушуниш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Ҳамма нарса пулга қурилган, пул билан ҳисобланадиган спорт шахсан мен учун спорт эмас, деди Ислом Каримов.

Яратилган замонавий шароитлар туфайли хоразмлик мактаб ўкувчиларидан 1 минг 500 нафари Республика миқёсида, 140 нафари эса ҳалқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида иштирок этганини таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, ёш авлод тарбияси бўйича олиб бораётган, мана шундай чукур ўйланган ишларимиз ҳисобидан болаларимиз жисмонан соғлом ва бакувват бўлиб вояга етмоқда.

Ҳозирги вақтда вилоятдаги 91 та академик лицей ва касб-хунар коллажида 96 минг 300 нафар йигит-қиз замонавий билим ва амалий касб-хунарларни эгалламоқда. Ҳар йили уларнинг 30 минг нафардан ортиғи коллажларни битириб, ҳаётга йўлланма олмоқда.

Ана шундай ёшларни муносиб иш билан таъминлаш, уларнинг мустақил ҳаётга қадам кўйиши, оёққа туриб олиши учун ҳар томонлама ёрдам ва

кўмак бериш – бу давлатимиз, жамиятимизнинг бугунги кундаги энг муҳим, айтиш мумкинки, энг ҳал қилувчи вазифаси ва у доимо эътиборимиз марказида бўлиши зарур, деб таъкидлади Президентимиз.

Вилоятда коллеж битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида ажратилаётган кредитларнинг ҳажми кейинги уч йилда 10 баробар ошиб, жорий йилда 3 миллиард сўмни ташкил этгани, албатта, эътиборга молик.

Айни вақтда сессияда ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш масаласини яна бир бор танқидий кўз билан қараб чиқиш, бу борада ечилмаган муаммоларни ҳал этиш учун барча чораларни кўриш, авваламбор, шаҳар ва туман ҳокимлари, тегишли раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Вилоятда бандлик масаласи қандай ҳал қилинаётгани айни шунуктаи назардан таҳлил этилди. Юқорида айтилганидек, жорий йилнинг 9 ойида 47 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани ижобий баҳоланди. Лекин ўрганишларга кўра, вилоятда бугунги кунда 34 минг 700 нафарга яқин фуқаро, яъни меҳнатга лаёқатли бўлган аҳолининг 5,1 фоизи ишга жойлашишга муҳтоҷ ҳисобланади. Бу рақамлар, фоизлар ўз йўли билан, лекин ҳақиқий ишлашни истайдиган одамларга албатта иш топиб бериш керак. Бинобарин, бандлик масаласи бўйича олиб бора-

ётган ишларни янада кучайтириш, хусусан, саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат қўрсатиш соҳасида янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Хоразм воҳасида қурилиш ва ободончилик соҳасида олиб борилаётган катта-катта ишларни вилоят маркази бўлмиш Урганч шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин. Урганч шаҳрини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта қуриш мақсадида умумий қиймати 112 миллиард сўмни ташкил этадиган дастур ишлаб чиқилиб, кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Ҳозирги кунда Хоразмий кўчасида биринчи қаватини савдо ва майший хизмат қўрсатиш шоҳобчалари эгаллайдиган 12 та кўп қаватли тураржой биноси, 10 та савдо ва майший хизмат қўрсатиш обьектларини қуриш ишлари якунига етказилмоқда. Шунингдек, ҳар бири 25 ўринли 3 та меҳмонхона қурилиши бошланган.

Айни вақтда Хоразмий кўчасининг марказий чорраҳасида 4 та замонавий супермаркет ҳамда 38 та сервис ва хизмат қўрсатиш обьектида ҳам қурилиш ишлари якунига етиб бормоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали учун бунёд этилган муҳташам янги ўкув биноси бугун шаҳарнинг кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу ерда энди 160

ўринли талабалар туаржой биносини қуриш мўлжалланмоқда. Шулар қаторида «Ёшлар кўли» боғининг муҳандислик коммуникациялари, инфратузилмасини янгитдан барпо этиш кўзда тутилмоқда. Ушбу ҳудуддаги «Кичкинтолар боғи»да очиқ сув ҳавзаси қуриш, замонавий атракционлар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ ҳисобидан шаҳарнинг канализация тармоқлари реконструкция қилиниб, Хоразмий қўчасида 3 километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи ўtkazилгани, марказий кўчалар ва ирригация тизимлари босқичма-босқич таъмирланаётгани шаҳар ободончилигига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Бундан ташқари, бу ерда шу йилнинг ўзида 70 та кўп қаватли уй-жой капитал ва жорий таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этганини қайд этиш лозим, деди Юртбошимиз. Шу билан бирга, Урганч темир йўл вокзалини капитал реконструкция қилиш, жумладан, янги перрон ва очиқ ёзги павильон қуриш, вокзал олдидаги майдонни ободонлаштириб, кўркам хиёбон, автомобиллар бекати ва фаввора барпо этиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай бунёдкорлик ишлари вилоятдаги бошқа шаҳар ва туманларда ҳам олиб борилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2012 йилнинг январь ойидан буён Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Пўлат Раззақович Бобожонов вилоят ҳокими этиб сайланди.

Президентимиз бугунги кунда раҳбарнинг масъулияти, унинг одамлар билан ишлаш маҳорати ҳақида алоҳида тўхталиб, қуидагиларни баён этди.

Раҳбарлик ҳақида, раҳбар шахснинг ўрни ва таъсири ҳақида гапирганда, ҳозирги кунда ҳаёти-мизда кўпгина ижобий ва салбий мисолларни учратиши мумкин. Минг афсуски, ишни ўзибўларчиликка ташлаб, ҳар қадамда пайдо бўладиган муаммо ва масалаларни ечиш ўрнига, улар ўз-ўзича ечимини топар, деб бепарволикка, лоқайдликка берилиб юрадиган раҳбарлар ҳам кам эмас.

Бу фикрни бошқача ифодалаб, бамисоли ҳарбийларни бошқарадиган қўмондонларни ўзимизга тасаввур қиласиган бўлсак, улар, аввал жангта кирайлик, у ёғи ўзи маълум бўлади, деган тушунча билан қанча-қанча жангларни бой бергани, қанча йўқотишларга йўл қўйганини тарихдан яхши биламиз. Ўйлайманки, ҳаёти-мизда ҳали-бери учраб турадиган бундай номаъқул қарашлар билан иш тутадиган одамнинг раҳбар вазифасини эгаллашга ҳаққи йўқ.

Ҳаёт – бу, аввало, кураш демакдир. Ҳар куни-миз аслида курашдан иборат. Бу кураш нима учун, қандай мақсадлар учун қаратилган? Бу кураш, биринчи навбатда, эркинлик, тинчлик учун, ҳаётимиз фаровонлиги, болаларимизнинг келажаги учун қаратилган. Шу маънода, ҳар қайси раҳбарнинг зиммасида жуда катта масъулият борлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Биз бугун ён-атрофимизда, айтиш мумкинки, бутун дунёда нотинчлик, қарама-қаршилик ва кескин зиддиятлар рўй бераётган ўта мураккаб бир замонда яшаяпмиз, деди давлатимиз раҳбари. Шундай таҳликали вазиятни эътиборга оладиган бўлсак, аввалимбор, қандай бетакрор ва гўзал Ватан бизга насиб этгани, ҳаётимиз тобора юксалиб, обод ва фаровон бўлиб бораётганининг қадрига етиб, шукроналик ҳисси билан, юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини ҳар томонлама асраш ва мустаҳкамлаш, доимо сергак, сезгир ва хушёр бўлиб яшашимизни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Биз бошимиздан кечираётган бугунги замоннинг ўзи ҳар биримиздан ўз жойимизда, ўз лавозимимизда ўзимизга юклangan вазифани масъулият билан бажариш, эл-юртимиз олдидағи бурчимизни сидқидилдан адo этишни талаб қилмоқда.

Олдимизда турган мана шундай улкан вазифаларни амалга оширишда мен кўпни кўрган, кўхна

тарих ва маданиятга эга, не-не суронли даврларни бошидан кечирмасин, ўзлигини асраб, ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳамжиҳат бўлиб, бир-бирига елкадош бўлиб, мардлик ва матонат кўрсатиб, катта умид ва эзгу ниятлар билан яшаётган Хоразм халқига ишонаман. Сизларнинг меҳнаткашлиқ, олийжаноблик, меҳмондўстлик каби фазилатларингизни, ширин шевангизни, бетакрор санъатингизни мен юксак қадрлайман, деди Юртбошимиз ўз нутқининг ниҳоясида.

Сессия мажлисида Бофот туманидаги «Бофот» фермер хўжалиги раҳбари Шарифбой Ражабов, меҳнат фахрийси Кенжабой Ортиқов, Урганч давлат университети магистранти Нодира Янгибоева ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чукур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, воҳа ахли билдирилган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислоҳотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидладилар.

* * *

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Хонقا туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалиги дала-

ларида фермерлар билан мулоқотда бўлди. Пахта йигим-теримининг бориши билан қизиқди.

Ҳамза Жуманиёзов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги 67,6 гектар ер майдонига эга. Хўжалик аъзолари бу йил 48 гектар майдонда мўл ҳосил етиштириди. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келаётган хўжаликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда. Фермер хўжалигидаги мева-сабзавот, полиз етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ҳам йўлга қўйилган. Хўжаликда ташкил этилган тикувчилик цехи ва новвойхонада кўплаб ёшлар иш билан таъминланган.

— Бу йил пахтачилик учун қулай йил бўлди. Бу соҳада эришаётган муваффақиятларимизни чукур таҳлил қиласидан бўлсак, авваламбор, ерни ҳақиқий эгаларига топширганимиз, фермерларимизда эгалик ҳисси шакллангани, йил давомида бажарилиши лозим бўлган агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилаётгани, дехқонларимизга унумли меҳнат қилиши учун яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар бугунги ютуқларимизнинг муҳим омили бўлмоқда, — деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дефолиация тадбирлари ҳосилнинг тез, бир текис ва сифатли пишиб етилишида катта ўрин тутиши тўғрисида тўхталар

экан, бугун фермерларимиз фаолияти натижасини юқори самарадорлик билан ўлчаш энг түғри йўл эканини таъкидлади. Бугун фермерлик ҳаракати ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда, деди Президентимиз. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоқда саноатни жадал тараққий эттириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга кўйиши, худудларимизнинг ижтимоий-иктисодий равнақига, аҳоли фаровонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиши лозим.

Фермерлар билан мuloқot чоғида одамларимизнинг онгу тафаккури, ҳаётга қараши, талаб ва эҳтиёжлари ўзгараётгани, шунинг баробарида, шаҳар ва қишлоқларимиз янада чирой очиб бораётгани таъкидланди. Айниқса, ёшларимизнинг ўз олдига аниқ мақсадларни қўйиб, дадил интилаётгани, турли соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани бутун халқимиз қалбини ғууруга тўлдираётгани қайд этилди.

Президентимиз Ислом Каримов Урганч шаҳри марказий қисмини реконструкция қилиш дастурига асосан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Курилиш ва шаҳарсозлик ишларида Хоразмнинг ўзига хос табиий иқлим шароитини эътибор-

га олиш лозим, деди Ислом Каримов. Ер остидағи сувларни қочириш, унинг сатхини пасайтириш учун коллекторлар тизимини такомиллаштириш зарур. Шу билан бирга, ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш ишларини воҳа тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб тизимли ташкил қилиш шаҳарни ривожлантириш йўлидаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жараёнида эътибор марказида бўлиши даркор.

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан муваффакиятлар, халқимиз фаровонлиги муттасил юксалиб бораётгани чексиз ғуур ва ифтихор бағишлайди. Кўлга киритилаётган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт, фарзандларимизнинг саодатли келажаги учун доимо қурашиб яшашимиз шарт. Хоразм вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамлар тафаккуридаги ўзгаришлар ҳамда улуғвор мақсадлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб турибди.

2012 йил 9 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН ПАҲТАҚОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимиз олдида турган эзгу мақсадларни амалга ошириш, кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, унинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз фаровонлигини ошириш йўлида қўлга киритаётган ютуқ ва мэрраларимиз барчамизни албатта қувонтиради ва эртанги кунга бўлган ишончимизни янада кучайтиради.

Шулар қаторида пахтачилик соҳасида жорий йилда 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат ғалабасига эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизга чукур мамнуният етказади.

Бу ғалабанинг осонлик билан эмас, ўта оғир шароитда, машаққатли меҳнат ва фидойилик ҳисобидан қўлга киритилгани унинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини янада оширади ва барчамизни руҳлантиради.

Бу ҳақда гапирганда, айтиш керакки, ўтган йил кузда – янги мавсумга тайёргарлик пайтида бошланган ёғингарчилик, қорли ва аёзли кунларнинг

февраль ойига қадар чўзилиб кетгани, бунинг натижасида ерларнинг шўрини ювиш, экишга тайёрлаш билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келгани, ёз ойларида эса ҳаво ҳароратининг кескин даражада юқори бўлгани, турли қишлоқ хўжалиги зааркунандалари ва касалликлар кўпайгани дехқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирмасдан қолмади.

Буларнинг барчаси дала меҳнаткашларидан, ҳақиқатан ҳам, катта мардлик, мустаҳкам ирода ва қатъиятни талаб қилди ва мўл ҳосил яратиш йўлида бутун имконият, бор куч-ғайратни сафарбар қилишга тўғри келди.

Мана шундай мураккаб бир шароитда эришган ютуқларимиз, яъни мамлакатимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги ўргача 26,5 центнерни ташкил этиб, 5 йиллик ўргача кўрсаткичга нисбатан 1,6 центнерга ошгани, етиштирилган ҳосилнинг ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, ғоят қисқа муддатда – 35 иш кунида йиғиб-териб олингани, унинг 90 фоизи юксак сифат билан юқори сортларга топширилгани ҳар қайси дехқон, ҳар қайси фермер, ҳар қайси мутахассисдан ҳақиқий матонат ва жасорат намунасини, уюшқоқлик ва сафарбарлик кўрсатишни талаб қилганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, сиз, азиз пахтакорларимизнинг ҳар бирингизни бағримга босиб, ўз зиммангизга олган шартнома мажбу-

риятларини шараф билан адо этганингиз билан чин қалбимдан табриклишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадрли юртдошлар!

Бугун, мана шу қувончли айёмда пахта тай-ёрлаш бўйича бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб, мамлакатимизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшган вилоят ва туманлар, фермер хўжаликларининг номларини ҳурмат билан тилга олишимиз ўринлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларининг пахтакорлари биринчилардан бўлиб юксак маррага етиб келганлари, гектаридан ўртача 30 – 35 центнердан ҳосил олишга эришганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Амударё, Кегейли, Чимбой, Пахтаобод, Шаҳрихон, Мингбулоқ, Олтинқўл, Поп, Дўстлик, Оқолтин, Бўка, Бувайда, Ўзбекистон, Навбаҳор, Вобкент, Нарпай, Иштихон, Шеробод, Косон, Гурлан туманларида ҳосилдорлик ўртача 35 – 40 центнерга етгани, айниқса, эътиборлидир.

Беруний туманидаги «Акром», Амударё туманидаги «Ғайрат», Шаҳрихон туманидаги «Азиз», Пешку туманидаги «Фаттоев», Навбаҳор туманидаги «Диёрбек Сулаймонов», Каттақўргон туманидаги «Ҳосил», Оқолтин туманидаги «Нурафшон орзу», Данғара туманидаги «Ёқубжон Дадамирза», Хонқа туманидаги «Исмоил ота»

фермер хўжаликларининг гектаридан 45–50 центнерга етказиб ҳосил олишга эришгани фермерлик ҳаракатининг имкониятлари нақадар катта эканини яна бир бор намоён этди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ана шундай ўта оғир, шу билан бирга, шарафли меҳнат эвазига етиширилган мўл ҳосил мамлакатимизнинг қайта ишлаш корхоналарини юқори сифатли хомашё билан таъминлаши ва ундан пахта толаси, ип-калава, текстиль маҳсулотлари, ёғ, соувун, кунжара каби 25 дан зиёд турдаги маҳсулот олинишини, пахта толасини экспорт қилиш ҳисобидан келадиган валюта маблағларини ўзимизга тасаввур қиласиган бўлсак, деҳқонларимизнинг қадоқ қўллари билан яратилган бу юксак хирмоннинг нақадар бебаҳо бойлик эканини катта миннадорлик билан қайд этиш, албатта, ўринли бўлади.

Бу йилги ҳосилнинг асосий омил ва мезонлари ҳақида гапирганда, авваламбор, ишни тўғри ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини чукур ислоҳ қилиш ва уни самарали бошқаришни замонавий даражага кўтариш, далада ишлаётган инсонларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бу борада энг муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим.

Кўлга киритилган бу ютуқ замирида яна бир асосий мезон сифатида тараққий топган давлатлар тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракатига ўтиш, бу соҳанинг ривожи

учун барча ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий шартшароитларни яратиб бериш бўйича амалга оширган катта-катта ишларимиз мужассам эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Шулар қаторида яна бир муҳим омил борки, бу қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, уларнинг ерга, мулкка, ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотга эгалик ҳиссиёти тобора кучайиб, онгу тафаккури, дунёқараши юксалиб бораётгани билан боғлиқ, десак, муболага бўлмайди.

Хурматли дўстлар!

Барчамизга аёнки, халқимизнинг «Сен ерни боқсанг – ер сени боқади», деган ҳикматли гапида чукур маъно бор ва бу ҳақиқатни ҳеч қачон унум-маслигимизни истардим.

Биз бундан беш йил олдин бошлаган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури доирасида ўтган давр мобайнида давлат бюджетидан 800 миллиард сўм, жумладан, шу йилнинг ўзида 210 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион 200 минг гектардан ортиқ экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшилангани ҳосилдорлик даражасини оширишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилгани ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди, албатта.

Миқёси ва аҳамиятини тасаввур қилишнинг ўзи қийин бўлган бу ишларимиз нафақат тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни кўтариш, уму-

ман олганда, табиатимизни, атроф-муҳитни яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдек устувор вазифаларни амалга оширишда самарали замин бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу билан бирга, жорий мавсумда селекция масаласига, ҳар қайси ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос бўлган янги навларни танлаб экишга алоҳида эътибор қаратилгани, ғўза парваришида замонавий илм-фан ютуқлари, илғор агротехнологиялар, турли касалликларга қарши биологик кураш усуллари кенг жорий этилгани, энг муҳими, дефолиациянинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилгани эришилган ютуқни таъминлашда алоҳида ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Юқорида зикр этилган ана шундай тадбир ва ислоҳотларни амалга оширишда ўз хиссасини кўшган барча олим ва агрономлар, иқтисодчилар, турли соҳа мутахассисларига миннатдорлик билдирган ҳолда, бу борада ҳали қиласидан ишларимиз кўп, десак, бу ҳам тўғри бўлади.

Аввало, кўлга киритган марраларимизни янада мустаҳкамлаш, келгуси йил ҳосили ҳақида, жумладан, янги мавсумга тайёргарлик кўриш, экин майдонларини сифатли шудгорлаш, ирригация тармоқларини тартибга келтириш каби масалалар устида ўйлашимиз табиий, албатта.

Бу борада фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш, уни замон талаб қилаётган

янги, юксак босқичга кўтариш, бу соҳа олдида турган муаммоларни ҳал қилиш энг мухим вазифаларимиз қаторига киради.

Айниқса, фермер хўжаликларининг илғор хорижий агротехнологиялар, илм-фан ютуқларини ҳар томонлама пухта ўзлаштириши, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча имкониятлар яратиш, ёшларни фермерлик ишига кенг жалб этиш мақсадида олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, фермерларимизнинг касб маҳоратини, хўжалик юритиш, ташкилотчилик салоҳиятини ошириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Мана шундай шукуҳли дамларда биздан марҳаматини аямасдан, ўз паноҳида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтамиз.

Барчангизни бугунги юксак меҳнат ғалабаси билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, қадрдонларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2012 йил 19 октябрь*

ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Қадрли дўстлар!

Муҳтарам мөхмонлар!

Аввало, сиз азизлар билан мана шу гўзал ва муҳташам саройда учрашиб турганимдан, шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга чукур ҳурматимни билдириш, сиҳат-саломатлик, бардамлик, тинчлик-омонлик тилашдан баҳтиёрман.

Бугун биз Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги қуттуғ сана – халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб, миллий давлатчилик, янги сиёсий-ижтимоий тизим барпо этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берган Конституциямизнинг 20 йиллигини байрам қилмоқдамиз.

Ана шу улуғ айём билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлади.

Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва мэрралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, авва-

ло, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади.

Тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгиланишларни чуқур англаш, тасаввур этиш учун биз кечаким эдиг-у, бугун ким бўлдик, деган табиий саволни бериш ўринли, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ўз салоҳияти ва аҳолисининг ҳаёт дарражаси бўйича энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, бугунги кунда демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган, куч-қудрати тобора юксалиб, замонавий кўп тармоқли иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айланиб бораётгани мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўриш мумкин.

Ўтган даврда бизнинг қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгиб ўтишимизга тўғри келгани ҳаммамизга яхши маълум. Лекин буларнинг барчасига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Агарки, шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, 30 милли-

онга яқинлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган вақт мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганинг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Бу ҳақда сўз борганда, 2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иктисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда 2008–2012 йилларда, яъни охирги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этгани, макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайган.

Айни шу йўлда, шу мақсадларга эришишда Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган тамоийл ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт модели мужассам топган.

Шулар ҳақида гапирганда, аввалимбор, тадрижий тараққиёт концепциясини амалга ошириш, иктиносидиётни мағкурадан холи бўлиши, демократик ислоҳотларни босқичма-босқич жорий қилиш,

қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги ролини тан олиш ва ўтиш даврида унинг таъсирини ошириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёsat юритиш каби принципларни кўзда тутамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, таъкидлаш керакки, ҳар қандай демократик тизим негизида ётган – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-хукуқ тармоқларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган **сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислоҳотларнинг таъсирини кўрамиз**.

Бу – собиқ совет давридаги марказлашган режали-тақсимот тизимидан воз кечиши ва бозор иқтисодиётининг бутун дунёда қабул қилинган тамойилларига ўтиш, Ўзбекистонда стратегик тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида **хусусий мулкнинг дахлизлигини мустаҳкамлаш демакдир**.

Бу – айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосда бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий

барқарорлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф – яъни мулқдорлар синфини шакллантириш натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, инсон, унинг хукуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий қадрият деб биладиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен давлатга айланишини таъминлаб берган яна кўплаб ҳал қилувчи омилларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамиз: демократлаштириш ва либераллаштириш, биз учун принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлган давлатни шакллантириш – бу бир-икки йилда ҳал этиладиган вазифа эмас, балки муайян муддат билан чегараланиб қолмайдиган узоқ ва узлуксиз жараён эканини яхши англаймиз, албатта.

Шу маънода, 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давомидир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ислоҳотларни босқичма-босқич, изчиллик ва тадрижий ривожланишнинг давомийлиги асосида амалга ошириш тамойилларидан келиб чиқкан ҳолда, мазкур Концепция, ўз моҳият эътиборига кўра, дунёда туб ўзгаришлар юз беряётган ҳозирги замонда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг **узоқ муддатга мўлжалланган миллий стратегияси**дир.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йилларида тўплаган оз бўлса-да, лекин ғоят мазмунли тажрибамиз бир ҳақиқатни такрор ва такрор тасдиқлаб бермоқда. Яъни, факат демократик ўзгаришларнинг ҳаётда ўзини оқлаган моделлари негизида чуқур асосланган сиёсий йўл ва ислоҳотларни изчил амалга ошириш, бугунги дунёдаги тарихий ва реал воқеликни эътиборга олиш ҳисобидангина бу ислоҳотларнинг муваффақияти ва самарадорлигини, давлат ва жамиятнинг, аҳоли турмуш даражасининг юксак ва барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлаш мумкин.

Демократик ислоҳотларни қандайдир ҳавои мақсадлар, амбициялар ва сохта обрў топиш учун сунъий равишда тезлаштириш, ўз хоҳишини амалдаги ҳақиқат деб кўрсатишга уриниш одатда тескари натижага олиб келади ва буни кўплаб мисолларда кўриш қийин эмас.

Концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва хуқуқий-меъёрий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича бугунги кунга қадар мамлакатимиз Парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилинди, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси эса кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида турибди.

Шулар қаторида 2011 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim моддалари (78, 80, 93, 96 ва 98-моддалар)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ғоят муҳим қадам бўлди.

Мазкур Қонун Президент – Давлат бошлиғи билан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўргасида янада мутаносиб конституциявий ваколатлар тақсимотини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда, шунингдек, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институти жорий этилган, айrim ваколатлар Президентдан Сенатга – Парламентимизнинг юқори палатасига ва мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасига берилган, маҳаллий кенгашларнинг ваколатлари сезиларли равишда кенгайтирилган.

Парламентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги

ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тұғрисида»ги қонунларга киритилган құшимчалар ҳам сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қиласы.

Шу билан бирга, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва янада либераллаштириш, «Хабеас корпус» институтини құллаш соҳасини кенгайтириш бүйіча қонун хужжатлари қабул қилингани ҳамда ахборот тизимини ислоҳ этиш, хусусан, мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан модернизация қилиш жараённанда ҳал қилувчи роль үйнайдыган ахборот-коммуникация технологиялари ва телевидение тизимида сўз эркинлигини таъминлаш борасида Концепцияда белгиланган вазифалар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида «Норматив-хуқуқий хужжатлар тұғрисида», «Ижтимоий шерикчилик тұғрисида», «Жамоат назорати тұғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тұғрисида» ва бошқа хуқуқий меъёрий хужжатларнинг қабул қилиниши ҳам ғоят муҳим аҳамияттаға әгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий хуқуқ ва манбаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошкоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида

қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қиласди.

Бу йил қабул қилингандеги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг роли ва аҳамияти бағоят катта, деб ўйлайман. Бу қонунда мулк эгасининг ҳукуки устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан бўён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат орғанлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулқдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Ҳозирги вақтда янги таҳрирда амал қилаётган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ва улар асосида имзоланган «Ишбилармонлик мухитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, шунингдек, «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомиларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонлари ва бошқа қарорлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш ва бунинг учун зарур ишбилармонлик мухитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвес-

тицион мухит жозибадорлигини ва қулайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шу борада айтилган фикрларни якунлаб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимизда бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ана шу барча қонун хужжатлари ва ҳуқуқий нормаларнинг ижросини мониторинг қилиш ва назоратга олиш ташқи ва жаҳон бозорларида глобал инқироз авж олиб бораётган бир шароитда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барчаси ҳақида тўхталиб ўтиш кўп вақт талаб этади ва ўз-ўзидан равшанки, бунинг ҳожати ҳам йўқ.

Юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни **Ўзбекистоннинг**

дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидең буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун айниқса муҳимдир.

Ана шундай юксак мақсадларга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бу – ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг онгу тафаккури ва дунёқарашида юз берәётган ўзгаришлар, унинг ҳайтга, меҳнатга бўлган муносабати, тобора ўсиб бораётган сиёсий ва ҳукуқий маданияти, десам, асло муболаға бўлмайди.

Эски мустабид ўтмишнинг оғир юки ва мероси ҳайтимизда барҳам топмоқда, одамларимиз бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда рўй берәётган воқеаларнинг моҳиятини яхши тушуниб етмоқда, уларнинг миллий манфаатларимизга нақадар жавоб берәётгани ёки бермаётганини ўзига аниқ тасаввур этмоқда. Нега деганда, шуни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим, **биз кўпни кўрган, курашларда тобланган, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, муқаддас динимиз ва қадриятларимизни юксак баҳолайдиган халқмиз.**

Мухтасар қилиб айтганда, эл-юртимиз нималар ҳисобидан, қандай оғир ва машаққатли кунлар, синовларни бошдан кечириб, бугунги ютуқ ва марраларга эришганини холисона баҳолаб, ҳар қандай кибр-ҳаво кайфиятларига берилмасдан, оёғимиз ердан узилмасдан, эртанги ёруғ, ҳеч кимдан кам

бўлмайдиган келажагимизга онгли равища қадам қўймоқдамиз.

Бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва суюнчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир.

Бу – Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё миқёсида катта қизиқиш ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим-тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узок бўлган, замонавий қасб-хунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги кунга интилаётган бизнинг фарзандларимиздир.

Ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўлланма олмоқда.

Ишончим комил, бундай ёшларимизнинг сафи қанча кўпайса, қанча ривож топса, ҳеч шубҳасиз, марра бизники, Ўзбекистонникидир.

Хурматли дўстлар!

Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазијат ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақаларда этник ва конфессиялараро тафовутлар негизида вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда.

Ядрорий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиб кетиш хавфи, муросасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескинлик ўчоқларининг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бундай жарайёнларнинг барчаси жаҳондаги йирик давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқнашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

АЙСЕФ деб аталмиш коалицион қўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин қўшни Афғонистон худудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ рашида ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркографикнинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Воқеаларнинг ана шундай йўналишда ривожланиши бугунги қарама-қаршиликнинг миллатлар ва элатлар ўртасидаги можарога айланиб кетиши, Афғонистонда фуқаролар урушининг янгитдан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли эксперtlар томонидан истисно этилмаяпти.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳокама этилаётган энг мақбул вариант – бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ва, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гурухини шакллантиришдан иборат.

Бу гурух хатти-харакатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муросага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гурухлар ўз ўрнини топган бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносаби мұқобил варианти йўқ.

Ўзбекистон ўзининг қўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфатларини ҳисобга олиб, афғон ҳалқининг ўз мамлакати келажагини ўйлаб танлаган йўлини хурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам шу принципга амал қиласди.

Халқаро ҳамжамиятда катта акс садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фолијати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги

Қонун асосида айнан ана шундай ёндашувлар мұжассамдир.

Мазкур концепция давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йұналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаёт-ган стратегиянинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон, аввалинбор, мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узок муддатли миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда:

турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узок бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида; очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принципларини аниқ-равshan баён этади.

Ўзбекистон мафкуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги куролли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Минтақамизда мураккаб вазият вужудга кела-ётган шароитда, узок ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилған ана шундай ташқи сиёсатгина халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ташқи сиёсатини айни шу принципларга асосланиб олиб бориши барча юртдошларимиз, бутун халқимиз қўллаб-кувватлайди.

Хурматли дўстлар!

2012 йилга мамлакатимизда «Мустаҳкам оила иили» деб ном берганимиз ва шу асосда азал-азалдан ҳаётимизнинг таянчи ва суюнчи бўлиб келган, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оила институтини янада ривожлантиришга қарор қилганимиз халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилга айни шундай ном бериш орқали ҳаёт агадийлигини, ҳар қайси инсоннинг бахту садати, қелажаги, орзу-интилишларини мужассам этадиган оилани янада мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш, бу борада олиб бораётган барча ишларимизни янги босқичга кўтаришдек олийжа-

ноб режаларни амалга ошириш кўзда тутилгани ҳаммамизга яхши аён.

Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг ижроси, унда белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларни бажариш натижалари, уларнинг амалий таъсири ва самарааси ҳақида йил якунига кўра жойларда бўлиб ўтадиган йифилишларда албатта батафсил ҳисобот берилади, деб ўйлайман.

Бугун эса, рухсатингиз билан, ана шу дастурнинг маъно-мазмунини ифода этган энг асосий ва устувор йўналишлар бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни зарур деб биламан.

Биринчи навбатда, оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш лозим.

Шу борада бугун замон талаб этаётган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва бунинг учун ҳуқуқий нормаларни шакллантириш, Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва шунга ўхшаш бир қатор қонунларни қабул қилиш шулар жумласидандир.

Жорий йилда оила, биринчи навбатда, ёш оиласаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш,

уларни хуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-кувватлаш каби ўта муҳим масалалар диққатимиз марказида бўлди.

Ана шу мақсадда «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги хукумат қарори қабул қилинди. Шу асосда ёш оилалар учун 2012–2013 йилларда ҳар бири 48 та квартирага эга бўлган 100 та кўп қаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шундай уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қиласи.

Мазкур банклар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, майший техника ва бошқа уй-рўзгор буюмларини харид қилиш

учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилгани ёш оиласарнинг рўзгорини бутлашда, уларнинг оёққа туриб олишида катта мадад бўлди, десак, янгишмаган бўламиз.

Кишлоқларда майший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга соликлардан озод этилгани 40 мингта яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон берди.

Дастур доирасида биз эҳтиёжманд оиласарга ижтимоий ғамхўрликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берганимиз ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Шулар ҳақида гапирганда, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтоҷ оиласарга 8 минг 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй паррандаси тарқатилганини қайд этиш лозим.

Жорий йилда кам таъминланган оиласарга мансуб ўқувчиларга қиймати қарийб 28 миллиард сўмдан иборат бўлган қиши кийим-кечак берилди. Янги ўкув йилида 510 мингта яқин биринчи синф ўқувчиси, шунингдек, уйда таълим олаётган, имконияти чекланган 11 мингга яқин бола давлат бюджети ҳисобидан 12 турдаги ўкув анжомлари тўплами билан таъминланди.

Айни вақтда ўқувчи қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ва рағбатлантириш мақсадида 190 мингта спорт кийимлари тўплами уларга совға тариқасида берилгани, 50 минг нафар бола бепул, 270 минг нафар бола эса имтиёзли

асосда ёзги оромгоҳларда дам олдирилганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, юртимиз бўйича мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ бўлган ёш оиланинг никоҳ тўйлари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ўтказиб берилди.

2012 йилда яна бир долзарб вазифа – **ахоли бандлигини таъминлаш** масаласига устувор аҳамият қаратилди. Бу борада кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини алоҳида тилга олиш зарур, деб била-ман.

Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани биз учун ўта муҳим бўлган бандлик масаласини ечишда яна бир жиддий қадам бўлди.

Парламентимиз қабул қиласан оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш борасидаги қонунларимиз асосида ўтган давр мобайнида ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёллар учун Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 218 минг евро миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг салоҳиятидан фаол ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида яна-да самарали фойдаланиш мақсадида илгари кўрилмаган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу борада «Оиласларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳукумат қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ хонадонларнинг майший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-рўзгор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича катта ишлар қилинди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда электр майший техникаси ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда аввалги йилларга нисбатан 4 баробар ошди.

Юртимиздаги оиласларга уч йилга мўлжалланган 317 миллиард сўмга яқин истеъмол кредитлари ажратилгани опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳолининг турмуш мадани-

ятини оширишга қаратилгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Шу ўринда яна бир эътиборга лойиқ масалага тўхталмоқчиман. Бу йил **қишлоқ аҳоли пунктларини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш** бўйича кўрилган қўшимча чора-тадбирларга асосан қарийб 108 миллиард сўм ва 96 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиб, 1 минг 220 километрдан зиёд янги сув тармоқлари барпо этилди ва реконструкция қилинди. Бу эса 872 та аҳоли пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

Етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиласнинг ўрнини кучайтириш, **оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш** бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди.

Бу ҳақда гапирганда, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Ана шу тадбирлар ҳисобидан юртимиздаги 4,5 миллиондан зиёд ўкувчининг 76 фоизи мактаблар ва «Баркамол авлод» болалар марказларида ташкил этилган фан, мусиқа ва санъат тўгаракларида, спорт машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

Йил давомида мингга яқин умумтаълим мактаби замонавий компьютер хоналари, 1 минг 150 тадан зиёд касб-ҳунар колледжидаги ўкув устахоналари амалий машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозлар, хомашё маҳсулотлари билан таъминланди. «Электрон таълим» лойиҳаси доирасида олий ўкув юртларининг кутубхона фондларини электрон шаклга ўтказиш борасидаги дастурий ишлар бошланди.

Интернет тармоғида ишлаш кўникмаларини эгаллаш бўйича қишлоқ ёшлари учун ишлаб чиқилган маҳсус ўкув дастури асосида 30 мингга яқин йигит-қиз ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўз билимини оширишга муваффақ бўлди.

«Мустаҳкам оила йили» дастури асосида **соғлиқни сақлаш соҳаси** бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилганини бугун мамнуният билан таъкидлашга ҳақлимиз.

Хусусан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жорий этиб келинаётган, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган «Соғлом она – соғлом бола» дастури доирасидаги чора-тадбирларимиз йил давомида янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро жамғармалар билан ҳамкорликда «Саломатлик – 3» лойиҳаси доираси-

да тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташхис кўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнинг олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз.

Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Шу борада Тошкент шаҳрида 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларидан иборат маблағ хисобидан қуриб битказилган, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиожарроҳлик мажмуаси бугунги кунда ўткир муаммо бўлиб турган юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этиши билан, айниқса, эътиборлидир.

Таъкидлаш керакки, Мустаҳкам оила йили жамиятимизнинг маънавий негизларини янада

ривожлантириш, азалий қадриятларни асраб-авайлаш, юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, миллий менталитетимизга ёт бўлган заарарли таъсирларга қарши туришда бекиёс куч бўлган оиланинг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган кўплаб тадбирларга, жумладан, турли кўрик-танловлар, фестиваллар, кўргазма ва ижодий кечаларга бой бўлди.

Мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга молик бошқа обьектлар қатори замонавий спорт иншотлари барпо этиш, бу йўналишдаги инфратузилма тармоқларини янада кенгайтириш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилмокда.

Биргина жорий йилнинг ўзида 168 та болалар спорти обьекти фойдаланишга топширилди ва бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгacha бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болаларимиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди.

Юртимизда спорт соҳасини янада ривожлантириш, ўзбек футболи ривожини янги босқичга кўтариш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида замонавий «Бунёдкор» спорт мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилгани мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий салоҳиятини яна бир бор ёрқин намоён этди. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу мажмуа ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида юк-

сак марраларни эгаллашига, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган тизимли ишларимиз бугунги кунда ўзининг амалий самарааси ва ҳосилини бермоқда.

Ўзбекистоннинг футбол бўйича иккита терма жамоаси – ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз ҳамда ёшлар терма жамоамиз Осиё қитъасининг манаман деган, энг кучли мамлакатларининг терма жамоалари билан кескин қурашларда ғалаба қозонгани, келгуси йили жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгани, ҳеч шубҳасиз, нафақат футбол ишқибозлари ва спорт мухлисларини, ўйлайманки, бутун халқимизнинг кўнглини кўтариб, ғуур ва ифтихор етказди, десам, адашмаган бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, ёш футболчиларимизга, Ватанимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтариб келаётган барча спортчиларимизга, устоз-мураббийларга ташаккур билдириб, уларга баҳт ва омад тилашга рухсат бергайсиз.

Мұхтарам ватандошлар!

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида батафсил сўз юритишга кўп вақт кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Мен бу ўринда эътиборингизни

фақатгина битта рақамга қаратишни жоиз деб биламан.

Дастур доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганинг ўзи, ўйлайманки, бизнинг амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нақадар кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олийжаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, хорижий ва халқаро тузилмаларга, шу залда ўтирган чет давлатларнинг элчилари ва дипломатик ваколатхоналар вакилларига, эзгу мақсад йўлида сидқидилдан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, «Мустаҳкам оила йили» ўзининг туб мазмун-моҳияти, руҳи ва фалсафаси билан, амалий таъсири ва натижаси билан эл-юртимиз хотирасида чуқур из қолдиради, десам, сиз азизлар, шу фикрга қўшиласиз, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2013 йилга қандай ном бериш ҳақида маслаҳатлашиб олишимиз керак.

Ўтган давр мобайнида бизнинг бу борада тўплаган тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, йилга

фақат чиройли ном бериш эмас, бу ғояни мутлақ күпчилик, умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун билан, таъсирчан ва са-марали тадбирлар билан тўлдириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шарт.

Лўнда қилиб айтганда, йилга ном бериш не-гизида, авваламбор, ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиёти-мизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаро-вон қилиш – айни шу каби эзгу мақсад-муддаолар туриши лозим.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, мил-лати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга баҳт-ли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етиш-нинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиласидиган бир омил бор-ки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар то-монлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чукур тушунамиз. Обод дегандা, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталиқ, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака хукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қиласиди.

Мустақиллик йилларида «Ободлик кўнгилдан бошланади» деган чукур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бундай мулоҳаза ва фикрларни умумлаштириб, ўзбекона айтадиган бўлсак, барчамизни ҳаракат ва интилишларимиз негизида, авваламбор, юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айни шундай орзу-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай ғоя ва интилишни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда ғоят муҳим ва дол зарб аҳамият касб этади.

Азиз дўстлар, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен кириб келаётган янги – 2013 йилни мамлакатимизда **«Обод турмуш йили»** деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Биз 2013 йилга шундай ном берар эканмиз, ана шу йўналишда бошлаган ишларимизни изчили давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асосий мақсад деб биламиз.

Шу муносабат билан қабул қилинадиган давлат дастурида қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Биринчидан, Ўзбекистонимизда тинчлик-осоийишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Албатта, бу масала бўйича масъул бўлган тегишли идоралар бор, куч-кудратимиз ҳам етарли. Лекин қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига этиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин.

Иккинчидан, обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан ҳалқимизнинг онгу тафаккурида, аввалимбор, фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, кут-барака, бозорларда арzonчилик маъносини ўзида мужассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳалқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнаки ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмунмоҳиятини ташкил этмоқда.

Дастурни тайёrlашда аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик

масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаشتариш каби вазифалар эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг «Мехнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик» деган мақоли замирида мужассам бўлган ҳақиқатни ҳайтимиз тарзига айлантириш йўлида янги йилда ҳам катта-катта ишларни амалга оширишимиз зарур.

Учинчидан, обод турмушнинг яна бир муҳим шарти – бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Ҳақиқатан ҳам, одамларимиз қачон, қаерда бўлмасин, дуога кўл очар экан, аввало, «Тани соғлик, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, юртимиз обод бўлсин», деб ният қилиши бежиз эмас, албатта.

Шу боис халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади.

Тўртинчидан, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши керак.

Бешинчидан, биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти – бу аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир.

Шу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иктисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги хуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Олтинчидан, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан уз-

вий ва чамбарчас боғлиқдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун бизнинг ҳали қиласидиган кўп ишларимиз борлигини унутмаслигимизни истардим.

Албатта, 2013 йилда ўз олдимизга мана шундай катта вазифаларни қўяр эканмиз, уларни рўёбга чиқариш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ҳокимиёт идоралари, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, зиёлиларимиз, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол ва муносиб иштирок этади, деб ишонаман.

Азизларим, қадрдонларим!

Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб ном берганимиз бизнинг мустақиллик йилларида олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлмиш инсон манфаати, инсон хукуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилишига аминман.

Яна ва яна бир бор барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 20 йиллигига
багишланган тантанали маросимидағи
маъруза.
2012 йил 7 декабрь

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚ

14 декабрь куни халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Фарғона деганда, авваламбор, «Олтин водий» деб ном олган, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимизнинг гавҳари бўлган гўзал диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади, деди давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида.

Бекиёс ва бетакрор табиатга, инсоннинг ҳавасини тортадиган мўътадил иқлимга, сўлим боғ-роғлар, фақат шу заминда учрайдиган, дунёга довруғи кетган турли ноз-неъматларга, кўхна тарихга эга бўлган Фарғона вилояти ҳақида, унинг кўпни кўрган, ҳаётнинг, одамнинг қадрига етадиган, меҳнаткаш ва меҳмондўст, содда ва самимий инсонлари, ўз қўли билан ўзининг эртанги кунини, ёруғ келажагини қураётган, бағрикенг, валломат халқи ҳақида, бу элга хос бўлган эзгу хусусият ва фазилатлар ҳақида алоҳида тўхталар экан, Ислом Каримов вилоят аҳлига ўз қалбида, юрагида бўлган самимий сўзларни, меҳр-муҳаббатни изҳор этиш

катта мамнуният ва хурсандчилик бағишилашини таъкидлади.

Бугунги учрашувимиздан мақсад, деб ўз сўзини давом эттириди Юртбошимиз, жорий йил якунига етиб бориши билан ўтган давр мобайнида қилган ишларимизга холисона баҳо бериш, кўлга киритган ютуқларимиз ҳақида фикр алмашиш, айни вақтда ҳал этилмаган, ечимини кутаётган муаммоларни сизлар билан бирга муҳокама қилиш, олдимизда турган вазифаларни белгилаб олишдан иборат.

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади.

Бутун юртимизда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, турли соҳаларда – бу саноат, курилиш ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни саклаш, илм-фан ёки маданият бўладими – буларнинг барчасида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Вилоят иқтисодиётида жорий йилнинг якуни бўйича ялпи худудий маҳсулотнинг 106,7 фоиз, жумладан, қишлоқ хўжалигида 107,5 фоиз, хизматлар бўйича 117,2 фоиз, пудрат ишларида 12 фоиз ўсишига эришиш кутилаётганини қайд этиш лозим.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 1,7 баробар ошди. Бундай натижаларни қўлга киритишида замонавий саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатдош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш жараёнларининг изчил амалга оширилаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ишлаб чиқариш соҳаси олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритиб, ўтган даврда ишга туширилган қувватлар, биринчи навбатда, энг замонавий технологияларга эга бўлган корхоналар, маҳаллий хомашё, авваламбор, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш негизида чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда барпо этилган қўшма корхоналар фаолиятини атрофлича таҳлил этди.

Ана шу корхоналарнинг имкониятидан тўла фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириш орқали нафақат ички бозоримизни тўлдириш, шу билан бирга, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва шунинг ҳисобидан меҳнатчиларимизнинг даромади, ҳаёт даражасини юксалтириш бугунги кунда қандай долзарб аҳамият касб этаётгани барчамизга яхши аён, деди Ислом Каримов.

Шу мақсадда кейинги вактда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 89 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция ва кредитлар асосида тубдан модернизация қилингани, Фарғона азот ишлаб чиқариш бирлашмасига қарийб 95 миллион долларлик инвестиция жалб этилиб, унинг салоҳияти кескин оширилганини таъкидлаш лозим. Шулар қаторида охирги беш йилда «Кувасойцемент», «Кварц», Кўқон суперфосфат, Кўқон механика заводи каби 10 дан ортиқ йирик саноат корхонасида 128 миллион доллардан зиёд инвестиция маблағи сарфланиб, модернизация ишлари амалга оширилгани, албатта, эътиборга лойиқ.

Шу билан бирга, таркибий ўзгартириш ва диверсификация ҳисобидан вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўпайганини айтиб ўтиш жоиз.

Жорий йилда тўқимачилик, озиқ-овқат ва пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 23 та корхона тижорат банклари балансига ўтказилиб, уларни модернизация қилиш учун 130 миллиард сўмдан зиёд инвестиция маблағлари йўналтирилди. Ана шундай ижобий тажриба асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва майший кимё соҳасида фаолият кўрсатадиган 41 корхонада ҳам маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, модерни-

зация, техник ва технологик янгилаш ишларини амалга ошириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Юртбошимиз нутқида вилоятда енгил саноат соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар қилинаётгани эътироф этилди. Кейинги беш йилда мазкур тармоқда хорижий компаниялар билан ҳамкорликда умумий қиймати 91 миллион АҚШ доллари бўлган 12 та лойиҳа амалга оширилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ҳозирги вақтда ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 80 фоизидан ортиғи четга экспорт қилинмоқда. Энг муҳими, бу корхоналар 1600 дан зиёд ёшларни замонавий иш ўринлари билан таъминлаш имконини берди.

Амалга оширилаётган ана шундай ишлар туфайли вилоятда етиштирилаётган пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 2000 йилдаги 22 фоиз ўрнига 2011 йилда 54,7 фоизга етганини, ҳеч шубҳасиз, жиддий ўсиш сифатида баҳолаш ўринлидир.

Илгари биз четга фақат пахта хомашёсини сотардик. Бугун полуфабрикат, яъни ип-калава маҳсулотини сотяпмиз. Дунёнинг узоқ-яқин ўлкаларида бизнинг ана шу маҳсулотларимизга талаб катта. Маълумки, пахта толаси – ноёб маҳсулот, уни етиштириш учун дехқонларимиз йил давомида фидокорона меҳнат қиласади. Мана шундай меҳнат эвазига олинган маҳсулот ҳисобидан мингминглаб одамларимиз нафақат даромад топяпти,

шу билан бирга, Ўзбекистон пахтасининг дунёда ном қозонишига ҳисса қўшмоқда. Шу маънода, бугун биз пахта хомашёсини биринчи босқичда ўзимизда қайта ишлаб, четга сотаётганимиз, албатта, бу – катта ютуқ, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Айни вақтда қимматбаҳо бойлик бўлган пахта толасини биздан сотиб олаётган бошқа мамлакатлар уни яна қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш орқали қўшимча равишда яна 2–3 карра кўп даромад олмоқда. Савол туғилади – нима учун шу ишни биз ўзимиз қилишимиз мумкин эмас?

Бир вақтлар биз 900 минг тонна пахта толасини собиқ Марказ ихтиёрига жўнатардик, у ерда ўтирганлар бу бойликини кимга, қанча нархда сотаётганини республикамизда ҳеч ким билмасди.

Ўша пайтлари «Ўзбекистон олтин макони» деган сўзлар кўп айтиларди. Лекин Ўзбекистоннинг олтини, бошқа рангли металлари кимга сотиляпти, қайси нархда сотиляпти ва бунинг ҳисобидан Марказ қанча даромад оляпти, бу даромаддан бизга нима тушаяпти – ана шу ноёб бойликлар эгаси бўлмиш халқимиз бу ҳақда ҳеч нарса билмас эди. Ҳатто Ўзбекистоннинг молия вазири бўлатуриб, бу ҳақда мен ҳам билмасдим, деди Ислом Каримов. Мен Давлат план қўмитасида 20 йил хизмат қилганман, Молия вазирлигида 4 йил ишлаганман, бинобарин, ана шу масалалар бўйича менда

маълумот бўлиши керак эди. Бу хусусда бирор-бир ахборот олишга интилсам, бу сенинг ишинг эмас, деган қўпол жавоб олардим.

Минг шукрки, энди у кунлар ортда қолди. Мен жойларда бўлиб, дехқон ва фермерлар билан учрашганимда бу масалалар бўйича очик ва ошкора маълумот беришга ҳаракат қиласман. Айни вақтда уларнинг бу борада етарлича хабардорлиги, мисол учун, пахта ёки ғалланинг жаҳон бозоридаги нархлари қандай экани, бу нарх-навонинг нега ўсгани ёки аксинча, нега пасайгани ҳақида ҳар томонлама маълумотга эга эканини кўриб хурсанд бўламан. Бу ҳақда нафақат қишлоқ хўжалиги ходимлари, балки шу юртда яшаётган ҳар бир одам фикр юритиши табиийдир.

Бизнинг билим ва савиямиз мана шундай ўзгариб бораётганини, ҳалқимиз ўз ери, ўзи етиштирган маҳсулотнинг, мамлакатимиз бойликларининг ҳақиқий эгасига айланганини мен Президент бўлиб ҳар қадамда сезяпман ва бу бизга катта кучкуват бағишлади. Лўнда қилиб айтганда, онгу тафаккури, дунёқараши тобора юксалиб бораётган бундай ҳалқни ўз танлаган йўлидан қайтариш асло мумкин эмас, деб таъкидлами давлатимиз раҳбари.

Фаргона вилоятида турли хомашё захиралари ва меҳнат ресурслари етарли эканини эътиборга оладиган бўлсак, бу ерда пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини янада ошириш, энг асосийси, истеъ-

мол молларини, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни муҳим вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблашимиз зарур, деб қайд этди Президентимиз.

Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, пахта то-ласини қайта ишлаш асосида экспорт қилинадиган ип-калавани тайёр маҳсулот даражасига кўтариш учун четдан замонавий технологияларни олиб келиб ўзимизда ишга солсак, бу, биринчидан, маҳсулотга қўшимча қиймат қўшиб, янги даромад топиш, иккинчидан, янги иш ўринларини кўпайтириш имконини беради. Ўйлайманки, бунинг учун бизда барча шарт-шароит бор, деди Ислом Каримов. Бу борада нуфузли хорижий компания ва фирмаларни кенг жалб этиш, уларнинг замонавий технологияларидан, ишни ташкил қилишнинг самарали усусларидан фойдаланиш ана шу мақсадга эришишнинг энг мақбул йўлидир.

Бугунги кунда замонавий лицей ва колледжлар, олий ўкув юртларимизни битириб чиқаётган ёшлиаримизнинг савияси, малакаси шундай ўсганки, буни шу йил февраль ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда иштирок этган ривожланган мамлакатларнинг манаман деган йирик олимлари, таълим соҳаси мутахассислари ва ташкилотчилари ҳам тан олди.

Шундай экан, бугунги кунда четга сотаётган полуфабрикатни тайёр маҳсулотга айлантириш

бўйича бизда улкан имкониятлар мавжуд, деб айтишга барча асосларимиз бор. Яъни, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган, интеллектуал ва маънавий даражаси, замонавий касб-хунар ва етакчи хорижий тилларни билиши жиҳатидан тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан баҳслашишга, керак бўлса, курашишга, ҳар қандай мураккаб вазифани уddeлашга қодир бўлган ёшли римиз бугун ҳаётга кириб келяпти. Бу барчамизга ғуур ва ифтихор етказади, албатта.

Мен вилоят ва туманларда бўлганимда, деб фикрини давом эттириди Юртбошимиз, одамларнинг, айниқса, ёшларимизнинг модага қараб, дид билан замонавий кийинишини кўриб чиндан ҳам ҳавасим келади. Бир вақтлар бу масалада қандайдир хижолат тортиб юрган бўлсак, бугун манзара тубдан ўзгаряпти. Ўтган йили Наманганда ёш бир тадбиркор ташкил этган тикув фабрикаси фаолияти билан танишган эдим. У ерда тикилаётган замонавий костюмлар чет элларнинг энг яхши компаниялари маҳсулотидан асло қолишмайди. Демоқчиманки, бугун бизнинг турмуш маданиятимиз ҳам юксалиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг эркин ва фаровон яшаётганининг намоёни ҳамдир.

Инсон бу дунёда ҳаётдан мамнун бўлиб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб яشاши керак. Яъни фақат меҳнат қилиш эмас, Худонинг буюрганини бажариб, шу билан бирга, берган неъмати-

га шукр қилиб яшаш оқилона ва баҳтли ҳаёт ке-чиришнинг асосий белгиси, десак, янглишмаган бўламиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кенг тар-қалган «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган шиорни бугун юр-тимиизда ҳамма, ҳатто ёшларимиз ҳам билади. Мен сизлардан, сизларнинг тимсолингизда ана шундай олийжаноб даъватни қўллаб-қувватлаган бутун халқимиздан миннатдорман, деб таъкидлади Юрт-бошимиз.

Сессияда қўшма корхоналар сонини қўпайтириш, ана шу асосда янги иш ўринларини ташкил қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолини иш билан банд этиш, одамларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш, ҳаёт сифатини ошириш масала-сига алоҳида эътибор қаратилди.

Албатта, бу борада Фарғона вилоятида кўплаб амалий ишлар қилинганини эътироф этиш жоиз. Вилоятда хорижий сармоя иштирокида 107 та корхона ташкил этилгани ҳам бунинг тасдидидир. Лекин мавжуд қўшма корхоналарнинг асосий қисми – 68 таси ёки 63 фоизи Фарғона, Кўқон, Марғилон ва Қувасой шаҳарларида жойлашгани бу борада номутаносиблик борлигидан далолат берида. Ҳолбуки, баъзи худудларда, масалан, Фурқат ва Қува туманларида бирорта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаган.

Вилоятда рўйхатга олинган қўшма корхоналарнинг 12 таси ёки 11 фоизи фаолият кўрсатмаяпти. Уларнинг асосий қисми Фарғона, Кўқон, Марғилон шаҳарлари, Данғара, Риштон туманларига тўғри келмоқда.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, шу масалада бошқаларга ўрнак бўлаётган шаҳар ва туманларнинг раҳбарларига раҳмат айтмоқчиман, деб қайд этди Президентимиз. Айни вақтда бу соҳада қолоқликка йўл қўяётган мутасадди шахсларга ўринли бир савол бермоқчиман: сизларга бу масалада нима тўсиқ бўлиб турибди? Ёки сизлар бош бўлган худудларда ёш бўладими, ўрта ёш бўладими, иш излаб юрган одамлар йўқми? Ишлайман, ўз меҳнатим билан оиласми боқаман, деб юрган одамларнинг, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш йигит-қизларнинг кўзига биз қандай қарашимиз мумкин?

Бундай корхоналарнинг келажакни кўзлаб иш олиб бориша, эртанги кунга ишонч уйғотишда қандай катта аҳамиятга эга эканини қачон тушуниб етамиз?

Айтиш керакки, бу масалада эскича ёндашув, ўзибўларчилик кайфияти билан узоқча бориб бўлмайди. Вақт бор экан, бундай танқидий гаплардан холоса чиқариб олиш зарур, деб ўйлайман. Раҳбарлик вазифаси бизга вақтинчалик, таъбир жоиз бўлса, насия қилиб берилган. Халқ ишон-

чи бор экан, шу ишончга муносиб бўлиш керак. Етакчи деган одам раҳбар бўлиб узокни кўра оляпманми, бошқаларга ўрнак бўляпманми, деб доимо ўзига савол бериши лозим. Ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш, аввало, ўз устида ишлаш керак. Юзаки ишлар билан юрадиган одамларни халқ ҳеч қачон ҳурмат қилмайди, деди давлатимиз раҳбари фикрини давом эттириб.

Бугунги кунда эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг дунёқараши, фикрлаш даражаси шундай тез суръатлар билан ўсмоқдаки, энди номига раҳбар бўлиб ўтириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда, қандай қийин бўлмасин, аҳолини иш билан банд этиш масаласини энг муҳим вазифамиз деб билишимиз керак. Янги-янги корхоналар қуриш ҳисобидан иш жойларини кўпайтириш учун инвесторларни «отанг – яхши, онанг – яхши» деб кўндириш, ҳамкорлик қилиш учун юртимизга олиб келиш лозим.

Мен ҳокимларни Президентнинг жойлардаги вакиллари, деб таърифлаганман. Агар сиз менинг вакилларим бўлсангиз, Президент бугун ўргага кўяётган фикрлар, ғоялар билан яшашингиз керак эмасми?

Кўшма корхона дегани, биринчи навбатда, замонавий ишлаб чиқариш, замонавий иш ўринлари дегани. Лекин бундай корхоналарни ташкил этишда, аввало, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни ким-

га, қайси бозорда сотиш ҳақида ўйлаш зарур, деди Ислом Каримов.

Ҳозирги кунда дунёда нима учун шундай оғир молиявий-иктисодий инқироз юз бермоқда? Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш қийин бўлаётгани билан боғлиқ. Мана, масалан, Европа баъзи маҳсулотларни сотиб олмаяпти. Инқирозни бошидан кечираётган айрим давлатлар бизнинг экспортга чиқараётган маҳсулотларимизнинг нархини ҳам, ҳажмини ҳам камайтирмоқда. Лекин, энди шундай экан деб, «Олма пиш – оғзимга туш», деб ўтиришимиз керакми? Замон қийинчиликларига таслим бўлиш эмас, бу қийинчиликларни енгиб яшашга ўрганишимиз зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Барчамизга маълумки, Фарғона вилояти ўзининг қадимий деҳқончилик мактабига эга, тупроқдан зар ундиришга қодир бўлган ҳақиқий миришкорлар юрти ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда вилоят меҳнаткашлари 250 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиб, отабоболаримизнинг бой тажрибаси, замонавий илм-фан ютуқлари асосида пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик ва бошқа тармоқларни жадал ривожлантириб келаётганлари таҳсинга сазовордир.

Жорий йилда фарғоналий омилкор деҳқонлар 650 минг тонна дон, 282 минг тонна пахта

ҳосили етишириб, шартнома мажбуриятларини муваффакиятли адо этишди.

Бу йилги мавсумда пахта ҳосили ёғин-сочинли кунларга қолдирилмасдан, 45 кунда йиғиб-териб олингани, унинг 75–80 фоизи юқори сортларга топширилгани, айтиш керакки, пахтачилик соҳасида кам учрайдиган ҳодисадир.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай юксак марраларга эришиш йўлида ўзини аямасдан фидокорона меҳнат қилган дехқон ва фермерларимизга, барча қишлоқ меҳнаткашларига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан, деб таъкидлади Президентимиз.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш энг долзарб масала бўлиб турибди.

Вилоятни етарли сув захираси билан таъминлаш мақсадида олиб борилаётган амалий ишлар натижасида сифими 350 миллион куб метр бўлган Марказий Фарғона сув омборининг биринчи навбатдаги қурилиши якунланиб, янги мавсумда уни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Бу дехқон ва фермерларимиз учун сув таъминотида катта имкониятлар туғдиради.

Шунингдек, Риштон, Олтиариқ, Ёзёвон, Бағдод туманларида 56 минг гектар майдоннинг мелио-

ратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш учун Жаҳон банкининг салкам 68 миллион 500 минг доллар, «Бешарик», «Фурқат –1» ва «Данғара» насос станцияларини реконструкция қилиш учун Осиё тараққиёт банкининг 33 миллион 500 минг доллардан ортиқ кредит маблағини жалб этиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги ривожини янги поғонага кўтариш, дехқонларимиз меҳнатини енгиллатиш, халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир.

Мажлисда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида Фарғона вилоятида ютуқлар билан бирга, ҳал қилиниши керак бўлган қатор муаммолар ҳам мавжуд экани қайд этилди.

Масалан, кейинги уч йил давомида вилоят хўжаликларига 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағ, турли техника ва транспорт воситалари етказиб берилган бўлса-да, машина-трактор паркларининг ҳолати бугунги кун талаблари даражасида, деб бўлмайди.

Фарғона вилоятининг тупроқ шароити ҳақида гапирганда, айтиш керакки, вилоятнинг 48 фоиз ери турли даражада шўрланган. Биз бу ҳолатни тўғри тушунган ҳолда, шу муаммони ечиш учун барча имкониятларни изляяпмиз: ҳар йили миллиардлаб сўм маблағни айни шу мақсадга йўналтиряпмиз, дехқонларимизга шароит яратиб беряпмиз, энг за-

монавий экскаватор ва бошқа техникаларни сотиб оляпмиз. Агар биз шуни құлмасақ, бугун қандай ахволга тушар здик? Охирги 3–4 йилда қилған ишларимиз деҳқонга енгил нафас олишга имкон бермоқда. Жумладан, вилоят бүйича сүнгги беш йилда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида жами 56 миллиард сўмдан зиёд бюджет маблағи сарфланиб, катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

Бу йўналишдаги лойиҳаларни изчил давом эттириш учун келгуси йилда давлат бюджетидан қарийб 28 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу қўшимча равишда 27 минг гектардан ортиқ суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради. Шу билан бирга, вилоятда бу ўта муҳим масалада айrim камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Ўтган беш йил давомида вилоят бүйича мавжуд коллектор-дренаж тармоқларининг ўртача 51 фоизи таъмирланган бўлса, бу кўрсаткич Бешариқ туманида 31 фоизни, Бағдод, Ёзёвон, Олтиарик, Риштон туманларида 40–47 фоизни ташкил этмоқда.

«Сен ерни боқсанг, ер сени боқади» деган мақолни мен, аввало, миришкор деҳқонлардан эшигтанман. Шу мъянода, ер ҳам тирик жон, десак, тўғри бўлади. Шундай экан, нима учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш масаласи-

да Фарғона вилоятида камчиликлар бор? Нима учун ажратилган маблағларни бир тумандан олиб бошқасига беришга мажбур бўляпмиз?

Мана, мисол учун, Бешарик туманига ажратилган 620 миллион сўмдан зиёд маблағнинг 216 миллиони, Данғара тумани бўйича қарийб 800 миллион сўм маблағнинг 130 миллион сўми ўзлаштирилмаган. Шу сабабли бу маблағларни Тошлоқ ва Бувайда туманларидағи мелиоратив тадбирларни амалга ошириш учун қўшимча тарзда йўналтиришга тўғри келган.

Бир туманда раҳбарлар, мутахассислар ишлапти, иккинчисида эса дангасаликка берилган ёки бу ишнинг аҳамиятини яхши тушунмайди. Билиб қўйинглар, агар еримизнинг дардига дармон бўлиб, тупроқ унумдорлигини оширишга эришмасак, ўз кўзлаган мақсадларимизга этиш қийин бўлади, деди Президентимиз.

Юртимизда мустақиллик йилларида фермерлик ҳаракатини бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш учун зарур хукуқий-меъёрий замин яратиш, уларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, ерга, мулкка, ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотга эгалик ҳиссини кучайтириш, фермер хўжаликларининг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳаёт ҳеч қачон бир жой-

да тўхтаб турмайди, замон ўзгаряпти, аҳолининг сони, талаби ва эҳтиёжлари ортиб бормоқда.

Шу борада бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш, фермерлик ҳаракатини ҳақиқатан ҳам ҳаётимиздаги ҳал қилувчи кучга айлантириш мақсадида яқинда «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилиниб, унда мазкур соҳани ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Фермер хўжаликларини нафақат юқори ҳосил оладиган, айни вақтда етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш, турли замонавий сервис хизматлари билан шуғулланадиган кўп тармоқли хўжалик субъектларига, туман даражасида ҳақиқий бошқарувчига айлантириш каби вазифаларни амалга оширишда яқинда ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, жумладан, ушбу кенгашнинг Фарғона вилояти ва туман бўлимлари ўзининг ижобий таъсири ва аҳамиятини кўрсатади, деб ишонаман, деди мамлакатимиз раҳбари.

Мажлисда Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, бу муҳим тармоқ учун ҳар томонлама қулай

мухит яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Аввало, бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2000 йилдагига нисбатан деярли 2 баробар ошгани ва 2011 йил якуни бўйича 61,2 фоизни ташкил этаётгани ижобий баҳоланди.

Фақат жорий йилнинг ўзида юздан ортиқ кичик корхонани барпо этиш ва модернизация қилиш учун 238 миллиард сўмлик инвестиция сарфланди. Натижада кичик бизнес субъектлари томонидан 387 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 38 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Шуниси эътиборлики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик маҳаллий хомашё асосида замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасига чуқур кириб бормоқда. Ўтган уч йил давомида вилоят бўйича 9 та ғишт заводи ишга туширилгани, айникса, Фарғона, Марғилон шахарлари, Риштон, Сўх туманларида қурилиш индустрияси корхоналари фаолияти йўлга қўйилгани бу фикрни тасдиқлайди. Ана шу объектларда 6,5 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилгани аҳоли ғоят зич яшайдиган Фарғона шароитида қандай муҳим аҳамиятга эга экани ҳаммамизга яхши аён, албатта.

Шу маънода, вилоятда иш билан банд аҳолининг салкам 80 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани

бу тармоқнинг нақадар катта имкониятларга эга эканидан далолат беради. Бундай ўзгариш мамла-катимизда ўрта синфи шакллантиришда бекиёс аҳамиятга эга, деб фикрини давом эттириди Юрт-бошимиз.

Ўрта синф – мулк эгаси, Ўзбекистоннинг бу-гуни ва келажагини ҳал қиласиган куч. Бу синф жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан энг кўп манфаатдор бўлган иж-ти моий қатламдир. Мулк эгаси ҳеч қачон бекорчи ишларга вақт сарфламайди. Чунки у доимо иш билан, меҳнат билан банд. Фермерларимиз ҳам айни шу қатламга мансуб бўлиб, қишлоқ жой-ларда эртанги кунимиз пойдеворини яратишда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистонда ўта бойлар ҳам, ўта қашшоқлар ҳам бўлмайди, деган тамоийил биз танлаган йўл – «ўзбек модели»нинг ажралмас қисмини ташкил этиши сизларга яхши маълум. Биз танлаган бу тизим, бу йўлни халқимиз қўллаб-куватламоқда. Ана шу мақсад йўлида ўзини аямасдан меҳнат қилаётган юртдошлиаримизга ҳар қанча раҳмат айтсан арзийди.

Мустаҳкам оила йилида амалга оширган ишларимиз айни шу мақсадлар, яъни ўрта синфи мустаҳкамлаш масаласи билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, жамиятимизда тадбиркорликни, айниқса, оилавий тадбиркорликни ривожланти-

ришда янги бир босқични бошлаб берди. Оилавий тадбиркорлик деганда, оила деганда, аввало унинг таянчи бўлган опа-сингилларимизни тушунамиз, уларнинг бу борада ҳам фаоллик кўрсатаётгани ҳаммамизни қувонтиради. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизнинг барча аёлларига ана шундай хизматлари учун ўз миннатдорлигимни билдиromoқчиман, деди Президентимиз.

Мажлисда ижтимоий соҳа ривожи, аввало, замонавий транспорт-коммуникация тармоқларини тараққий эттириш бўйича бутун мамлакатимиз қатори Фарғона вилоятида ҳам жиддий ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Бу борада бундан уч йил аввал Ангрен шаҳрида ташкил этилган Халқаро логистика марказининг аҳамияти, айниқса, катта бўлмоқда. Бу марказ бугунги кунда Фарғона водийси билан мамлакатимизнинг бошқа худудлари ўртасида автотранспорт воситасида юк ташиш инфратузилмасини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойида мазкур марказдан Қамчиқ довони орқали 5 миллион 200 тонна юк тегишли манзилларга етказиб берилди. Ана шу юкларнинг деярли ярми Фарғона вилоятига тўғри келди.

Шулар ҳақида гапирганда, аввало, Қамчиқ довони орқали барпо этилган коммуникация тармоғини – замонавий автомобиль йўлини ишга туширганимиз қанча-қанча муаммоларни ечиш, Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа

минтақалари билан ишончли тарзда боғлаш, корхоналарни зарур материаллар билан таъминлаш, одамларнинг узогини яқин қилишда қандай бекиёс аҳамият касб этганини, ўйлайманки, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб қайд этди Ислом Каримов.

Айни вақтда иқтисодиётимизнинг бамисоли қон томири бўлган бундай транспорт-коммуникация тизимларини янада такомиллаштириш учун яна кўп ишлар қилишимиз зарурлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Шу борада Фарғона водийсида, жумладан, Фарғона вилоятида мана шундай логистика марказлари, яъни ҳалқ хўжалиги учун зарур бўлган турли юкларни жамлаш, ташиш ва харидорга етказиб беришга ихтисослаштирилган марказларнинг фаолиятини замон талаблари даражасига қўтириш, бунинг учун маҳсус дастур ишлаб чиқиб, жорий этиш зарурлигига Юртбошимиз нутқида алоҳида эътибор қаратилди.

Яна бир муҳим ижтимоий вазифа – Фарғона вилояти аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш бўйича ҳам катта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Буни кейинги ўн йилда 2 минг 120 километрлик сув тармоғи янгитдан қурилиб, вилоят аҳолисининг марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 91,2 фоизга етказилгани ҳам кўрсатиб турибди.

Ана шундай кенг кўламли ишларнинг изчил давоми сифатида Осиё тараққиёт банкининг қарийб 97 миллион доллар маблағи ҳисобидан Кўқон шаҳрида янги тозалаш иншоотларини қуриш ҳамда оқова сув тармоқларини, шунингдек, Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Риштон тумани марказида сув тармоқларини реконструкция қилиш лойиҳасини 2015 йилга қадар амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Яна бир долзарб масала, яъни вилоятда хизмат ва сервис соҳасининг ўсиши мамлакатимиздаги ўртacha кўrsatkiчdan анча орқада қолаётгани мажлисда афсус билан қайд этилди. Бу борадаги рақам Фарғона вилоятида 2011 йил якуни билан 43 фоизни, мамлакатимиз бўйича эса 50,5 фоизни ташкил этаётгани ҳам буни яққол кўrsatiб турибди. Сессияда мазкур ҳолатни ижобий томонга ўзгартириш учун Вазирлар Маҳкамаси бу масалани алоҳида ўрганиб чиқиши зарурлиги уқтириб ўтилди.

Бугун Фарғона шаҳрида барпо этилган айланма йўлни кўриб хурсанд бўлдим, деди Ислом Каримов сўзини давом эттириб. Бу йўл тимсолида мен Фарғонани янгитдан кашф этгандек бўлдим. Бу йўл Фарғона шаҳри ривожига ҳар томонлама кучли туртки бериши шубҳасиз. Коммуникация пайдо бўлса, албатта унинг атрофида дўконлар, хизмат кўrsatiш шохобчалари, гўзаллик салонла-

ри, дам олиш жойлари, энг муҳими, янги-янги иш жойлари ҳам пайдо бўлади.

Бугунги кунда энг ўткир масалалардан бири бўлмиш одамларни иш билан банд қилиш мақсадида Фарғона вилоятида амалга ошираётган ишларни янада жадаллаштириш, унинг самарасини ошириш, биринчи навбатда, коллежларни битириб чиқаётган ёшларни эгаллаган касб-хунарига қараб иш билан таъминлаш борасида ҳам кўп иш қилишимиз керак, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ўтган ўкув йилида колледж битирувчиларининг 58 мингтасидан 7 мингтаси ишга жойлаштирилмай қолгани ҳам бу масалада муаммолар борлигини кўрсатади.

Одамларнинг, айниқса, ёшларнинг тақдирини, келажагини ҳал қиласиган бу масалага эътиборни янада кучайтириш, шу ишга мутасадди бўлган раҳбар ва хизматчиларнинг масъулиятини ошириш лозим. Бир сўз билан айтганда, бу масала доимий равишда кун тартибида туриши зарур.

Айни шу муаммонинг тўғри ечимини топиш, ҳар қайси одамнинг кучи ва қобилиятига яратша иш топиб бериш, шу орқали уларни даромад билан таъминлаш ҳисобидан халқимиз, аввалио, қишлоқда яшайдиган аҳолининг кайфиятини кўтариш, уларни ҳаётдан рози қилиш мумкин эканини унутмаслигимиз керак, деди Юртбошимиз.

Замонавий уй-жой ва коммуникация тармоклари барпо этиш, умуман, ободончилик масаласи аҳоли турмуш маданиятини оширишнинг асосий мезони, фаолиятимизнинг бош мақсади бўлиб келаётгани яхши маълум. Мамлакатимизда кириб келаётган Янги – 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берганимизни, авваламбор, Ўзбекистонда шу борада олиб борилаётган давлат сиёсатининг узвий ва мантиқий давоми сифатида қабул қилиш ўринли бўлади. Бугунги кунда юртимизда қурилаётган намунавий уй-жой массивларини коммуникация тармоклари ва ижтимоий инфраструктузилма объектлари билан биргаликда комплекс ҳолда барпо этиш бўйича самарали тизим яратилгани ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Айниқса, Фарғона водийси вилоятларида ер ресурслари чекланган бўлишига қарамасдан, ана шундай уй-жойларни куриш учун 4 сотих ўрнига 6 сотих ер ажратиб бериш бўйича ишлар изчил амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, ўтган уч йил мобайнода Фарғона вилоятидаги 1 минг 325 та оила шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий, қулай уй-жойларга эга бўлди. Жорий йилда эса вилоятнинг 28 та массивида жами 700 та намунавий уй-жой қурилиши якунинга етказилмоқда.

Президентимиз бу борадаги ишларни 2013 йилда ҳам давом эттириш, 29 та массивда намунавий

лойиҳалар асосида яна 700 та уй-жойни сифатли ва ўз вақтида қуриб битказиш чораларини кўриш лозимлигини уқтириб ўтди.

Юртимиизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига берилаётган улкан эътиборнинг амалий натижасини Фарғона вилоятида ҳам кўпгина мисолларда яққол кўриш мумкин. Масалан, кейинги икки йилда 25 миллиард сўм маблағ ҳисобидан Марғилон шаҳрида замонавий туғуруқ комплекси, юқумли касалликлар шифохонаси, Кўқон шаҳрида 7 та оиласий поликлиника, Фарғона шаҳрида вилоят онкология диспансери ва бошқа тиббиёт масканлари реконструкция қилинди ва бундай ишлар давом эттирилмоқда.

Ёш авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида вилоятда таълим-тарбия, маданият ва спорт иншоотларини қуриш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг исботини ўтган етти йилда жами 8 та академик лицей ва 100 та касбхунар коллежи, 11 мактаб, 16 та мусиқа ва санъат мактаби, 115 та спорт обьекти, жорий йилнинг ўзида эса 13 та мактаб, 3 та касб-хунар коллежи, 730 ўринли ётоқхона қурилгани ва реконструкция қилингани мисолида кўриш мумкин. Яқинда мен газетада Марғилонда бунёд этилган замонавий мусиқа мактабининг суратини кўриб, қани энди, ёш бўлсам, мен ҳам шундай мактабга кириб

ўқиган бўлардим, деб беихтиёр орзу қилдим. Ўйлайманки, барча ота-оналар бугунги кунда фарзандларимиз учун яратилаётган шароитларни кўриб, уларга ҳавас қилиши табиий.

Юқорида зикр этилган барча рақамлар, албатта муҳим, лекин уларнинг негизида турган энг оғир ва мураккаб масала – ёш авлодни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш вазифасининг моҳияти ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.

Такрор айтаман, бизнинг бу борадаги ютуқларимизни кўриб, Ўзбекистон шундай ишларга қодир экан, деб, дунё жамоатчилиги қойил қолмоқда. Шундай экан, бу ишларимизни, албатта, охирига етказишимиз, бундай таълим даргоҳларини нафақат қуриш ва жиҳозлаш, балки фарзандларимизга таълим-тарбия бериш учун энг юксак малакали ўқитувчи ва мутахассисларни жалб этиш, уларнинг билим ва малакасини замон талаблари асосида ошириб боришга энг муҳим, ғоят масъулиятли вазифа, деб қарашимиз лозим.

Мана, куни кеча Буюк Британиянинг нуфузли Maplecroft консалтинг компанияси томонидан инвестиция муҳити энг қулай бўлган давлатларнинг рўйхати эълон қилинди. Дунёдаги 175 та мамлакатни қамраб олган ана шу рўйхатда Ўзбекистон етакчи 20 та давлат қаторидан жой олган. Бу ниманинг далолати? Бу, биринчи навбатда, амалга

ошираётган ислоҳотларимизга, бизнинг келажагимизга, ёшларимизга бўлган ишончнинг далолати, десак, айни ҳақиқат бўлади, деб таъкидлади Президентимиз.

Сўнгти йилларда қадимий Марғилон ва Кўқон шаҳарларининг қиёфаси мутлақо ўзгариб, улар Ўзбекистонимизнинг энг замонавий ва гўзал шаҳарларига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Хусусан, Марғилон шаҳрида амалга оширилган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари натижасида кўплаб янги бинолар, маданият ва маърифат масканлари барпо этилди, Пирсиддик меъморий мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи каби тарихий-маданий ёдгорликлар қайтадан тикланди.

Кўқон шаҳрида амалга оширилган улкан миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳисобидан шаҳарнинг марказий қисмидаги кўримсиз иморатлар ўрнида замонавий бинолар қад ростлади. Жумладан, Ўрда, Озодлик, Чорсу ва Кимёгарлар майдонлари, темир йўл вокзали, Ҳамза Умаров номидаги кинотеатрнинг тубдан реконструкция қилингани, Туркистон ва Алишер Навоий кўчаларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари Кўқонни чинакам латиф, ҳар томонлама обод шаҳарга айлантирди.

Эсимда бор, мен ўтган йили Кўқонда бўлиб, ана шу ишлар билан танишганимда шаҳар қиё-

фасининг мутлақо ўзгарганини кўриб, хурсанд бўлган эдим. Лекин Кўкон шаҳри вакиллари билан учрашув ва сұхбатлар чоғида уларнинг билдирган фикрлари, юз-кўзларидаги қувонч ва миннатдорлик, одамларнинг кўтаринки кайфияти менда, айниқса, унутилмас таассурот қолдириган эди. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Кўкон аҳлига яна бир бор ўзимнинг самимий хурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман, деди Ислом Каримов.

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг октябрь ойида вилоят фаоллари билан бўлган учрашувда вилоят маркази бўлмиш Фарғона шаҳрини тубдан қайта қуриш ва реконструкция қилиш дастури ҳақида ҳам атрофлича гаплашиб олган эдик, деб сўзида давом этди давлатимиз раҳбари. Ана шу мажлисда билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлар асосида Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012–2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилма обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича маҳсус дастур қабул қилинган эди. Ушбу дастур ижроси учун барча манбалар ҳисобидан 1 триллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаш кўзда тутилганининг ўзи бу борада амалга ошириладиган ишларнинг кўлами ва миқёси нақадар катта эканини кўрсатиб турибди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ана шу дастур доирасида 164 миллиард сўм ва 12,4 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маблағ ўзлаштирилиб,

авваламбор, 11 километр узунликдаги шаҳар ҳалқа йўли ва 2,8 километрлик маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари қайта таъмирланмоқда.

Шу билан бирга, 225 тадан ортиқ ижтимоий-маиший бино ва хизмат кўрсатиш обьекти, 2 та кўп қаватли уй-жой, 2 та бозор, 5 та истироҳат боғи ва хиёбонлар, 8 та фаввора янгитдан барпо этилди. Шунингдек, 13,5 километр ичимлик сув ва 5,5 километр газ тармоқлари ўтказилди, 32 та трансформатор, 105 километр узунликдаги электр тармоғи капитал таъмирланди.

Ана шундай катта кўламдаги ишлар туфайли 16 мингта хонадон ва ижтимоий соҳа обьектларининг ичимлик суви, табиий газ, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминланиши яхшиланди.

Амалга оширилган бундай ишлар ҳақида гапирганда, аҳоли, айниқса, ёшлиарнинг маданий дам олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Фарғона шаҳрида 28 та болалар майдончаси, болалар спорт комплекси ва аквапарк қурилиб, 9 та замонавий аттракцион ўрнатилгани, Ёшлар маркази ва вилоят драма театри бинолари капитал реконструкция килинганини таъкидлаш лозим.

Ҳозирги вақтда минг ўринли Санъат саройи ва беш юз томошибинга мўлжалланган амфитеатр, Мустақиллик кўчасидаги савдо маркази ва унинг атрофидаги хизмат кўрсатиш обьектлари қурилиши жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Шулар қаторида шаҳарда халқаро талабларга жавоб берадиган 20 минг ўринли замонавий стадион ва футбол мактабини яқин муддат ичида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ана шу ишларимизнинг барчаси Фарғонани том маънода гўзал ва бетакрор шаҳарга айлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши муқаррар.

Бутун юртимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришларни кўрганда, биз бекорга яшамадик, ўзимизнинг куч-ғайратимиз, ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни мана шундай улуғ ишларга бағишладик, деб бошимизни баланд кўтариб, туурур ва ифтихор билан айтишга ҳар томонлама ҳақлимиз, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Менинг тилагим битта: Фарғонанинг қиёфасини тубдан ўзгартираётган мана шундай обод ва чиройли шаҳар ва қишлоқлар шу саҳоватли заминда яшаётган Фарғона халқига буюрсин, деди Юртбошимиз.

Президентимиз раҳбарнинг бугунги кундаги ўрни ва масъулияти ҳақида атрофлича тўхталиб, жумладан, куйидаги фикрларни баён этди.

Айтиш керакки, амал ҳар қандай одамни синайди. Биз бундай ҳолларни кўп кўрганмиз. Сирти ялтироқ – ичи қалтироқ раҳбарларни ҳам кўрганмиз. Лекин одамларни барибир алдаб бўлмайди.

Мен вилоятларга бориб, раҳбарларни масъулиятли лавозимларга тавсия қилаётганимда, биланки, сизлар бу одамга эмас, аввало, Президентга ишонасизлар. Президент бизни ҳеч қачон алдамаган деб, тавсия этилаётган номзодга ишонч билдирасизлар ва шу тариқа менинг зиммамга, менинг гарданимга жуда катта масъулият тушади. Мен доимо ана шу масъулият ҳиссини чуқур англаб, сешиб яшайман.

Бугун замон тез ўзгаряпти, деймиз. Лекин замон эмас, одамлар тез ўзгаряпти. Бундай шароитда раҳбарлик қилишнинг ўзи тобора қийин бўлиб боряпти. Шу ўринда биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк халқнинг фарзандлари эканимизни яна бир бор эсга олишингизни истардим. Етакчилик масъулиятини ўз бўйнига олган ҳар қайси одам бу ҳақиқатни ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ англаши, эл-юртга қаратилган ҳар қандай зарбани ўзига олишга қодир бўлиши лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2011 йилнинг ноябрь ойидан буён Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаб келаётган Шухрат Мадаминович Фаниев вилоят ҳокими этиб сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Э. Сиддиқова,

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими раиси А. Йўлбарсов, Фарғона давлат университети талабаси Г. Эргашева сўзга чиқдилар.

Юртбошимиз ўз нутқини якунлар экан, жумладан, шундай деди:

Мен сиз, азизларни яхши биламан, барчангизни чин қалбимдан хурмат қиласман, барчангизни яхши кўраман. Фарғона аҳли билан бўладиган ҳар бир учрашув менга катта маънавий озиқ беради.

Агарки бошқа сабаб бўлмагандага ҳам, айни сизлар билан яна бир бор дийдор кўришиш учун ҳам Фарғонага келишим керак эди. Сизлар билан ҳар сафар учрашганда мен ўзимнинг энг яқин қадрдонларим билан кўришгандек, сухбат кургандек бўласман. Айни вақтда бошқа учрашувлар ҳам беихтиёр хаёлимга келади.

1989 йил 23 июнь куни мен Тошкентда Ўзбекистон раҳбари этиб тайинландим. 25 июнь куни эса Фарғона вилоятига келиб, мана шу бинога кирдим. Гарчи республика миқёсидаги масъул лавозимларда, жумладан, Давлат план кўмитасида, Молия вазирлигида кўп йиллар ишлаган, Қашқадарё вилояти раҳбари бўлиб хизмат қилган бўлсам-да, Фарғона вилоятида мени ҳали кўпчилик танимасди.

Ўша пайтда бу ерда қандай оғир ва қалтис вазият ҳукм сургани барчангизга, ўйлайманки,

яхши маълум. Обком биносини автомат таққан десантчилар қуршаб олган, кўчаларда ҳам қуролли соқчилар. Тез орада Кўқонга қараб йўл олдим. Йўл-йўлакай учраган одамларнинг кайфияти ниҳоятда тушкун, уларнинг қиёфасида ғам-ташвиш яққол сезилиб туради. Кўқонда, минг афсуски, учта ёш йигит десантчилар билан бўлган тўқнашувда ҳалок бўлган экан. Албатта, бундай оғир вазиятда расмий шахслар билан учрашувлар бўлди-ю, лекин ҳалқ вакиллари билан, Кўқон аҳли билан очик ва ошкора мулоқот қилишнинг имкони бўлмади. Ўша кунларни мен ҳали-бери унутмайман, деди Ислом Каримов. Ҳақиқатан ҳам, бугунги тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, уни ҳар томонлама асраб-авайлаш учун ана шундай кунларни барчамиз ҳеч қачон унутмаслигимиз, ўтмишдан сабоқ чиқариб яшшимиз даркор.

Яратганимизга шукрки, мана энди ҳалқимиз, жамоатчилигимиз билан бўладиган учрашувлар ҳаммамизга мамнуният, баланд рух бағишлийди. Тилагим шуки, мана шундай учрашувлар кўпроқ бўлсин, нафақат мажлисларда, балки яхши кунларда, тўйларда, байрамларда дийдор кўришиш барчамизга насиб этсин. Ҳаммамизни янада ёруғ ва қувончли кунларга етказсин, деди Юртбошимиз ўз нутқининг ниҳоясида.

2012 йил 14 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз юртдошларим!

Қадрли дўстлар!

Янги йилга саноқли дақиқалар қолган мана шу шукухли дамларда юртимизга қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган 2013 йил билан Сиз, азизларни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чукур ҳурматимни билдириш, самимий тилакларимни изҳор этиш мен учун катта шараф, катта баҳтдир.

Ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган, эл-юртимиз ҳаётида рўй берган воқеаларни, амалга оширган ишларимизни баҳолар эканмиз, ўз поёнига етаётган 2012 йилни шукроналик туйғуси билан, мамнуният билан кузатишга тўлиқ асослаrimиз бор.

Бунинг исботини, авваламбор, Ватанимизнинг олдида турган буюк мақсад ва муддаоларга эришиш, замонавий, эркин ва мустақил давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга ошираётган улкан ишларимизда, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишида, аҳолимизнинг яшаш даражаси ва сифати юксалишида, юртимизнинг қиёфаси тобора чирой оча-

ётганида, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори ва ўрни кучайиб бораётганида кўришимиз, англашимиз қийин эмас.

Шу борада бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда бутун дунё тан олаётган юксак мэрраларга эришишида, бир сўз билан айтганда, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда, аввало, шу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси борлигини, бу ютуқларнинг барчасига халқимизнинг кундалик оғир ва машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бир ёқадан бош чиқариб, ягона оила бўлиб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни кўз қорачиғидек асраб яшаётганимиз мустаҳкам замин бўлаётганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Мамлакатимизнинг тараққиёт суръатларини, ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгариш ва янгилинишларнинг миқёси ва қўламини ўзимизга тасаввур қилиш учун, биринчи навбатда, қуйидаги ракам ва кўрсаткичларга эътибор беришимизни ўринли, деб биламан.

2012 йилда жаҳон миқёсида молиявий ва иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда, кўпчилик мамлакатларда ўсиш ўрнига паса-йиш ҳолатлари юз бераётганига, жиддий ижти-моий муаммолар ва ён-атрофимизда кескинлик,

турли қарама-қаршилик кучайиб бораётганига қарамасдан, Ўзбекистонимизда иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланиб, бу борадаги кўрсаткич 8,2 фоизни, охирги уч йил якуни билан 27,7 фоизни ташкил этганининг ўзи ортиқча таърифлашга ва изоҳлашга ўрин қолдирмайди.

Ўтаётган йилда давлат бюджети умумий харжатларининг 59 фоизи айнан социал соҳаларга, яъни аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Фақатгина жорий йилнинг ўзида аҳолимизнинг реал, яъни амалдаги даромадларининг ўртача 17,5 фоизга ошгани, давлат бюджетидан ойлик оладиган ходимларнинг иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдори ўртача 26,5 фоизга ўсганини қайд этиш зарур.

Даромадлар ошиши билан аҳолимизнинг банкларда сақланаётган омонатлари ҳажми ўтаётган йилда 34,6 фоизга, охирги уч йилда эса 2,4 каррага кўпайгани ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётганининг яққол кўрсаткичи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ўз якунига етаётган йилда мамлакатимиз миқёсида 9,3 миллион квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 7,2 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилганининг ўзи ҳам шундай хулоса чиқаришга асос бўлиши муқаррар.

Ҳаётимизни тубдан ўзгартираётган бундай мисолларни мамлакатимизнинг турли соҳа ва жабҳаларидан яна кўплаб олиб келиш мумкин.

Ўзбекистон қўлга киритаётган бундай марраларнинг мустаҳкам замини одамларимизнинг, аввало, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшлиаримизнинг дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, гражданлик позицияси тобора кучайиб бораётганида, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Буларнинг барчаси шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзининг, оиласининг тақдирини биз учун ягона Ватан бўлмиш Ўзбекистон тақдири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кўраётганидан далолат беради. Ва ҳаётга бундай ёндашиш эртаниги кунимизнинг мустаҳкам пойdevорига айланиб бормоқда.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимизда юз бераётган ана шундай ўзгариш ва янгиланишларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш Сиз, азиз юртдошларимга мамлакатимизнинг тараққиёти, уни дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек эзгу мақсадларимизни амалга ошириш йўлидаги муносиб хизматларингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун, мана шу мунаvvар дақиқаларда янги йилга пок ва қутлуғ ниятлар билан қадам қўяр эканмиз, Оллоҳдан аввало ўз марҳамати ва наза-

рини аямасдан, бебаҳо неъмат бўлмиш тинчлик ва осойишталикни, аҳиллик ва бағрикенгликни, кутбаракани янада зиёда қилишини, бундан буён ҳам доимо йўлимизни очиб беришини сўраймиз.

Биз кириб келаётган янги – 2013 йилга мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб ном бердик. Бунинг замираida халқимиз, Ватанимиз истиқболини, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар қайси оиласинг орзу-умидлари ни рўёбга чиқариш, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон этишга қаратилган амалий интилишларимиз мужассам экани, ўйлайманки, барчамизга яхши аён.

Янги йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини 8,0 фоиздан кам бўлмаган даражага кўтариш, унинг рақобатдошлигини кучайтириш, модернизация ва диверсификация қилиш, мулкдорлар кафолатини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг қўллаб-куватлаш, халқимизнинг виждони бўлмиш маҳалла ваколатларини янада кенгайтириш бўйича бошлаган ишларимизни, ҳеч шубҳасиз, изчил давом эттирамиз.

Шу борада аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, жумладан, иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 23 фоиздан кўпроқ оширилиши кўзда тутилмоқда.

Янги йилга мўлжалланган бундай дастур ва режаларимизнинг барчаси 2013 йилнинг ўтиб

бораётган эски йилдан асло кам бўлмаслигига,
ҳаётимизнинг ҳар томонлама файзли ва баракали,
сермазмун бўлишига хизмат қиласди, иншоолло.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган
янги – 2013 йил билан яна бир бор табриклайман.

Мана шу гўзал айёмда қалбим тўрида бўлган
энг эзгу, энг олийжаноб тилакларимни сиз азизла-
римга изҳор этмоқчиман:

Янги йил ҳар бир инсон, ҳар бир оиласага сиҳат-
саломатлик, баҳту саодат ва омад олиб келсин!

Ватанимиз тинч, ҳалқимиз омон бўлсин!

Яратганимиз эл-юртимизни ўз паноҳида сақ-
ласин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2012 йил 31 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни ва барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганинг 21 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлиайди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган тарихан кисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда сон жиҳатдан ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоён этмоқда.

Қуролли Кучларни изчилислар ишларни давомида принципиал янги ташкилий-штат тузилмаларини, ҳарбий бошқарув тизимларини, турли қўшин турлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш механизмларини шакллантириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ва уларни ижти-

моий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилаш бўйича кўлами ва маъно-мазмунига кўра улкан ва бекиёс ишлар амалга оширилди.

Дунёдаги вазият шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларни модернизация қилиш ва уларнинг жанговар тайёргарлигини, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини оширишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юзага келаётган мураккаб шароитда ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи, тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилик, сиёсий ва диний радикализм ва экстремизм, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда можароларнинг давом этаётгани, биринчи навбатда, АЙСЕФ деб аталмиш халқаро коалицион кучларнинг Афғонистондан 2014 йилгача ва ундан кейин олиб чиқиб кетилиши кўзда тутилаётгани билан боғлиқ равишда кескинликнинг янада ортиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятида ҳақли равишда хавотир уйғотмоқда. Бугунги кунда дунёда кибержиноятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий информацион таъсир ўтказиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари қўрилмаган хавфхатарларнинг авж олаётганига етарли баҳо бер-

масдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас.

Минтақамизда ташқи кучлар ўргасидаги манфаатлар курашининг кучайиб бораётгани вазиятни янада чигаллаштиromoқда. Чегарага яқин худудларда бузғунчи тўдалар ва қўпорувчи террорчи гуруҳларнинг фаоллашуви, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, сиёсий ва миллатлараро зиддиятларнинг кескинлашиб бораётгани оқибатида ҳарбий-сиёсий вазиятни издан чиқариши мумкин бўлган жиддий таҳдид ва хатарлар пайдо бўлмоқда.

Сарҳадларимизга бевосита яқин худудларда мурракаб вазият юзага келаётгани, биринчи навбатда, юқорида зикр этилган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда катта акс садо бераётган ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун айнан ана шу мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистоннинг турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслиги, ўзининг суверенитети ва худудий яхлит-

лигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга экани, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, мустакил, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принциплар аниқ-равшан баён этилган.

Айни вақтда Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатимиз суверенитети ва унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш борасидаги ишларни давом этириш ана шу ташқи сиёсий стратегияни изчил амалга ошириш, Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти ва кафолатидир.

Куролли Кучларни кўллаш стратегияси ва тактикасини янада такомиллаштириш, жанговар операцияларни олиб бориш бўйича замонавий тажрибани чуқур ва пухта эгаллаш, шунингдек, шерикларимиз бўлган мамлакатлардаги ўқув ва тадқиқот марказларида қўмондонлик таркибининг малака ошириши бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режаларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат чегараларимизни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бўлинмаларни реал вақт мезонлари асосида самарали бошқариш имконини берадиган замонавий

ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларини қўшинларни бошқариш тизимиға кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш ва чукурлаштириш даркор.

Кўшинларнинг ўқув, жанговар тайёргарлиги маъно-мазмунини тубдан ўзгартириш Куролли Кучлар қўмондонлигининг устувор вазифаси ҳисобланади. Тезкор-тактик, қўмондонлик-штаб ўқув машқларини пухта режалаштириш, уларни жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирган ҳолда олиб бориш тизимини та-комиллаштириш масалалари ҳам ғоят жиддий эътиборни талаб қилмоқда. Ўқув машқлари давомида моделлаштириш ва симуляция усулларидан фаол ва кенг фойдаланиш, мамлакатимиз ҳудудига суқилиб киришга уринадиган бузғунчи тўдалар, қўпорувчи-террорчи гурухларни бартараф этиш бўйича жанговар операцияларни олиб боришнинг турли модель ҳамда вариантларини синааб кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Куролли Кучларни замонавий курол-аслача ва техника билан қайта таъминлашни давом эттириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши шарт. Бу соҳада шерикларимиз бўлган хорижий мамлакатлар билан халқаро ҳарбий-техник ҳамкорликни яхшилаш ва унинг кўламини кенгайтириш зарур.

Ҳарбий кадрлар, биринчи навбатда, чукур билимга эга бўлган ва замонавий фикрлайдиган, ин-

теллектуал етук офицерларни, шунингдек, бугунги кунда армиямизнинг ўзагини ташкил этаётган юксак профессионал малакали кичик командирлар – сержантларни тарбиялаш тизимини тубдан яхшилаш ҳам Қуролли Кучлар қўмондонлиги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши даркор.

Бу борада ҳарбий билим юртлари ва сержантлар мактабларида ҳарбий кадрларга ҳарбий соҳа ва ҳарбий санъат ривожидаги асосий тенденцияларни акс эттирадиган, принципиал жиҳатдан янги мутахассислик ва илм-фан йўналишларини жанговар ҳаракатларни олиб боришнинг хорижий тажрибаси, замонавий шакл ва методларини ҳисобга олган ҳолда ўргатиш олдимиизда турган ишларнинг энг масъулиятли жабҳаси, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Армияда офицерлар, сержантлар ва оддий аскарларда юксак маънавий фазилатлар, мустаҳкам ирода, Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини камол топтириш, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишлар тизимини тубдан яхшилаш Қуролли Кучларимиз барча бўғинлари командирларининг алоҳида муҳим вазифасидир.

Шуни яхши англаб олиш керакки, бугунги кунда ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчи-

лардан мутлақо фарқ қиласи. Ҳозирги вақтда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси – ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг, миллий армиямизнинг ана шундай янги қиёфасини ҳисобга олган ҳолда, эски қолип ва мезонлардан қатъий воз кечиб, мавжуд Умумқўшин уставлари, қўлланмалари, қоида ва йўл-йўрикларини, ўкуватарбия ишларини, қўшинларнинг жанговар хизмат фаолиятини ташкил этишнинг шакл ва методларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Ушбу йўналишдаги ишларимизнинг бош мақсади Куролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ёшларда қатъий ирода ва характер, ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг юксак инсоний фазилатлар соҳиби ва жисмоний чиниқсан бўлишларига эришиш, ўз билим ва малакасини такомиллаштириш, фан-техника янгиликларини эгаллаш, мамлакатимизда хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш борасидаги ўзининг ҳарбий бурчи ни сидқидилдан адо этиш учун интилиб яшаш-

га хизмат қиладиган мұхитни мустақамлашдан иборат бўлиши керак.

Бу вазифани амалга оширишга Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашини, маданият, санъат, спорт намояндалари, мамлакатимиз кенг жамоатчилиги вакилларини фаол жалб этиш лозим.

Юртимизда 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, уларда бугунги кун талабларига, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган барча қулайликларни яратишга қаратилган давлат дастурларини изчил амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, ҳарбий тузилмаларга эга бўлган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг мұхим вазифасидир.

Қуролли Кучларимиз олдига қўйилган бундай долзарб вазифаларни амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб, ҳарбий округлар ва кўшин турлари қўмондонлари, бригада командирлари, барча офицерлар таркиби томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг миллий армиямиз ташкил этилганининг 21 йиллиги байрами муносабати билан қабул қилинган Директивасида баён этилган

кўрсатма ва қоидаларни сўзсиз бажаришни тақозо этади.

Хурматли ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан сизларни яна бир бор табриклар эканман, бу гунги кунда миллий армиямиз сафларида мураккаб ва масъулиятли вазифани, Ватан олдидағи ўзининг муқаддас бурчини шараф билан адо этиб, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб келаётган барча ҳарбий хизматчиларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Янги 2013 йилда сизларга мустаҳкам соғлиқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги олийжаноб фаолиятингизда ютуқ ва зафарлар, кучғайрат, оиласарингизга баҳту саодат, файзу барака ёр бўлишини тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Куролли Кучлар Олий Бош Қўмандони.
2013 йил 11 январь*

БОШ МАҚСАДИМИЗ – КЕНГ КҮЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҶАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлиси кун тартибига қўйилган асосий масала – бу Ўзбекистоннинг 2012 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунларини муҳокама этиш ва 2013 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдан иборат.

Ўтган йил якунларини сарҳисоб қиласар эканмиз, авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иктисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иктисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантириши давом эттириди, ахоли турмуш даражасини изчил юксалтириши таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Макроиктисодий барқарорлик ва иктисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди.

Экспорт ҳажми сезиларли равиша, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташки савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.

Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди.

Шуларга қарамасдан, давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлик ба жарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди.

Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Бугунги кунда, дунёning кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёsat олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушкини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташки қарзлари микдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича «ўргачадан ҳам кам» даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда.

Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. 2012 йилда банк тизими-ning жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан З баробар ортиқдир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортмоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир.

2010 йилда мамлакатимизнинг атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 28 тага етди.

Банклар фаолиятида, ўтган йиллардаги каби, инвестиция фаолиятига катта эътибор қаратилди.

2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўтган йил натижаларини баҳолаганда, Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари Вероника Бакалу хонимнинг ушбу миссиянинг Ўзбекистонда 2012 йил ноябрь-декабрь ойларидаги иши натижалари бўйича билдирган фикрларини келтириш ўринли, деб биламан. Унинг таъкидлашича, «Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсмоқда. Солик-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидаги мустаҳкам позиция, банк тизими нинг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди».

Ўйлайманки, бундай холисона баҳо кўп нарсадан далолат беради.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини, авваламбор,

иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур.

Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар микдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсади. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция обьекти қуриб битказилди.

2012 йилда қурилиши ниҳоясига етказилган энг йирик обьектлар ҳақида гапирганда, Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг «Мицубиси» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегаволт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига кўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, бу лойиҳа ҳисобидан шартли ёқилғи истеъмолини 1,8 марта камайтиришга, ҳар йили 400 миллион куб метр газни тежаш ёки 110 миллион доллардан ортиқ маблағни иқтисод қилишга эришамиз.

Автомобиль саноатида Германиянинг дунёга машҳур «МАН» компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилига 3 мингта юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди.

Ушбу корхонада жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган юқори технологик ишлаб чиқариш ташкил этилди. Айтиш керакки, катта ҳажмдаги юкларни ташийдиган энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган мазкур корхона нафақат мамлакатимиз эҳтиёжини қоплади, балки бу машиналарни экспорт қилишни ҳам таъминлайди.

Муборак газни қайта ишлаш заводида 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди, «Шўртаннефтгаз» корхонасида эса пропан-бутан қоришмаси асосида 50 минг тон-

на суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилди.

Яна бир йирик лойиҳа – умумий қиймати 250 миллион доллардан ортиқ бўлган Дехқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борадаги ишлар якунига етгач, корхонада йилига 600 минг тоннагача калийли ўғит ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади ва бу маҳсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2012 йилда Сурғил кони базасида, ҳатто, дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 2,5 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Мазкур объектнинг қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Ушбу лойиҳа технологик жиҳатдан дунёдаги энг илғор лойиҳалардан бири бўлиб, энг юксак даражадаги газ-кимё технологияларини жорий этишни кўзда тутади. Бу, ўз навбатида, табиий газдан 97 фоизгача этан, пропан ва бошқа қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни таъминлайди.

Мазкур лойиҳада етакчи хорижий банклар консорциуми, давлат кафолатларини жалб этмаган

холда, лойиҳаларни молиялаштириш принциплари асосида иштирок этмоқда.

Дунёдаги йирик «Томсон Рейтер» бизнес-ахборот агентлигининг молия соҳасидаги жаҳонга машҳур «Проект файненс интернешнл» журнали ушбу лойиҳанинг ноёблиги ва ишга новаторлик билан ёндашиш натижаси эканини қайд этиб, Устюрт газ-кимё комплекси қурилишини нефть-газкимё саноатидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб тан олди. Бу, ҳеч шубҳасиз, барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

2012 йилда Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси билан ҳамкорликда қиймати 4 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган, тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича катта истиқболга эга бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Ушбу лойиҳа асосида барпо этиладиган завод дунёдаги саноқли корхоналардан бири бўлиб, у синтетик суюқ ёқилғи – суюлтирилган газ, авиакеросин ва «премиум класс» тоифасидаги, яъни «Евро-4» стандартидан кам бўлмаган дизель ёқилғиси ишлаб чиқаради.

Шу ўринда автомобиль, темир йўл ва коммуникация соҳаларидағи қурилиш ишларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Үтган даврда қарийб 500 километрлик түрт полосали замонавий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. Шундан 163 километри цемент-бетон ва 335 километри эса асфальт-бетон билан қопланган йўллардир.

Узунлиги 116 километр бўлган Гулистон – Оҳангарон автомобиль йўли, Кўқон шаҳрини айланиб ўтадиган автойўл фойдаланишга топширилди, Самарқандни Тошкент, Қарши ва Олот шаҳарлари билан боғлайдиган йўллар реконструкция қилинди.

Темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ишлари, темир йўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳалари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу ишлар поездлардан фойдаланиш харажатларини 20 фоизга камайтириш, йўловчи ва юк ташиш тезлигини 1,3 баробар ошириш, 830 километрлик Тошкент – Термиз темир йўлинин тўлиқ электрлаштириш имконини беради.

2012 йилда узунлиги 240 километр бўлган темир йўлни қайта тиклаш ишлари давом эттирилди. Узунлиги 70 километрдан ортиқ бўлган Дашибод – Жиззах темир йўл тармоғи бўйлаб юк ва йўловчи поездлар ҳаракати йўлга қўйилди.

Үтган йили телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича ҳам катта ишлар бажарилди. Бу борада кўзда ту-

тилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида узунлиги 180 километрдан зиёд бўлган «Бойсун – Денов», «Ургут – Шахрисабз» оптик толали алоқа линияси ишга туширилди.

Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатиш мосламаларини ўрнатиш орқали босқичма-босқич рақамли телевидениега ўтиш амалга оширилди. Бу аҳолини мамлакатимиз бўйича рақамли телевидение билан қамраб олиш даражасини 42 фоизга етказиш имконини берди.

Янгитдан ташкил этилган «Навоий» ва «Ангрен» эркин индустриал-иктисодий зоналари бугунги кунда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгалламоқда.

«Навоий» эркин индустриал-иктисодий зonasи ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобиль газ баллонлари, мобиль ва стационар телефонлар, модемлар ва интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидағи яна еттита лойиҳа амалга ошириш босқичида турибди.

Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, «Ангрен» маҳсус индустрιал зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Мазкур индустрιал зонада фаолият кўрсататётган корхоналарга, киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, 3 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга кенг қўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди, уларнинг инфраузилма объектлари ва коммуникацияларга кафолатли равишда уланиши таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда «Ангрен» маҳсус индустрιал зonasи ҳудудида қиймати 186,0 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шулар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутади.

Умумий қиймати 245 миллион долларлик яна 22 та рентабелли лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Кўлга киритган тажрибамиз шуни тасдиқлаб бермоқдаки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам Навоий ва Ангрен каби маҳсус индустриал зоналарни, замонавий логистика тизимлари ва транспорт инфратузилмаларини яратиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш мақсадларимизга жавоб беради.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Ўтган 2012 йилда **мамлакатимиз аграр секторининг деярли барча тармоқларида** улкан ютуқ ва натижалар қўлга киритилди.

Албатта, 2012 йилда ҳам, сўнгги йиллардаги каби, янги мавсумга тайёргарлик кўриш даврида ёғингарчилик кўп бўлгани, баҳорнинг кеч келгани ва намгарчиликнинг юқори бўлгани, ёз фаслида ҳаво ҳароратининг ҳаддан зиёд ошиб кетгани қишлоқ хўжалик ишларини амалга оширишда жиддий муаммо ва қийинчиликларни юзага келтирди.

Шунга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз дехқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди.

Буларнинг барчаси, авваламбор, дехқонларимиз, фермер ва механизаторларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўзини аямасдан қилган фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижасидир. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ютуқлар барча ресурс ва имкониятларимизни тўла сафарбар эта олганимизнинг натижасидир.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, барча қишлоқ меҳнаткашларига уларнинг мардлиги ва матонати, мамлакатимизнинг тараққиёти ва равнақига қўшаётган улкан ҳиссаси учун ўзимнинг чуқур хурматим ва самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнунийт бағишлийди.

Мамлакатимиизда, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чоратадбирларнинг амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳукукий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи

бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вактда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирумокда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, этиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кун сайин мустаҳкамланиб, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати Ўзбекистонда ўзини тўла оқлади ва бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, десам, ўйлайманки, барчамизнинг умумий фикримизни ифода этган бўламан.

Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Энг асосийси – одамларимизнинг онги ва дунёқарashi тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий хужжатлар фермер хўжаликлари ваколатларини сезиларли равишда кенгайтирди.

Шу билан бирга, тан олиш керакки, фермерлик ҳаракатининг Фермер хўжаликлари уюшмаси шак-

лидаги ташкилий тузилмаси қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фермерлар олдида турган вазифаларни ҳал этиш жараёнларига кучли таъсир кўрсата олмади.

Фермерлик ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида Фермер хўжаликлари уюшмаси Ўзбекистон Фермерлари кенгашига, вилоят ва туманларда эса фермерлар кенгашларига айлантирилди, энг муҳими, ушбу тузилмаларнинг ҳукуқ ва ваколатлари жиддий равишда кенгайтирилди.

Бугунги кунда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш, уларга ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатишига доир меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш билан боғлиқ деярли бирорта масала фермерлар кенгашларининг бевосита иштирокисиз ҳал этилиши мумкин эмас.

Мазкур кенгашларнинг асосий вазифаси давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимият органлари билан муносабатлар бўладими, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатадиган ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўладими, шунингдек, судларда

ишлиарни кўриб чиқиши бўладими – ҳамма ерда фермерларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ни ҳимоя қилишдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, фермерлар кенгашла-ри фермерлик ҳаракатининг ўзаги, йўналтирувчи кучи бўлиши, уни қишлоқни ривожлантириш ва шу аснода қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айлантириши лозим.

2012 йилда **хизмат кўрсатиш соҳаси** ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Бу жараёнда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери фойдаланилмаётган катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини тан олиши-

миз ҳамда бунга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Ҳисобот йилида **таълим соҳасини** ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи доимий равища эътиборимиз марказида бўлди.

Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта маҳсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом этирилди.

Бу борада умумтаълим мактабларининг 9-синф битиruvchilarini, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктларида яшайдиган қизларни касб-хунар коллежларида ўқишига тўлиқ жалб этиш масаласини текшириш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Янги касб-хунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди. 2012–2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди.

Касб-хунар коллежлари битиruvchilarini иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларидан фойдаланиши, бу масалага туман ва шаҳар жамо-

атчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб, барча туман ва шаҳарлар, касб-хунар коллежлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига бугунги кунда мутлақ кўпчилик оиласаримиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб бораётган ушбу масъулиятли ишга қўшган ҳиссаси учун самимий миннатдорлик билдирамоқчиман.

Ўтган даврда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини малакали, педагогик ва амалий иш тажрибасига эга бўлган раҳбар ва ўқитувчи кадрлар билан янада мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди. 2012 йилда 687 та касб-хунар коллежининг директори аттестациядан ўtkазилди. Бунинг натижасида уларнинг 119 нафари эгаллаб турган лавозимиidan озод этилди. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг барча ўқув муассасалари танловлар орқали саралаб олинган раҳбар кадрлар билан тўлиқ таъминланди.

Етарли касбий кўникма ва малакага эга бўлмаган 2 минг 100 нафардан зиёд ишлаб чиқариш таълими устаси ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган

малакали кадрлар билан алмаштирилди. Барча раҳбар ва педагог кадрларнинг 21 минг 700 нафардан ортиғи ёки 18 фоизи ўтган йили маҳсус курсларда ўз малакасини оширди.

Ўтган йили мамлакатимизда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш бўйича бир поғонали тизимни ислоҳ қилиш ҳамда жорий этиш ишлари ниҳоясига етказилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб биз учун янги бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими жорий этилмоқда.

Илмий кенгашлар, асосан, нафақат юқори малакали кадрлар тайёрлаш маскани, айни вақтда илмий тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланиси лозим бўлган етакчи олий ўқув юртлари қошида ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг ташкилий тузилиши ва унинг низоми тубдан қайта кўриб чиқилди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилмоқда. Рейтинг тузиш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази зиммасига юкланди. Ушбу марказ рейтинг баҳоларини тузишнинг ҳозирча вақтинчалик тасдиқланган методикаси

асосида Ҳукуматга мамлакатимизда олий таълимнинг қандай ривожланаётгани тўғрисида ҳар йили таҳлилий маълумотлар тақдим этади.

Олий ўқув юртлари фаолияти баҳоланадиган мезонларни шакллантиришда олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати ва илмий салоҳият даражаси индексига асосий эътибор қаратилади ва уларнинг ҳар бири натижасига кўра, 35 фоиздан энг юқори баллар қўйилади. Шунингдек, талаба ва битиравчиларнинг иш берувчилар ўртасида сўров ўтказиш натижасида аниқланадиган малака индексига алоҳида аҳамият берилади ва бу кўрсаткич 20 фоиз билан баҳоланади. Қолган 10 фоиз бошқа кўрсаткичлар бўйича берилади.

Рейтинг тизимини жорий этишнинг маъноси ва аҳамияти фақат ҳар бир олий ўқув юртининг мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида қандай ўринни эгаллаб тургани ҳақида холис маълумотга эга бўлишдан иборат эмас.

Энг асосийси, шу аснода олий ўқув юртлари ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш, шунингдек, ишимиздаги эътибордан четда қолиб келаётган жиҳатлар ва резервларни баҳолаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қиласар эканмиз, Франциядаги дунёning энг яхши

бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган «Инсад» халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги «Иновацияларнинг глобал индекси» маъruzасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Маъруза Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган.

Ушбу маърузада дунёning 141 мамлакатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон – шунга эътибор беринглар – дунёning 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган.

Ўйлайманки, бу ўринда ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

Мамлакатимизда **соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш** бўйича ҳам 2012 йилда изчил ва аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун ўтган йили Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига айлантирилди.

Бу факат ўтган йил давомида Жамғарма маблағлари ҳисобидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш, 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналарни ва бир сменада 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника объектларини фойдаланишга топшириш имконини берди. Тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Жамғарма томонидан 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида замонавий, юксак технологияларга асосланган тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида диагноз кўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган кардиожарроҳлик бўлимининг очилиши ўтган йили шу соҳада қилган энг муҳим ишларимиздан бири бўлди.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши миintaқавий дастур сифатида тавсия этилди.

Юртимизда спортни, авваламбор, болалар спортини ривожлантиришга доимий равишда катта эъ-

тибор қаратаётганимиз ҳам, ҳеч шубҳасиз, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

2012 йилда 108 та болалар спорти обьекти, жумладан, 16 та сузиш ҳавзаси, Навоий шаҳрида 10 минг ўринли янги стадион, Нукус шаҳрида теннис мактаби, мамлакатимиз худудларида 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди.

Самарқанд шаҳрида эшкак эшиш каналини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қарийб 1 миллион 600 минг бола ёки юртимиздаги болаларнинг 35,6 фоизи турли спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

Тошкент шаҳрида халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий «Бунёдкор» ва «Локомотив», Бекобод шаҳрида «Металлург» футбол стадионлари бунёд этилди. Спорт кураши бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ташкил қилинди.

Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни ишга жойлаштириш муаммосига ғоят катта эътибор берилаётгани ҳақида бугун ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман.

2012 йилда мамлакатимизда комплекс чоратадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этил-

ди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари ни кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди.

Ушбу кўрсаткичларни мамнуният билан қайд этар эканмиз, бу вазифа жорий ва келгуси йилларда ҳам ижтимоий-иктисодий дастурларимизнинг марказида бўлиши лозимлигини барчамиз яхши англаймиз, албатта.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Ўзбекистонни 2013 йилда иктисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини белгилар эканмиз, биз, аввало, ўтган йилларда иктисолиётимизда эришилган мэрралар, истиқболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, шунингдек, жаҳон бозорида ги реал ва кутилаётган, прогноз қилинаётган ҳолатдан келиб чиқамиз.

Бугун шуни тан олиш керакки, ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иктисодий инқироз ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш ва бартарраф этиш бўйича амалга оширилган инқирозга қарши дастурлар ва кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, бу борадаги аҳвол, афсуски, яхшиланмаяпти, айrim кўрсаткичлар бўйича эса унинг ёмонлашиш тенденцияси кузатилмоқда.

Дунёниг кўплаб етакчи мамлакатларида давлат қарзи ва миллий бюджетлар тақчиллиги муаммоси деярли ҳал этилмасдан қолмоқда, реал иқтисодиётда ишлаб чиқариш пасайиб бормоқда, жаҳон бозорида харид талабининг камайиши давом этмоқда, ишсизлик даражаси юқорилигича қолмоқда, ижтимоий кескинлик кучаймоқда.

Кредит олувчиларнинг тўловга лаёқатсизлиги, ҳисоб-китоб қилишга қурби етмаётгани молия-банк тизимида жиддий муаммолар пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Дунёниг энг йирик давлатлари марказий банклари томонидан реал активлар билан деярли тъминланмаган пулларни чиқариш давом этаётгани, шунингдек, сунъий молиявий воситалар – деривативларнинг назоратсиз чиқарилаётгани кўплаб нуфузли ҳалқаро таҳлил марказлари ва эксперталарда жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Молия ва банк бозорини ортиқча ликвидлик билан тўлдириш, бундай сиёsatни давом эттириш улкан спекулятив «кўпиклар» ҳосил бўлиши, захира валюталари ва миллий валюталарнинг қадрсизланиши, инфляция даражасининг ўсиш хавфини туғдирмоқда.

Тобора ўсиб бораётган бундай муаммолар бугунги кунда глобал инқироз келтириб чиқараётган чуқур жараёнларни фақат эски восита ва принципларни тузатиш билан ҳал этиб бўлмаслигидан да-

рак бермоқда ва, авваламбор, молия ва банк тизимининг янги тузилмасини, уни назорат қилиш ва тартибга солиш механизмларини кўп томонлама асосда ишлаб чиқиши тақозо этмоқда.

Ана шундай мураккаб шароитда 2013 йил ва яқин келажакда ҳамон давом этаётган глобал инқирознинг барча хавф-хатар ва оқибатларининг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олиш алоҳида принципиал аҳамият касб этади.

Бугунги вазият ўтган йиллар мобайнида инқирозга қарши курашиш борасида тўплаган тажрибамизга суюниб, мамлакатимизни ривожлантириш, ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича эришган суръатларни бой бермаслик учун мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этишини талаб қилмоқда.

Ана шу вазифадан келиб чиқсан ҳолда, 2013 йилда изчил юкори ўсиш суръатларини, макроиктисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатдошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналишимизга айланиши даркор.

Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётини 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга, қишлоқ ҳўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, курилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимиизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор.

Кишлоп ҳўжалигига пахта ва ғалланинг барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, картошкачилик, сабзавотчилик, узумчилик ва чорвачиликни жадал ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

2013 йилда мутаносиб ва барқарор давлат бюджетини шакллантириш мақсадида солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг ошкоралигини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар кўзда тутилмоқда. Шуларнинг ҳисобидан солиқ юки даражасининг ошмаслиги таъминланиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан бу кўрсаткич 21,3 фоизни ташкил этади.

2013 йилда ҳам Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинади. Унинг

харажатлар қисмининг 60 фоиздан ортиғи ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилган.

Жорий йилда мутаносиб қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш давом эттирилади, инфляция кўрсаткичлари 7–9 фоизни ташкил қиласди, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиз даражасида сақланади.

Бу борада банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади. Банк тизими жами капиталини камида 20 фоизга кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Хурматли дўстлар!

2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор.

Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга

оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланаётган жами инвестицияларнинг қарийб тўртдан уч қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, реконструкция ва модернизация қилиш учун йўналтиришга тўғри келмоқда.

Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013 йилда факат Жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиха, биринчи навбатда, хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилаётган объектларни молиялаштириш режалаштирилмоқда.

2013 йилда асосий мақсадимиз – қурилиши бошланган ва мамлакатимизнинг саноат ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга хизмат қиласидиган объектларни барпо этиш суръатларининг пасайишига йўл қўймаслик принципиал аҳамиятга эга. Жорий йилда 115 та муҳим объектни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Ҳамкорларимиз билан келишилган янги объекtlар курилишини бошлашни тезлаштириш зарур. Шулар қаторида Кўнғирот сода заводининг иккинчи навбатини, «Резинотехника» очик акциядорлик жамияти негизида автомобиль шиналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бир қанча қўшма корхоналарнинг кувватини ошириш лозим.

2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни куриш кўламини янада кенгайтириш алоҳида ўрин тутиши зарур.

Шу борада барчамиз бир фикрни чукур англаб олишимизни истардим. **Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш** – бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узок муддатли давлат дастурининг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Замонавий муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган янги ва кўркам уй-жой массивларини барпо этиш – мамлакатимиз қиёфасини ҳар томонлама обод қилишга қаратилган, истиқболга мўлжалланган муҳим вазифамиздир.

Ана шу истиқбол режаларидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда қишлоқ жойларда якка тартибдаги янги уй-жойлар қуришни 8,5 мингтадан 10 мингтага етказиш кўзда тутилмоқда. 2013 йилда бу мақсадлар учун 1 триллион 400 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтириш мўлжалланган.

Бу борада шуни эътиборга олиш керакки, мазкур мақсадлар учун тузилаётган пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари, барча ҳудудларда шакллантирилаётган уларнинг кучли моддий-ишлаб чиқариш базаси нафақат уй-жойлар, балки саноат ва хизмат кўрсатиш обьектларини қуришга ҳам жалб этилади.

2013 йил ва ундан кейинги йилларда дастурий вазифаларимизни амалга оширишда йўлтранспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш устувор аҳамият касб этади.

Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармокларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқ экани ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Инфратузилмани ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда яқин истиқболда янги энергетика қувватларини, электр энергиясини узатиш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш бўйича 26 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Булар, авваламбор, Таллимаржон иссиқлиқ электр станциясида умумий қуввати 900 мегавольт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини, Тошкент иссиқлиқ электр станциясида қуввати 370 мегавольтни ташкил этадиган буғ-газ қурилмасини, Ангрен иссиқлиқ электр станциясида қуввати 130–150 мегавольтдан иборат энергоблокни, Фарғона водийсида янги энергетика қувватларини барпо этиш, Сирдарё ва Янги Ангрен иссиқлиқ электр станцияларини бир-бiri билан боғлайдиган юқори вольтли электр узатиш тармоғини қуриш, Устюрт газ-кимё мажмуасининг ташқи энергия таъминотини ташкил этиш каби муҳим стратегик лойиҳалардир.

Мазкур объектлар қурилишининг якунланиши ва ишга туширилиши мамлакатимиз бутун энергия тизимини, авваламбор, техник жиҳатдан тубдан қайта жиҳозлаш, ўз энергия ресурсларимиз ҳисобидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга, мазкур тизим фаолияти самарадорлигини ошириш, электр энергияси ишлаб чиқариш

ва узатиш жараёнида сарф-харажатлар ва техник йўқотишларни сезиларли даражада қисқартириш, энергетика ресурслари таркибини оптималлаштиришга хизмат қиласди.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси буғ-газ электр станцияларини куриш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, электр энергияси истеъмоли ҳисобини юритиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва уни транспортировка қилишда технологик йўқотишларни қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қўшимча чораларни кўриши даркор.

2013 йилда халқаро стандартларга жавоб берадиган 526 километрлик автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш, Қамчик довонида 71 километрлик автомобиль йўли участкасида реконструкция ишларини якунлаш, шунингдек, қатор кўприк ва йўлўтказгичларни барпо этиш режалаштирилмоқда. Ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм, шу жумладан, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 870 миллиард сўмдан ортиқ ҳамда халқаро молия институтлари – Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гурӯҳининг қарийб 120 миллион долларга teng маблағларини йўналтириш кўзда тутилмоқда.

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва тъмирлаш ҳамда йўллар бўйида тегишли инфраструктузилмани ривожлантиришга доир белгиланган вазифаларни сўзсиз бажариш юзасидан амалий чоралар кўриши лозим.

Темир йўл коммуникациялари тизимини жадал ривожлантиришга, юк ташиш ҳажмининг асосий қисмини тъминлайдиган коммуникация тармоқлари билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли тарзда боғлашга биз алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жорий йилда бу борада 16 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Биринчи навбатда, 140 километрлик «Мароқанд – Қарши», 325 километрлик «Қарши – Термиз» темир йўл участкаларини электрлаштиришни тугатиш, шунингдек, ҳаракатланадиган таркибни модернизация қилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик темир йўл компанияси ушбу лойиҳаларни амалга оширишнинг боришини яна бир бор танқидий баҳолаши ва тармоқ жадвалларига аниқликлар киритиб, уларнинг сўзсиз бажарилишини тъминлаши лозим.

Ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ўзимизга шуни аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, қундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффиқтини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади. Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур.

Жорий йилнинг ўзида Жиззах, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида бешта рақамли телевизион узатгич ўрнатиш йўли билан рақамли телевидениени ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш ва мамлакатимиз аҳолисини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражасини 42 фоиздан 45 фоизга етказишни таъминлаш лозим.

Замонавий технологиялар асосида видеотелефонлар, интернет-телевидение, юқори тезликдаги интернет, HDTV каналларини намойиш қилиш ва

бошқа хизматлар кўрсатиш имконини берадиган 2 минг километр узунликдаги кенг полосали оптик толали алоқа тармоғи қурилишини якунига етказиш даркор.

Янги ташкил этилган Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, бу соҳада асосий мувофиқлаштирувчи орган сифатида, ўтган йилда қабул қилинган Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва янада ривожлантириш дастури бажарилишини қатъий назоратга олиши, унинг ижроси натижалари тўғрисида Хукуматга мунтазам рашидда ахборот бериб бориши зарур.

Бу борада «Электрон хукумат» тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишини жадаллаштиришга, Ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қиласидиган миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хурматли юртдошлар!

Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида

инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иктисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти ва моҳияти янада яққол аён бўлади.

Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.

Стратегик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилди.

Аввало, давлат томонидан хорижий инвесторларнинг барча хукуқлари таъминланмоқда, уларнинг сармоялари, мамлакатимиз худудида улар томонидан яратилган мулкнинг дахлсизлиги кафолатланмоқда, яратилаётган имтиёз ва преференцияларни кенгайтириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

«Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари

тўғрисида»ги Қонунга кўра, қонунчилик нормаларининг ўзгартирилиши инвестициялаш шартшароитларини ёмонлаштиришга олиб келган тақдирда, чет эллик инвесторларга нисбатан ўнйил мобайнида инвестиция киритилган санада амал қилган қонунчилик қўлланади.

Яна бир қулайлик томони шундаки, давлат бошқарув органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан чет эллик инвесторларнинг хукуқларини камситадиган норматив ҳужжатлар қабул қилинган, шунингдек, чет эллик инвесторларнинг хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашибашга йўл қўйилган тақдирда, буларнинг оқибатида етказилган зарар суд орқали мазкур органлар томонидан қопланади.

Мамлакатимизда чет эллик инвесторнинг Ўзбекистонда олган даромадларини қайтадан инвестиция сифатида киритиш бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ – чет эллик инвесторнинг даромади, унинг хоҳишига кўра, ҳар қандай шаклда ишлатилиши мумкин.

Мазкур Қонунга мувофиқ, юртимизда чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторларнинг бошқа активлари халқаро хукуқда қабул қилинган умумий ҳолатларни (масалан, табиий офатлар, фалокатлар ва бошқаларни) мустасно этганда, национализация қилинмаслигига яна бир бор эътибор қаратиш ўринлидир.

Ўзбекистонда 2012 йилда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилашга йўналтирилган бир қатор қўшимча муҳим қонун хужжатлари ва хуқуқий нормалар қабул қилинди.

Биз мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этадиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўлида зарур бўлган барча ишлаб чиқариш инфратузилмалини давлат маблағлари ҳисобидан таъминлаш принципини нафақат қабул қилдик, балки уни амалда жорий этмоқдамиз.

Биз қиймати 50 миллион доллардан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган аниқ лойиҳаларнинг ўз муддатида амалга оширилишини таъминлайдиган инфратузилмани лойиҳа хужжатлари асосида ўз вактида қуриш мажбуриятини зинмамизга оламиз. Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа бунинг яққол далилларидир. Бу ерда умумий қиймати 212 миллион долларни ташкил этадиган ташки муҳандислик инфратузилмасини барпо этишни давлат ўз зинмасига олган. «Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонаси ва «Ангрен» маҳсус индустрисал зонасида яратилган шароитлар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омилидир.

Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арzonлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинди.

2012 йил давомида мазкур дастур доирасида олтита муҳим қонун, жумладан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди.

Рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди. Давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги билвосита алоқаси босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бизнесни рўйхатга олиш жараёни «бир дарча» тамойили асосида атиги икки кун ичida амалга оширилади

ва бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла мосдир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари хукуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилган бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаникликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган.

Юртимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ўзининг илк натижаларини қўрсатаётганини таъкидлаш жоиз. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди.

Айни пайтда мазкур йўналишда яна қўп ишларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлаш керак. Мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити жаҳон тажрибасида қабул қилинган бизнесни юритиш мезонларига қай даражада мос келишини доимо кузатиб боришимиз ва тегишли қарорлар қабул қилишимиз зарур. Вазирлар Маҳкамаси бу ишга раҳбарлик қилиши, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бу масала билан тизимли асосда шуғулланиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013

йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.

Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013 йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шаклларини, биринчи навбатда, касаначилар ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оиласвий бизнесни ривожлантириш катта резерв ҳисобланади. Мазкур соҳалар ҳисобидан 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилган.

Иш ўринларини ташкил қилишда, биринчи навбатда, тармоқ дастурларини амалга ошириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чукурлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилишини, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини

ободонлаштириш ишларини кенгайтириш масалалари мұхим ўрин тутади ва бу соҳаларда 250 минг кишини иш билан таъминлаш белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар, хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотлар раҳбарларига мурожаат этиб, ушбу масалани ҳал қилиш юзасидан тегишли аниқ дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарурлигига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Барчамиз, авваламбор, катта-кичик раҳбарлар бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим. Ҳар қайси оиласаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг барқарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатига яраша муносиб маош олишига боғлиқдир.

Хурматли дўстлар!

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштириб, ўтган даврда амалга оширган кенг кўламли ишларимиз ҳам, жорий йилдаги ва ундан кейинги йиллардаги барча саъиҳаракатларимиз ҳам ягона эзгу мақсадга – халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бу соҳада эришилган реал рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг самарадорлигини яққол намоён этаётганини ҳар биримиз ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз лозим.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳаёт даражаси, биринчи навбатда, аҳолининг даромадлари миқдори билан белгиланади. Ўтган 2012 йилда бу кўрсаткич юртимизда 17,5 фоизга ўсди, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди.

Умуман олганда, 2000 йил билан таққосланганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида бир ярим баробар кўпайтириш вазифаси кўйилмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир.

Ўтган 2012 йилда ушбу кўрсаткич 51 фоизни ташкил қилди, бошқача айтганда, одамларимиз

даромадининг ярмидан қўпи, биринчи навбатда, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланмоқда.

Ана шу даврда аҳолининг банклардаги омонатлари ўсиши 34,6 фоизни ташкил қилди, сўнгги ўн йилда эса 40 баробардан зиёд ошди. 2012 йилда мамлакатимиздаги барча инвестицияларнинг 20 фоиздан ортигини аҳоли инвестициялари ташкил этгани, айниқса, эътиборлидир.

Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012 йилда атиги 8,0 баробарни ташкил этганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, мамлакатимизда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатимизнинг самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Одамларнинг ўзига-ўзи баҳо бериши, ўзини аҳолининг муайян гуруҳига мансублигини англаши уларнинг турмуш даражаси ва сифатининг умумий ҳамда яқуний индикатори ҳисобланади.

Бу борада, албатта, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад билан бир қаторда, яшаш шароити ва стандартлари, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, одамлар истиқомат қиладиган муҳитни ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш, зарур инфратузилманинг

мавжудлиги ва унинг самараси, аҳолини сифатли истеъмол товарлари, шу жумладан, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар билан таъминлаш, замонавий талаблар асосида таълим олиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидан баҳраманд бўлиш каби ҳаёт даражасини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлар инобатта олинади.

Ўзбекистонда юқорида қайд этилган аксари ят индекс ва кўрсаткичлар бўйича катта ўзгариш ва ютуқларга эришилди. Бу ҳақда сўз юритганда, шуни айтиш жоизки, айни пайтда оиласарнинг 97 фоизи ўз уйига эга, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, ҳар уч оиласдан бири шахсий енгил автомобилга эга, аҳоли истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмоқда.

Ўтказилган сўровларга кўра, айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб деб билар эди.

Шуни унумаслик керакки, ўрта синф улусининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигининг, одамларнинг ўз келажагига бўлган ишончининг муҳим омили сифатида қабул қилинади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган ютуқлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда эксперталар ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, холисона баҳоланмоқда.

2012 йилда Буюк Британиянинг халқаро миқёсда тан олинган Легатум институти ўзининг Фаровонлик ва ривожланиш индексида Ўзбекистонни дунё мамлакатлари орасида ҳақли равишда 64-ўринга кирифтани эътиборга лойикдир.

Ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оиласарнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш даражаси бўйича ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзгалар ҳавас қиласиган ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди.

Ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тинимсиз меҳнати, мардлиги ва матонати эвазига қўлга киритган бундай ютуқлардан ва мэрралардан ҳар қайсимиз ғуурланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз.

Қадрли дўстлар!

Биз 2013 йилни юртимиизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилдик.

Аҳолимизнинг тинч-омон ҳаётини таъминлаш, унинг фаровонлигини ошириш, иқтисодиёти-

мизни изчил ривожлантириш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва позициясини юксалтириш, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича ўз олдимизга қўяётган мақсадлар, миқёси ва кўламига кўра, халқимизнинг эзгу орзу-умидлари билан ҳамоҳангдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман, 2013 йилда ва ундан кейинги йилларда дастурий мақсадларимизни амалга ошириш учун ўз салоҳиятимиз, барча имконият ва куч-ғайратимизни сафарбар этиш бугунги кундаги энг катта ва масъулиятли вазифамиздир.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва янги-янги ютуқлар тилайман.

*2012 йилда мамлакатимизни
ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши
якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжсалланган
иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор
йўналишларига бағишлиланган
Вазирлар Маҳкамасининг мажслисидаги маъруза.
2013 йил 18 январь*

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз опа-сингиллар, муҳтарама аёллар!

Авваламбор, сизларга – Ўзбекистон хотин-қизлари республика конференциясининг барча иштирокчиларига, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларига ўзимнинг чукур ҳурматимни билдириб, анжуман ишига катта муваффақиятлар тилайман.

Бундан йигирма бир йил олдин ташкил топган Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ўзининг жойлардаги бўлимлари ва тузилмалари билан бирга ўтган қисқа давр мобайнида, айтиш мумкинки, ўта муҳим ва масъулиятли, улкан вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва мэрраларга эришди. Бу ташкилотнинг мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги кўп қиррали фаолияти, жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг эътибор марказида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга қўшган ҳиссаси, айниқса охирги йилларда унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кучайтиришга олиб келди.

Мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишда – бу жамиятни демокра-

тик янгилаш бўладими, иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш бўладими – буларнинг барчасини мужассам қилиб айтганда, Ўзбекистонимиз эришган ва дунё ҳамжамияти тан олаётган мэрраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳиссаси борлигини бугун яна бир бор чукур миннатдорлик билан эътироф этишни зарур деб биламан. Ҳақиқатан ҳам, улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, оқилалик ва шукроналик фазилатлари, сабрбардоши, эртанги кунга ишонч туйғуси билан барча қийинчилик ва машаққатларни енгиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келаётганини кўплаб ҳаётий мисолларда яққол кўриш мумкин.

Шу борада ўзимизга мос қадрият ва қарашларимизни ифода этадиган муҳим бир масалага эътиборимизни қаратишни ўринли, деб ҳисоблайман.

Ҳар қайси оиласа гўзаллик ва нафосат, меҳрмуҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлмиш, бир сўз билан айтганда, оиласи оиласа, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак – барибир барчамиз ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиласиз.

Фақатгина аёл зотига мансуб бўлган мана шундай ноёб, бетакрор хусусият ва фазилатларни таърифлаш ва улуғлаш, уларнинг кундалик турмушимиздаги аҳамияти ва таъсирини кучайтириш, оилаларимизни янада мустаҳкам қилиш, шу асномда ҳаётимизни ҳар томонлама обод, гўзал ва мазмунли этиш – бундай долзарб вазифалар бугунги кунда Хотин-қизлар қўмитаси иш фаолиятида эътибордан четда қолмаслигини истардим.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: ҳозирги вақтда оилани, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оғирини енгил қилиш, улар дуч келадиган турли муаммоларни ечиш, зарур қўмак ва ёрдам бериш ҳам ана шу масалаларнинг узвий бир қисми эканини яхши англаб олишимиз лозим.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзузи бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш сингари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг самарасини янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Мухтарама опа-сингилларимизнинг ўз билим ва профессионал малакасини, салоҳияти ва искеъдодини рўёбга чиқаришлари учун, аёлларимиз, ёш қизларимизни, айниқса, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, касаначилик, оиласвий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имко-

ниятлар туғдириб бериш бугунги қуннинг энг дол-зарб вазифалари қаторига киради.

Хозирги вақтда дунёда ва миңтақамизда вазият тобора кескинлашиб, ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда оиласларда, маҳаллаларда фаол иш олиб бориш, ёш авлодимизни турли заарли оқим ва таъсирлардан саклаш, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган инсоний фазилатларни асраш қандай муҳим аҳамият касб этаётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада болаларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом руҳда тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллашига кўмаклашиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш Хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги вакиллари ва фаоллари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар олдида турган энг муҳим вазифадир.

Бугунги анжуманда сизлар айни шу йўналишда олиб бораётган ишларингизга танқидий баҳо бериб, хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янги, юқори босқичга кўтаришга қаратилган амалий қарорлар қабул қиласиз, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, ишларингизда янги муваффакиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2013 йил 25 январь

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар,
дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана
шу шукухли айёмда Сиз, азизларни, сизлар орқали
бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март – Халқаро
хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборак-
бод этиб, эзгу тилакларимни билдиришдан баҳти-
ёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмуни ва гў-
заллигини биринчи навбатда барчамизни дунё-
га келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган
муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўрамиз,
аёл зотини Яратганинг тенгсиз мўъжизаси, деб
улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру
муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг
меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси
оила қиласидиган, унга файзу тароват бе-
радиган, фарзандларимиз юрагига ўз она юртига
севги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёл-
ларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар
қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, ар-

зийди, десам, ўйлайманки, бугун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини қўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олийжаноб қадриятларини амалда намоён қиласидиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-эътибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг бекиёс ҳиссаси борлигини биз ҳамиша миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталик, рўзгорни, умуман, оила ҳаётини оқилюна бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда – ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жабҳаларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Соғлом она – соғлом бола» сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада биргина мисол – мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва қасб-хунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз.

Юртимизда 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берганимиз ва шу асосда Давлат дастури қабул қилганимиз замирида, аввало, ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касана-чиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани, айниқса, эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яна-да ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини куриш, янги тураржойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган майший техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!

Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келаётган чуқур хурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдиromoқчиман.

Аёл зотига, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустахкамлаш, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, бекиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан

барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлмиш 8 март байрами билан самимий табриклайман.

Умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, кутбарака аrimасин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз баҳтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2013 йил 7 март*

СПОРТ – БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА САМАРАЛИ ОМИЛИДИР

Хурматли Ҳомийлик кенгаши аъзолари ва мажлис қатнашчилари!

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишдан олдин мамлакатимизда 2002 йил октябрь ойида Ўзбекистон Президентининг Фармони билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг иш бошлаганига **10 йил тўлганини эслатиб ўтишни истардим.**

Шу муносабат билан Жамғарманинг ана шу ўтган даврдаги фаолияти натижаларини қисқача сарҳисоб қиласак, айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Шу борада барчамиз учун эзгу мақсадимизга айланиб қолган вазифа – яъни **«Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш – келажаги буюк давлат пойdevорини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир»** деган шиорни эслашимиз ўринли бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, Жамғармани ташкил этишда биз соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан

асраш, болалар спортини том маънода оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олийжаноб мақсадларни ўз олдимизга қўйганимизни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Чунки, ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси ота-она-нинг орзуси бўлган, яъни ўз фарзандларининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини энг устувор, энг олий мақсад, деб билган мамлакат ва халқгина юксак тараққиётга эриша олади.

Мухтасар айтганда, биз болалар спортини таълим-тарбия жараёни билан мутаносиб ра-вишда изчил ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва бу йўлда кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Жамғарма фаолиятида асосий эътибор бо-лалар спортини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш, унинг моддий-тех-ник базасини шакллантириш, умумтаълим мак-табларида замонавий болалар спорт комплекс-лари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуна ва инвентарлари билан жиҳозлаш, шунингдек, бу иншоотлардан самарали фойдала-нишга кўмаклашиш масалаларига қаратилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ўтган охирги 10 йил давомида Болалар спор-тини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спорти обьекти, жум-

ладан, 252 та янги спорт комплекси, 861 спорт зали барпо этилгани, буларнинг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилганини таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, фаолият кўрсатаётган 262 та спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. **Бу мақсадлар учун 570 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.** Биргина ўтган йилда 92 та болалар спорти обьекти ва 16 та сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди.

Айтиш жоизки, юқорида келтирилган рақамлар фақатгина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ишларни ифода этади.

Мамлакатимиз бўйича умуман бугун мавжуд бўлган спорт обьектлари ҳақида гапирганда қуидаги кўрсаткичларни эътиборга олиш зарур.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг сони 9600 тани ташкил этадиган бўлса, уларнинг 81 фоизи янгитдан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга.

1549 та коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан 100 фоиз таъминланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фойдаланишга топширилган янги спорт иншоотларининг барчаси Ўзбекистон давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан маҳсус ишлаб

чиқилган замонавий намунали лойиҳалар асосида барпо этилди ва жиҳозланди.

Болалар спорти объектлари, авваламбор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган анжомлар билан жиҳозланди ва қайта жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани ўтган даврда бу борада ҳам жиддий қадамлар қўйилганидан далолат беради.

Айни вактда спорт объектларидан тўла ва самарали фойдаланиш униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз, айниқса, қизларимизнинг спортга бўлган қизиқиш ва интилишини орттириш йўлида муҳим ўрин тутади.

Хозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спорти объектларida фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секцияларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд бола спорт билан шуғулланаётгани ва бунинг натижасида ҳар қайси спорт иншоотининг кундалик ўртача бандлик даражаси 9,2 соатга етгани, ҳеч шубҳасиз, фаолиятимизнинг энг муҳим самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз учун яна бир муҳим масала – бу қизларимизни ёшлигидан спортга жалб этиш, қизиқтириш билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Эртага она бўладиган, янги инсонни дунёга келтирадиган,

оила ва жамият таянчи бўладиган қизларимизни ёшлиқдан спорт билан ошно этиш масаласига яна-да жиддий эътибор беришимиз, бу борада эскидан қолган қарашларга бутунлай чек қўйишимиз зарур.

Турли, биз учун кўп жиҳатдан янги спорт турларини ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида амалга оширган ишларимиз мисолида сув спортини ривожлантиришга оид масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган беш йилда мамлакатимизнинг барча вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида ҳажми 25 метрга 12 метр бўлган 14 та янги, замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилди, 13 та сузиш ҳавзаси қайтадан қурилди, 83 таси капитал таъмирланди. Шу даврда 110 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, уларнинг умумий сони бугунги кунда юртимиз бўйича 203 тага етди.

Яратилган бундай кенг имкониятлар болалар-нинг сув спорти турлари – сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, ватерпол билан оммавий равишда шуғулланиши учун хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда 13 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз мамлакатимизда айни шу спорт турлари билан мунтазам равишда шуғулланаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистон спортчилари сув спор-

ти турлари бўйича кўплаб халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда.

2012 йили Германияда бўлиб ўтган сузиш бўйича халқаро мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси 9 та олтин, 9 та кумуш ва 6 та бронза медални қўлга киритди.

Ана шу беллашувларда жуда фаол иштирок этган 12 яшар Амирбек Усмонов дунёning манаман деган давлатларидан келган тенгдошларини ортда қолдириб, 5 та олтин ва битта кумуш медални қўлга киритгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга чуқур мамнуният бағишлади. Австрия мамлакатида ўсмирлар ўртасида сузиш бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳам Амирбек беш марта олтин медаль соҳиби бўлди.

Ўзимизга бир фараз қилайлик, илгари ёшлирамиз сув спорти бўйича бундай катта ютуқларга эриша оларми? Холисона тан олиб айтадиган бўлсак, бундай ютуқ ва ғалабалар илгари тушилизга ҳам кирмас эди. Бундай ҳаётни фақат орзу қилишимиз мумкин эди, холос.

Энг қувонарлиси, кўпчиликни ҳайратда қолдираётган бундай ёш чемпионлар қизларимиз орасидан ҳам кўплаб етишиб чиқмоқда. Мисол учун, Малайзияда ўтказилган синхрон сузиш мусобақаларида спортчи қизларимиз 4 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медални қўлга киритишди. **Наманган вилоятининг ўсмирлар ва**

қизлар жамоалари эса ватерпол бўйича Малайзияда бўлиб ўтган халқаро беллашувда биринчи ўринларни эгаллашди.

Бугун нафақат Наманган, балки бутун Ўзбекистонимиз бу қизларга ҳар қанча олқишилар айтса арзийди. Чунки бир пайтлар, Наманганда қизлар, аёллар ижтимоий фаол эмас, деган гаплар ҳам бўлган эди. Шу маънода, спортчи қизларимиз бугун эришган бундай юксак марралар, албатта, барчамизни хурсанд қиласди.

Маълумки, спорт оламидаги ҳар қандай ютуқ ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқлар – аввало, шу йўлда тинимсиз интилиб, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, айни вақтда шу инсонни тарбиялаб вояга етказган жамиятнинг ютуғидир.

Мен ишонаман – бугун бутунлай янгича шароитларда ўсиб, камол топаётган бизнинг болаларимиз, қизларимиз бундан ҳам катта ютуқларни кўлга киритишга албатта қодир. Шунинг учун ҳам бундай истеъдодли, навқирон фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак.

Мамлакатимизда катта теннис ва стол тениси, бадиий ва спорт гимнастикаси, сузиш, енгил атлетика, баскетбол, гандбол, волейбол, футбол, дзюдо, кураш ва дунё бўйлаб кенг тарқалган бошқа спорт

турлари жадал ривожланиб, тобора оммавийлашиб бормоқда.

Айни пайтда, юқорида айтилганидек, юртимизда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу рақам, 2003 йилга нисбатан олганда, 1,4 баробар кўпdir. Шу даврда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 32,5 фоизга ўсгани, албатта, ҳаммамизни кувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йиллар давомида қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ ишлар тудан яхшиланди.

Ҳолбуки, яқин-яқингача ҳам қишлоқларда болалар спорти қандай қониқарсиз аҳволда бўлиб келгани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Агарки рақамларга мурожаат қиласиган бўлсак, сўнгги ўн йилда қишлоқ жойларда болаларнинг спорт билан шуғулланиши 14,5 фоиздан 39 фоизга ўсганини кўриш мумкин. Бугунги кунда қишлоқларда спорт билан мунтазам равишда шуғулланадиган болаларимиз сони 2003 йилга нисбатан икки баробар кўпdir.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ўтган йиллар мобайнида қизларни спортга

жалб қилиш борасида улкан натижаларга эришилди. 2012 йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулданаётган қызлар сони, 2003 йил билан солиштирганда, 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 баробар ўсди.

Спортнинг бадиий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис ва бошқа турлари билан шуғулданаётган қызлар сафи сезиларли даражада кенгайганини мамнуният билан қайд этиш лозим.

Мисолларга мурожаат қиласиган бўлсак, бадиий гимнастика бўйича жойларда ҳудудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилгани натижасида спортнинг саломатлик учун ҳар томонлама фойдали бўлган ушбу нафис тури билан мунтазам шуғулданаётган қызлар сони кескин ошганини кўрамиз.

Эътибор беринглар, агар 2003 йилда бор-йўғи 1700 нафар қиз бола бадиий гимнастика билан шуғулланган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 36 мингтага етди.

Энг муҳими, қызларимизнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, айни пайтда қадди-қомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этётганини бугун ота-оналарнинг ўzlари қувонч билан таъкидлашмоқда.

Болаларнинг спорт билан шуғулланишга қизишини янада ошириш мақсадида мамлакатимиз ҳудудларида спортнинг кўплаб турлари бўйича

мусобақалар, спорт фестиваллари, ўртоқлик учрашувлари ва ўқув-машғулот йиғинлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Мисол учун, 2003–2012 йилларда 23 мингта спорт тадбири ўтказилган бўлса, уларнинг қарийб 17 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилганини айтиш лозим. Ана шу тадбирларда 10,5 миллиондан ортиқ бола, жумладан, қишлоқ жойларда яшайдиган 7,6 миллион нафар ўғил-қизларимиз иштирок этди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, юртимида анъанавий тарзда ўтказиладиган, Олимпия ҳаракати тамоилилларига тўлиқ мос келадиган уч босқичли спорт ўйинлари – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари мамлакатимиз терма жамоаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Азиз дўстлар, спортни, биринчи навбатда, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларнинг муваффақияти ушбу соҳага юкори малакали ўқитувчи ва мураббий кадрларни кенг жалб этиш билан боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас.

Шу мақсадда ўтган йиллар давомида болалар спорти обьектларини мураббий кадрлар, айниқса, аёл спорт устозлари билан таъминлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Аввало, мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича юртимизда янги, самарали тизим жорий этилгани бугунги кунда ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бу борада 2012 йилда мураббий-ўқитувчилар сони 2003 йилга нисбатан 1,7 баробар кўпайгани, жумладан, аёл спорт устозларининг сони 5 баробар ошганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, мураббий-ўқитувчи кадрлар таркиби ҳам сифат жиҳатидан ўзгарганини, яъни уларнинг қарийб ярми бугунги кунда ўз соҳаси бўйича олий маълумотга эга эканини таъкидлаш жоиз.

Ёш спортчиларимизнинг халқаро, қитъя ва минтақа миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритган ғалабалари болалар спортини ривожлантириш борасида эришган ютуқларимизнинг яққол тасдиғи бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, 2005–2012 йиллар мобайнида **Жамғарма маблағлари** ҳисобидан қарийб 4 минг нафар бола 333 та халқаро спорт тадбирида, турли фестиваль ва ўқувмашғулот йиғинларида иштирок этганини айтиб ўтиш ўринлидир. Ана шу мусобақаларда қатнашганларнинг асосий қисми – қарийб **2400 нафари қишлоқ жойларда яшаётган ўғилқизларимиздир**.

Биз барпо этган спорт обьектларида спортчи сифатида шаклланиб, камолга етган **бу ёш-**

лар дунёнинг 34 тадан ортиқ мамлакатида бўлиб, спортнинг 30 тури бўйича Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани ҳақида ҳар қанча ғуурланиб гапирсак арзиди, албатта. Ана шундай ёш спортчиларимиз ўтган даврда ўз маҳорати, азму шиҷоатини намоён этиб, 922 та медални, жумладан, 363 та олтин, 282 та кумуш ва 277 та бронза медални қўлга киритгани алоҳида таҳсинга сазовордир. **Биргина 2012 йилнинг ўзида спортчи йигит-қизларимиз 204 та медаль соҳиби бўлдилар.** Уларнинг 81 таси олтин, 61 таси кумуш ва 62 таси бронза медалидир.

Айниқса, ўсмир ёшдаги шахматчиларимизнинг ўтган йили эришган катта ғалабалари миллий спортивиз тарихида том маънода ёрқин из қолдирадиган воқеа бўлди.

Бундай мисолларни давом эттирадиган бўлсак, 2012 йилда тўққиз яшар жажжигина шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов Словениянинг Марибор шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўtkazilgan, дунёнинг – шунга эътибор беринг – 126 мамлакатидан қарийб 2600 нафар спортчи иштирок этган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққани, ёш спортчимиз Нафиса Мўминова эса Ўзбекистон хотин-қиз шахматчилари орасида биринчи бўлиб Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕнинг халқаро гроссмейстер, деган юксак унвонига сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, моҳир сузувчи қизларимиз Шоҳида Зоҳидова, Севара Бобоқулова ва Гулсанам Йўлдошева синхрон сузиш бўйича Индонезияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатининг кумуш медалларини қўлга кириптгани ҳам миллий спортизм шуҳратини ошириш йўлидаги жиддий қадам бўлди.

Ўзингиз ўйланг, мана шу уч нафар қизимиз, ўзбек қизлари спортнинг энг мураккаб тури бўлган синхрон сузиш бўйича Осиё қитъасида кумуш медалга сазовор бўлгани, ҳақиқатан ҳам, жуда катта воқеа. Илгари юртимиз қизларининг шу борада бундай муваффақиятли қатнашганларини эслай олмаймиз. Бу ютуқ, авваламбор, ўзбек оиласидаги маданий мухит, керак бўлса, маънавий савия қандай ўзгариб, дунёқарашимиз, онгу тафаккуrimиз қандай юксалиб бораётганининг исботи эмасми?

Айтиш керакки, бу уч нафар қиз Индонезияда медаль олибди, деган шунчаки оддий гап эмас. Бу ютуқнинг моҳияти ва аҳамиятини англаб, чукур мулоҳаза юритадиган бўлсак, шу мисолнинг ўзи ҳам одамларимиз, жамиятимизнинг ҳаёт тарзи, дунёқараши тубдан ўзгариб бораётганини намоён этмайдими? Бу, ўз навбатида, ҳаётимизда замон билан ҳамқадам бўлиб яшашга интилишнинг кучайиб, демократик қадриялар, аввало, оиласий демократиянинг ривожланиб бораётганининг тасдиги эмасми?

Шунинг учун ҳам четдан туриб бизга ақл ўргатадиган, Ўзбекистон ҳақида қуруқ сафсата со-тадиган баъзи кимсаларнинг гаплари таги пуч даъволовардан бошқа нарса эмас.

Ишончим комилки, мана шундай ютуқларимизнинг барча соҳа ва тармоқларда янада кўпайиб бориши тирноқ тагидан кир қидирадиган бундай кимсаларга энг ўткир жавоб бўлади.

Мен спорт соҳасида шундай мэрраларни кўлга киритаётган болаларимизни бугунги кунда мамлакатимизда катта куч бўлиб майдонга чиқаётган миллионлаб Ўзбекистон ёшлирининг муносиб вакиллари, деб биламан. Айнан ана шундай азму шижаатли ўғил-қизларимиз ўз ютуқлари мисолида бошқа минг-минглаб тенгдошларига ибрат бўлади, керак бўлса, уларни ҳам катта мақсадлар йўлида рухлантиради. Бу эса ўзбек халқи бугунги кунда дунёда тобора кескинлашиб бораётган рақобат шароитида ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди, деган ҳақиқатни яна ва яна бир бор амалда тасдиқлаб беради. Агарки баландпарвоз гапларни бир четга йиғиштириб қўйиб айтадиган бўлсак, бундай болалар биз орзу қилган соғлом ва баркамол авлод тимсоли, эртанги кунимиз учун намуна бўладиган ёшлардир.

Биз албатта Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрлана-

миз. Айни вақтда мана шундай ёшларимизнинг ютуқларини кўриб, бугун бизнинг давримиз келди, Ўзбекистоннинг замони келди, дунё бизни тан оляпти, деган юксак ғуур-ифтихор туйғуси, катта ишонч билан яшашимиз табиийдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар қайси вилоят ёки туман раҳбари, ҳар қайси етакчи ва мутасадди шахс болалар спортини ривожлантириш масаласига ғоят жиддий эътибор қаратиши зарур. Қаерда, қайси соҳада бўлмасин – бу илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаси бўладими, агарки йилт этган истеъдод пайдо бўлса, бундай болаларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш орқали уларни, аввало, Ватанимиз, халқимиз қўллаб-кувватлаётганини жамоатчилигимизга, ёшларимизга етказишимиз, англатишимиз керак. Айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистларимиз бундай муҳим мавзуларни ёритишда янада фаоллик қўрсатишларини истардим.

Шу ўринда алоҳида айтиш жоизки, спортда эришган юксак натижалари учун синхрон сузиш бўйича Шоҳида Зоҳидова ва айкидо бўйича Осиё чемпиони сурхондарёлик Сарвиноз Шайдуллаева Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Яқинда Тошкентда Хотин-қизлар байрамига бағишиланган тантанали маросимда сўзга чиққан

С. Шайдуллаеванинг фикрларига эътибор берадиган бўлсақ, унинг қандай ишонч билан, ўз юрти ҳақида фахр билан гапиргани барчамизни мамнун этади. Мен билмадим, бундай қизларга ҳар томонлама муносиб куёв бўлиш, уларнинг меҳрини, муҳаббатини қозониш учун энди йигитларимиз қандай марраларни забт этиши керак бўлар экан?..

Эшкак эшиш спорти бўйича ҳам фарзандларимиз халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда. Францияда ўтказилган байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича 17-халқаро мусобақада терма жамоамиз 5 та медални қўлга киритди. Жумладан, тошкентлик Артур Нургалиев ва Сергей Бухальцев 2 та олтин медалга сазовор бўлишди.

Шулар қаторида Дилшод Чориев ва Рамзиддин Саидов дзюдо бўйича Осиё чемпионатида олтин медалларни қўлга киритишли.

Ўзбекистоннинг 16 ёшгача бўлган ўсмиirlар терма жамоаси футбол бўйича Осиё чемпионатининг финал учрашувида Япония терма жамоаси устидан ғалаба қозониб, Осиё чемпиони деган унвонга сазовор бўлди.

Албатта, бу ютуқлар ёш спортчиларимиз томонидан халқаро мусобақаларда қўлга киритилган ғалабаларнинг фақатгина бир қисми эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Энг муҳими, фарзандларимиз жаҳон спорт майдонларида эришаётган бундай ютуқ ва нати-

жалар мамлакатимизда болалар спортини қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш борасида изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ишларимиз юксак самара бераётганининг яққол исботи сифатида барчамизга катта куч-ғайрат ва ишонч бағишлайди.

Шу борада яна бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаймиз. Яъни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг энг муҳим натижалари халқаро, минтақа ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда юқори натижаларга эришиш билан бирга, энг аввало, юртимизда **болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом ёш авлодни вояга етказишида намоён бўлмоқда**.

2003–2012 йилларда ўтказилган тадқиқотлар ва ҳар йили ўтказиладиган мактаб ёшидаги болаларнинг профилактик қўрик натижалари шундан да-лолат бермоқдаки, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш болаларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу фикрнинг амалий тасдиғи сифатида ўтган даврда ўқувчилар ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари сезиларли даражада камайганини, мамлакатимизнинг барча худудларида болалар саломатлиги яхшиланиши кузатилаётганини таъкидлаш мумкин.

Яна бир мұхым натижа шундан иборатки, сүнгги ўн йилда 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортгани кузатилмоқда.

Болаларнинг бўйи эса ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қиз болалар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсгани аниқланган. Тарь-кидлаш жоизки, ҳозирги вақтда **92** фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади ва ўйлайманки, бу барчамизга катта мамнуният бағишилайди.

Шу ўринда яна бир фактга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар 2003 йилда ҳарбий хизматга яроқли деб топилган йигитлар юртимизда **67,6** фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич **82,5** фоизга етган.

Айтиш керакки, бу кўрсаткичлар шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларнинг замирида бизнинг мустақиллик йилларида юртимизда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида қилаётган қанча-қанча меҳнатларимиз, шу борада эришаётган улкан ютуқларимиз мужассамдир.

Айни вақтда бу рақамлар спорт билан мунтазам шуғулланиш ўсиб келаётган ёш авлоднинг са-

ломатлиги ва жисмоний ривожланишига нақадар катта таъсир кўрсатаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади: **болалар ва ёшларнинг спорт билан оммавий ра-вишда шуғулланиши уларнинг характерини тоблайди, кучли, мард ва жасур бўлиб камол топишига хизмат қиласди, қатъиятли, ҳаёт си-новлари ва қийинчиликларини мардона ен-гиб ўтишга қодир инсонлар этиб тарбиялайди. Спорт билан мунтазам шуғулланиш фарзанд-ларимизнинг феъл-автори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиради.**

Бу сўзларнинг маъноси шуки, бугунги кунда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган, эртага бизнинг ўрнимизни босадиган ёшларимизга спорт мана шундай ноёб фазилатларни бахш этар экан, биз болаларимизни спорт билан ошно этиш учун, албатта, бор куч ва имкониятларимизни яна-да кўпроқ ишга солишимиз, бу борада ҳеч нарсани аямаслигимиз керак.

Мухтасар айтганда, спорт мамлакатимизда бар-камол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррар. **Чунки спорт – соғлом ав-лод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом ҳалқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.**

Бугун ўтган 10 йил давомида амалга оширган ишларимизни қисқача сарҳисоб қиласр эканмиз, мана шу имкониятдан фойдаланиб, корхона ва ташкилотлар, компания ва фирмалар раҳбарлари ва жамоаларига, хусусий тадбиркорларга, ўзининг молиявий ҳиссаси ва шахсий иштироки билан Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришдек эзгу ишга салмоқли ҳисса қўшган барча инсонларга самимий миннатдорлик билдиримоқчиман.

Мамлакатимиздаги чет эл бизнеси вакиллари-га Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятидаги иштироки, ўсиб келаётган ёш авлодни қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишлари учун алоҳида ташаккуримизни изхор этамиз.

Бундан ўн йил олдин бошлаган ишларимиз ана шундай кенг қўллаб-қувватлангани туфайли Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш қисқа муддатда том маънода умуммиллий ҳаракатга айланди, деб айтишга, ўйлайманки, бу-гун барча асосларимиз бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида болалар спорти обьектларини барпо этиш, уларни юксак малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда ана шу имкониятлар асосида самарали иш олиб бориш бўйича катта тажриба тўпланди, бошқача айтганда, яхлит тизим яратилди.

Шу маънода, болалар спорти юртимизда нафақат катта ижтимоий, умуммиллий ҳаракатга айланди, балки Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиётга эришиши, ривожланган замонавий демократик мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиши йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқат бўлади.

Эндиғи асосий вазифамиз – бу борадаги ишларни жаҳон андозаларига мос равишда изчил давом эттириб, янги, юксак босқичга кўтаришдан иборатdir.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, янги-янги ютуқлар тилайман.

*Ўзбекистон Болалар спортини
ривожлантириши жамгармаси Ҳомийлик
кенгашининг навбатдаги иигилишиидаги нутқ.
2013 йил 16 марта*

ЭЗГУЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА ОБОДЛИК АЙЁМИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда каттаю кичик барча юртдошларимиз бағрини кенг очиб, баҳор, яшариш ва янгилиниш рамзи бўлмиш Наврӯз айёмини «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврӯзи олам!» деб, шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Наврӯз айёми билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг хурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишдан баҳтиёрман.

Қадрли юртдошлар!

«Нима учун биз Наврӯзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг севимли, энг ардоқлайдиган байраммизга айланиб қолган?», деган савол берилиши табиийдир.

Бунинг сабаби, Наврӯзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Нега деганда, Наврўз ўз рухи ва ғоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ҳар қандай ғараз, гиналар ва низолардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуғлаши, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига ғоят ҳамоҳангдир.

Айни ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли, хосият ва файз, қут-барака ва мурувват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва тун teng келадиган шарқона Янги йилимизни – бу гўзал баҳор айёмини барчамиз орзиқиб кутамиз, эъзозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўtkazamiz.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошлиаримизнинг тобора очилиб келаётган табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда ўtkazilaётган сайил-томушаларда, миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақаларида кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетакрор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг одатига айланниб кетган қадриятлар – бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, bemorlar, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоён этиб, ўз қувончи ва шодлигини яқинлари, дўсту ёрлари, кўни-кўшнилари билан баҳам кўришга интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврӯзни ўз қадрдан байрамидек қабул қиласди.

Мана шундай қувончли дамларда бугун халқимизга катта хурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврӯз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан қутлаб, уларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрданларим!

Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонгизда барча табаррук кексаларимиз, муnis опа-сингилларимизга, кўзлари ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суюнчи бўлмиш

навқирон ёшларимизга – менинг фарзандларимга ўзимнинг чукур меҳрим, севги ва хурматимни изҳор этаман.

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан кутлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларимни билдираман.

«Обод турмуш» деб ном олган йилимизнинг Наврӯзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оиласларга тинчлик-омонлик, баҳту саодат, файзу барака келтирсинг!

Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!

*Наврӯз байрамига бағишиланган тантанали
маросимдаги табрик сўзи.*

2013 йил 19 марта

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАНИМИЗНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Азиз дўстлар!

Сиз, ҳурматли депутатлар ва сессия қатнашчилари билан, Тошкент вилоятининг фаоллари билан кўришиб турганимдан хурсанд бўлганимни ва шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзимнинг чукур ҳурматимни билдиришдан мамнунман.

Очигини айтадиган бўлсам, сиз азизлар билан кўпдан бери учрашмаганимизни англаб, ўзим ҳам сизлар билан яқиндан учрашиб, сухбат қуришга эҳтиёж сезиб юрганимни айтмоқчиман.

Сизлар билан дийдор кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, бугунги ҳаёт ҳақида – ҳаёт муаммоласиз бўлмайди, албатта – олдимиизда турган вазифалар, мавжуд муаммоларнинг ечимини тошиш ҳақида фикр алмашиб, тегишли хулосалар чиқариб олиш кераклигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана шундай очиқ учрашув ва мулоқотларда ён-атрофимиздаги бугунги нотинч, тобора мураккаблашиб бораётган бир вазиятда турли хавфхатарларнинг олдини олиш, юртимиздаги тинчлик

ва осойишталикни асраб, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини юксалтириш, уни янада мазмунли қилиш бўйича очиқчасига гаплашиб олиш, сизларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларингизни эшитиш, ҳеч шубҳасиз, айни муддао бўлур эди.

Шу маънода, бугун факат сессия кун тартибига киритилган масала билан чегараланмасдан, Тошкент вилоятининг ривожланиш суръатлари, эришилган ютуқлар билан бирга, ҳали-бери ечилмасдан келаётган, одамларни ўйлантираётган, безовта килаётган муаммолар ҳақида атрофлича гаплашиб олсак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Тошкент вилоятининг юртимиз ҳаётидаги мавқеи ва аҳамияти ҳақида сўз боргандা, қайси нуқтаи назардан қарамайлик – бу унинг тарихий ёки жуғрофий ўрни бўладими, иқтисодий-ижтимоий имкониятлари, инсоний салоҳияти бўладими – мамлакатимиз тараққиётида катта роль ўйнайдиган ана шундай омиллар ҳақида, албатта, кўп гапириш мумкин.

Тошкент вилояти, бошқа минтақалар билан солиштирганда, ҳосилдор тупроғи, бой минералхомашё манбалари, етарли сув захиралари билан алоҳида ажralиб туради. Ўзининг бетакрор иқлими, гўзал табиати ва хушманзара масканлари билан ҳар қандай кишининг ҳайратини ўзига тортади.

Вилоятнинг унумдор заминида миришкор дехқонларнинг пешона тери билан этиштирилладиган

ноз-неъматлар фақат воҳа аҳолисини эмас, шу билан бирга, азим пойтахтимизда, бу улкан шаҳарда яшаётган 2 миллион 600 мингта яқин одамни мева-чева, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқа хаётий зарур маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлашга қандай катта ҳисса қўшаётганини барчамиз яхши биламиз.

Тошкент вилоятида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлмиш саноат соҳаси юқори даражада ривожлангани ҳаммамизга яхши маълум. Бугунги кунда вилоятнинг мамлакатимиз саноатидаги улущи, Тошкент шаҳри билан қўшиб ҳисоблагандা, 33,5 фоизни ташкил этиши ҳам шуни тасдиқлаб беради. Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 9,6 фоизи, саноат маҳсулотларининг 12,4 фоизи, хизматларнинг 9,4 фоизи айнан Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши унинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эканини кўрсатади.

Воҳада ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё ва нефть-кимё, қурилиш индустряси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмокда. Бунга мисол қилиб АҚШнинг машхур «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги худудида ноёб ҳисобланган автомобильъ двига-

теллари ишлаб чиқарадиган замонавий заводни, Чирчик, Олмалиқ, Бекобод шаҳарларидағи йирик саноат мажмуаларини көлтириш мүмкін. Бу корхоналарда ишлаб чиқарылаётган маҳсулотларни нафақат минтақамиз, балки чет элларда ҳам харидорлар яхши билади ва тан олади.

Тошкент вилояти ҳақида гапирганда, яна бир муҳим хусусият ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан. Бу, аввало, вилоят аҳолисининг интеллектуал даражаси, билим ва тажрибаси, маънавий савияси билан ажралиб туришида намоён бўлади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Шу боис мана шу диёрга меҳр қўйиб, уни обод қилиб келаётган меҳнатсевар ва олийжаноб инсонлар ҳақида хар қанча фахрланиб гапирсак, уларга миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта.

Хурматли депутатлар!

Мустақил тараққиёт йилларида Тошкент вилоятида яратилган иқтисодий салоҳиятни янада ошириш, уни пойтахт вилояти деган номга муносиб даражага кўтариш учун сизлар билан бирга амалга оширган ишлардан ҳаммамиз, албатта, хабардормиз.

Вилоятнинг кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиши ҳақида сўз юритадиган бўлсақ, аввало, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, бу ерда ҳам барқарор ривожланиш суръатлари сакланиб қолаётганини таъкидлаш лозим. Буни ўтган 2012

йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 5 фоизга, саноат қарийб 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,7 фоизга, пуллик хизматлар 15 фоизга ўсгани яққол тасдиқлаб турибди.

Агарки 2000 йилга нисбатан қиёслайдиган бўлсак, ялпи ҳудудий маҳсулот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари икки баробар, пуллик хизматлар олти баробар, қурилиш-пудрат ишлари эса уч баробардан зиёд ошганини кўриш мумкин.

Вилоят саноатини эл-юртимиз, аввало, мана шу заминда яшаётган инсонлар манфаатини кўзлаб ривожлантириш бўйича кейинги йилларда қилган ишларимиз ҳақида қўп гапириш мумкин. Хусусан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Бекобод металлургия заводи, Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларидаги кимё корхоналарига кенг кўламли инвестициялар жалб этилиб, техник ва технологик модернизация ишлари амалга оширилди. Шулар каторида Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади, Фарход ГЭС, Чорвок ГЭС, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси сингари энергетика объектларида, Ангрен кўмир конида модернизация ишлари давом эттирилмоқда.

Айниқса, «Ангрен» маҳсус индустрисал зонаси фаолияти йўлга кўйилиши билан вилоят иқтисодиёти учун янги-янги имкониятлар очилмоқда. Мен бу ҳақда қўп гапирмасдан, факат баъзи рақамларни келтириш билан кифояланмоқчиман.

Ҳозирги вақтда мазкур индустрисал зона ҳудудида 186 миллион доллардан ортиқ қийматдаги 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, ишлатилган нефть маҳсулотларидан базавий мой тайёрлаш, турли ҳажмдаги мис қувурлар, санитария-техник ва бутловчи буюмлар, сопол плиталар, күмир брикети, чарм буюмлар ишлаб чиқариш комплекси шундай лойиҳалар сирасига киради. Шунингдек, бу ерда шакар ишлаб чиқариш заводи куриш мўлжалланмоқда. Буларга қўшимча равишида умумий қиймати 245 миллион долларни ташкил этадиган яна 22 та лойиҳани амалга ошириш бўйича зарур хужжатлар тайёрланмоқда. Собиқ «Резинатехника» корхонаси негизида автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган лойиҳа бўйича эса ишлар бошлаб юборилди.

Бир сўз билан айтганда, охирги беш йил давомида Тошкент вилояти бўйича 1 миллион 500 миллион доллар миқдоридаги маблағ сарфланиб, 58 та йирик инвестиция лойиҳаси тўла амалга оширилди. Бу ишларнинг давоми сифатида 2013 йилги инвестиция дастури доирасида вилоятда қарийб 545 миллион доллар маблағ хисобидан 69 та лойиҳани ҳаётга жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Азиз дўстлар, албатта, бу рақамлар ҳақида шунчаки гапириш осон, лекин улар қандай катта

маблағ, қандай катта меңнат ҳисобидан амалга оширилаётганига эътибор беринг. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш, хорижий инвесторларни отанг яхши, онанг яхши, деб юртимизга олиб келиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун тинимсиз ҳаракат қилиш, хорижий ҳамкорларни топиб, уларга барча зарур шароитларни яратиб бериш керак. Масалан, мана шу «Резинатехника» заводи бўйича хитойлик ҳамкорларимиз билан аниқ бир битимга келиш учун кейинги уч йил давомида қанча-қанча иш олиб боришга тўғри келди.

Ёки Тошкент вилоятининг салоҳиятига салоҳият қўшишга хизмат қиласидиган «Ангрен» маҳсус зонасини оладиган бўлсак, бу лойиҳага худдики ўзининг шахсий ишидек қараб, уни амалга оширишга сидқидилдан ҳисса қўшган барча мутахассис ва мутасаддиларга раҳмат айтсак, арзиди.

Албатта, халқимизнинг машаққатли ва фидокорона меңнати билан қўлга киритилган бундай ютуқ ва мэрралар, режа ва дастурлар барчамизга ғуур-ифтихор, энг муҳими, эртанги кунга ишонч бағишлийди. Лекин, биз бугун қўлга киритилган ютуқ ва мэрралар билан бир қаторда, Тошкент вилоятини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, мавжуд бой имконият ва ресурслардан етарли-ча фойдаланиш борасида бир қатор камчилик ва оқсоқликларга йўл қўйилаётганига кўпроқ эътибор беришимиз зарур.

Кўзга ташланадиган муаммолар ҳақида гапирганда, аввало, шуни таъкидлашимиз зарурки, вилоят саноатининг 88 фоизи Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Оҳангарон, Қибрай, Янгийўл ва Зангиота туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Қолган 10 та туманнинг бу борадаги улуши 12 фоизни ташкил этади, холос.

Айниқса, Оқкўрғон, Бўка, Бекобод, Кўйи Чирчик туманларининг вилоят саноатидаги улуши бир фоизга ҳам етмаслигини қандай баҳолаш мумкин?

Худудий саноат таркибида маҳаллий тасарруфдаги корхоналар ҳиссаси йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Охирги 3 йилда бу кўрсаткич 25,3 фоиздан 22,8 фоизга тушиб қолгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, бу худудларнинг барчасида ўзимизнинг одамларимиз яшайди. Лекин нима учун бир туманда саноат жадал ривожланмоқда, иккинчисида эса оқсоқликка йўл кўйилмоқда? Ҳолбуки, Тошкент вилоятида саноат, ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Бу вилоят шундай ихчам жойлашганки, унинг бир туманидан иккинчи туманига бориш жуда қулай, яъни йўл-коммуникация масаласида бу ерда ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Шундай экан, талаб ҳам шунга яраша катта бўлиши табиий.

Мана, ўзингиз кўряпсиз, ҳозирги кунда ёшлиаримиз замонавий касб-хунарларни эгаллашга,

ҳаётдан ўз ўрнини топишга интилмоқда. Лекин нима учун Юқори Чирчик, Ўрта Чирчик, Куйи Чирчик туманларида янги, замонавий саноат корхоналарининг салмоғи ва самараси ҳалигача сезилмаяпти?

Такрор айтаман – бизга бўлаверади, деган эскича қараш билан фақат томорқадан олинадиган даромад ёки олди-сотди ишларига кўз тикиб яшаш бизга энди ярашмайди. Бунинг учун одамда, аввали, ғуур туйғуси бўлиши лозим.

Бу муқаддас заминда ғуурурсиз, ифтихорсиз яшаб бўлмайди. Шахсан мен, ўзбек боласи қаерда бўлмасин, доимо ўз юртига сажда қилиб, унинг тупроғини кўзига тўтиё этиб яшашини истардим. Ҳар қандай шароитда ҳам ор-номус деган тушунчани баланд тутиб, шундай буюк юрга муносиб фарзанд бўлиб яшаш керак. «Ор-номус» деган сўзниң бошқа тилларда ўхشاши, таржимаси йўқлигининг ўзи ҳам Яратганимиз бизнинг халқимизга қандай улуғ, қандай бекиёс фазилатлар ато этганини англатмайдими?

Мен Президент – давлат раҳбари сифатида мамлакатимизни ривожлантириш, турмушимизни обод қилиш, халқимиз, авваламбор, ёшларимизниң эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун нишимики керак бўлса, барча-барчасини ташкил қилиб беришга, ана шу эзгу максад йўлида ҳаётимни бағишлишга ҳамиша тайёрман.

Бу Ватан – ўзимизники, барчамизники. Унинг камчилиги ҳам, ютуғи ҳам ўзимизники. Шундай экан, гўзал ва бетакрор юртимизнинг бугунги ва эртанги куни, ёруғ келажаги учун, авваламбор, ўзимиз масъул эканимизни унутмаслик керак.

Шу нұктаи назардан фикримизни давом эттирадиган бўлсак, Тошкент вилоятида баъзи корхоналарнинг тўла қувват билан ишламаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ўтган йили вилоят корхоналарида ип-газлама ишлаб чиқариш бўйича қувватлардан атиги 34 фоиз, трикотаж мато ишлаб чиқариш бўйича 52 фоиз, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш бўйича эса 66 фоиз фойдаланилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ана шундай оқсоқлик туфайли сўнгги беш йилда Тошкент вилоятида саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиш суръатлари мамлакатимиз бўйича ўртacha кўрсаткичдан анча кам, яъни 2,5 фоизга паст бўлгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

Бугунги кунда бутун мамлакатимизда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмокда. Хусусан, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш масаласига қандай катта аҳамият берилаётгани барчамизга яхши маълум.

Тошкент вилоятида «Оҳангаронцемент», «Оҳангароншифер», «Бекободцемент» акциядорлик жамиятлари, «Газалкентойна» қўшма корхон

наси ва бошқа йирик қувватлар бўлишига қарамасдан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган тармоқнинг ялпи саноат маҳсулотидаги улуши камайиб, 2000 йилдаги 9,5 фоиздан 2012 йилда 8,5 фоизга тушиб қолган.

Экспорт масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, 2012 йилда бу борадаги дастурга киритилган корхоналардан 30 таси белгиланган кўрсаткичларни бажармагани туфайли 36 миллион доллардан ортиқ маҳсулотни экспорт қилиш режаси бой берилганини афсусланиб айтиш лозим.

Вилоятда хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган 451 та корхонадан 21 таси фаолият кўрсатмаяпти. Бундай корхоналарнинг асосий қисми Оҳангарон, Ўрта Чирчик, Қиброй туманларида, Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларида жойлашган.

Ҳеч кимга сир эмас, вилоят ҳудудида кўмир, коалин, мис, асбест ҳамда қурилиш хомашёларининг бой захиралари мавжуд. Шунингдек, катта миқдорда мева-сабзавот, гўшт, сут, пилла маҳсулотлари етиштирилади. Лекин минг афсуски, ана шу қимматбаҳо хомашё ва маҳсулотлардан самарали фойдаланиш, уларни чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиб, қўшимча маблағ, қўшимча даромад топиш, энг муҳими, одамларимиз учун янги-янги иш ўринлари яратиш масалалари эътибордан четда қолиб келмоқда.

Бундай ахволни тубдан ўзгартириш учун Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимлиги билан биргаликда аниқ чоратадбирлар дастурини амалга ошириши зарур. Бунда, авваламбор, «Ангрен» маҳсус индустрисал зонасида ташкил этилаётган корхоналарга берилган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзларидан самарали фойдаланиш, салоҳиятли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга хорижий шерикларни жалб этиш учун кўмаклашиш, шунинг ҳисобидан юқори технологиялар ва инновацион ғоялар, тайёр маҳсулот, ички ва ташқи бозорда рақобатдош бўлган товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни кўзда тутиш даркор.

Азиз дўстлар!

Тошкент вилояти азалдан ўзининг деҳқончилик анъаналари билан шухрат қозониб келгани барчамизга яхши маълум.

Вилоятда ҳозирги вақтда 6 минг 100 дан кўпроқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Ўтган йили улар томонидан қарийб 588 минг тонна ғалла, 241 минг 400 тонна пахта хирмони бунёд этилди.

Бугун мен, мана шу юксак минбардан туриб, вилоятнинг барча деҳқон ва фермерларига ана шундай фидокорона меҳнатлари учун чукур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Мен яхши тушунаман, тўғри англайман – қишлоқ хўжалиги шундай мураккаб соҳаки, унда ҳар йили кутилмаган бир муаммо пайдо бўлади. Дехқоннинг меҳнати, чеккан мاشаққатини фақат дехқон билади. Саноат корхонасида ишлаш ҳам албатта осон эмас, лекин ишчи ёки муҳандиснинг иш вақти аниқ. Аммо айтинглар, дехқоннинг аниқ иш вақти борми? Агарки шундай меҳнатни қадрламасак, нимани қадрлашимиз керак ўзи?

Бугунги кунда дехқоннинг косасини оқартирадиган, бу – фермерлик ҳаракати эканини ҳаммамиз яхши тушуниб олдик, деб ўйлайман. Биз шу йўлга ўтдикми, энди фермерларимиз учун янада кенг йўл очиб беришимиз керак.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда вилоятда нафақат пахта ва ғаллачилик, балки сабзавотчилик, узумчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда ҳам самарали фаолият юритаётган, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этаётган ўнлаб кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги давр талабини, эртанги кунни ўйлаб иш олиб бораётган Пскент туманидаги «Зиёда», Қибрай туманидаги «Шуҳрат Мираҳмедов», Янгийўл туманидаги «Муфассал агро», Юқори Чирчик туманидаги «Кавсар замин», Паркент ту-

манидаги «Бойқозон байналмилал», Зангиота туманидаги «Сайфуддинова Хонзода», Ўрта Чирчик туманидаги «Мирзакарим Тешабой», Бўстонлик туманидаги «Сойлиқ Азимжон», Оққўргон туманидаги «Сарбон Самандар» каби фермер хўжаликларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Албатта, ҳаммамизга аёнки, мўл ҳосил етишириш учун, аввало, ернинг унумдорлигини ошириш лозим. Шу мақсадда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Тошкент вилоятида ҳам Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида **охирги беш йилда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда**. Шу борада **46 миллиард 100 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, 173 та замонавий мелиоратив техника, жумладан, 95 та экскаватор ва бульдозер ҳарид қилинди**.

Ҳозирги кунда 88 километрдан зиёд коллектор-дренаж тармоқлари қурилгани ва реконструкция қилингани, қарийб 6 минг километрлик тармоқда эса таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилгани, ҳеч шубҳасиз, ўз амалий натижасини бермоқда. Жумладан, охирги 4 йилда вилоятда картошка етишириш 67 минг тоннага, сабзавот 378 минг тоннага, полиз маҳсулотлари 28 минг тоннага, мева ва узум эса 60 минг тоннага ошгани ана шундай ишларимиз самараси, десак, янгилишмаган бўламиз.

Шу билан бирга, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан амалий ёрдамга қарамасдан, Тошкент вилоятининг бир қатор туманларида сўнгги йилларда пахта ва ғалла ҳосилдорлигининг пасайиш ҳолатлари кузатилаётгани барчамизни афсуслантиради.

Агарки 2012 йилда пахта ҳосилдорлиги мамлакатимиз бўйича ўртача 26,8 центнерни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Ўрта Чирчиқ туманида 20,6 центнерни, Бекобод ва Бўка туманларида 25 центнерни ташкил этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ёки бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги мамлакатимиз бўйича 52,3 центнерни ташкил этган бўлса, бу рақам Бекобод туманида 37,7 центнерни, Янгийўл туманида эса 32,2 центнерни ташкил этган.

Вилоятдаги айрим фермер хўжаликлари сурункали равишда шартнома мажбуриятларини бажармасдан келмоқда. Ўтган йили вилоятда давлатга пахта ва ғалла сотиш бўйича шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилган бўлса-да, 110 та фермер хўжалиги пахта, 151 та фермер хўжалиги эса ғалла етиштириш бўйича зиммасига олган шартнома мажбуриятини уddyалай олмаган.

Тошкент вилояти мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштириш, ҳосилдорликни ошириш ва янги агротехнологияларни жорий этиш, юқори самара берадиган боғ ва узумзорлар яратиш бўйича

катта имкониятларга эга экани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Вилоятда янги мевали боғлар ва токзорларни барпо этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Мисол учун, 2012 йилда вилоят бўйича атиги 623 гектар янги боғ ва 146 гектар токзор ташкил этилган. Янгийўл, Куйи Чирчик, Бўстонлиқ туманларидағи айрим фермер хўжаликларида мевали боғ майдонларидан гектарига 50–55 центнер ҳосил этиширилган, холос.

Ўтган 2012 йил мавсумида вилоятда мева ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 4 фоизни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич Самарқанд ва Наманганд вилоятларига қараганда 4–5 фоиз пастдир. Шунингдек, 2012 йилда вилоят бўйича мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш қувватларидан фойдаланиш даражаси ўртacha 40 фоизни ташкил этганини қониқарли баҳолаб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қиши мавсуми учун сифатли сақлаш мақсадида Тошкент вилоятида мева-сабзавотларни сақладиган ходильникларнинг қуввати охирги беш йилда икки баробар оширилиб, 80 минг тоннадан ортгани эътиборга лойик, албатта. Лекин ўтган йили ташкил этиш режалаштирилган 6 та ходильникудан фақат 4 таси ишга туширилгани бу масалада ҳам оқсоқлик борлигини кўрсатади.

Бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш, жумладан, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш, уларнинг самарали ишлаши учун барча шароитларни яратиб бериш хукумат ва мутасадди ташкилотларнинг устувор вазифаси бўлиши лозим. Бу борада биз янги ташкил этилган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ташаббус ва амалий ҳаракатларни кутишга ҳақлимиз. Жорий йилда Тошкент вилоятида ҳокимликлар ва фермерлар кенгашлари бошчилигига 2 минг 260 дан зиёд кўп тармоқли фермер хўжаликларини барпо этиш бўйича 97 миллиард сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилаётгани бу масаланинг ижобий ҳал этилишига ишонч туғдиради.

Муҳтарам депутатлар!

Кейинги йилларда Тошкент вилоятида йўлтранспорт, коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш масаласига қандай катта эътибор берилаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Айниқса, Ангрен шаҳрида ташкил этилган Халқаро транспорт логистика маркази орқали 2010 йилдан бошлаб Фарғона водийси вилоятларига ва улардан мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига 16 миллион тоннадан ортиқ юк етказиб берилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бизга сувдек, ҳаводек зарур бўлган бундай марказларни, транспорт ва коммуникация

тармоқларини жадал ривожлантиришни бугунги ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу мақсадда яқинда 116 километр узунликдаги «Гулистан – Оҳангарон» янги автомобиль йўли куриб битказилганидан хабардорсиз. Бу йўлнинг аҳамияти шундаки, у фақат масофа ни қисқартириб қолмасдан, Тошкент минтақаси орқали ўтадиган транспорт воситалари сонини оптималлаштиришга ҳам хизмат қиласди.

Бу соҳада ҳали қиласидиган ишларимиз кўп. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 8 миллиард сўм маблағ ҳисобидан маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларида қурилиш-таъмирлаш, шунингдек, 10 миллиард 600 миллион сўм маблағ йўналтириб, 160 дан ортиқ аҳоли пунктидаги ички йўлларда жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қулай ишビルармонлик муҳити яратилганини Тошкент вилояти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда вилоятда 20 мингга яқин кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Агарки мамлакатимизда кичик бизнес соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54,6 фоизни, саноатдаги улуши эса 22,2 фоизни ташкил этаётган бўлса, бу кўрсаткичлар Тошкент вилоятида тегишли равиши-

да 56,7 фоиз ҳамда 21,9 фоизни ташкил этмоқда. Айни вақтда мазкур соҳада бир қатор муаммолар борлигини ҳам айтмасдан ўтолмаймиз. Хусусан, 2012 йил якунларига кўра, Бўка, Зангиота, Ўрта Чирчиқ туманларида янгитдан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони камайишига йўл қўйилган.

Адлия органлари томонидан 2011–2012 йилларда ўtkазилган ўрганишлар давомида тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасида 224 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган.

Тадбиркорлар баъзан ўз бизнесини ташкил этиш учун ер олиш, кадастр органларида ҳужжатларни расмийлаштириш, ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун табиий газ, сув ва электр энергияси билан барқарор таъминланишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Масалан, мухандислик тармоқларига уланиш бўйича 253 та мурожаатдан 214 таси ҳал этилмагани ҳам шуни кўрсатади.

Энг ёмони, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувлари давом этмоқда. 2012 йилда адлия органлари томонидан 46 та ана шундай ҳолат аниқланган.

Шу муносабат билан илгари ҳам айтган бир фикрни яна бир марта таъкидламоқчиман. Тадбиркорлик фаолияти йўлига тўсик кўйиш, унга қарши чиқиш, бу – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига

қарши чиқиши, деб баҳоланиши керак. Буни қайси лавозимда ўтирганидан қатыи назар, барча мансабдор ва масъул раҳбарлар қулоғига қуйиб олиши шарт.

Вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ҳам муаммолар кўзга ташланмоқда. Масалан, айрим маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари томонидан етарлича эътибор берили-маслиги оқибатида алоқа, транспорт, савдо ва уму-мий овқатланиш бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилмаяпти.

Вилоятда кўплаб дам олиш масканлари фаолият кўрсатаётганига қарамасдан, жами хизматлар ҳажмида туризм хизматларининг салмоғи атиги 0,5 фоиздан ошмаётгани албатта ҳеч кимни қониқтирмайди. Айнан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси одамларимизни иш билан таъминлаш ва шунинг ҳисобидан аҳолимиз даромадларини ошириш, унинг ҳаёт даражасини яхшилашда ҳал қилувчи омил бўлиб келаётганини унут-маслигимиз зарур.

Охирги йилларда Тошкент вилоятида аҳоли даромадлари ошиб бораётганини қуидаги рақамлар тасдиқлаб бермоқда. **Айниқса, 2000 йилга нисбатан аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9,6 баробар ўсгани, ўртача иш ҳақи 14 баробар, пенсия ва нафақалар 12,5 баробар ошгани мисолида бунинг амалий ифодасини кўриш қийин эмас, деб ўйлайман.**

Бунинг яна бир яққол тасдиғини кейинги ўн йилда вилоятда енгил автомобильга эга бўлган оилалар 15 фоиздан 37 фоизга, телевизорга эга хонадонлар 80 фоиздан 143 фоизга, ходильникка эга оилалар 50 фоиздан 93 фоизга, кирювиш машинаси бўлган оилалар 32 фоиздан 72 фоизга кўпайганида кузатиш мумкин.

Биз учун устувор мақсад бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласини оладиган бўлсақ, вилоятда кейинги тўрт йилда 204 та умумтаълим мактаби, 19 та мусиқа ва санъат мактаби, 38 та касб-хунар коллежи ва 6 та академик лицей замонавий асосда қурилгани ва тубдан реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.

Ана шу даврда соғлиқни сақлаш соҳасида 1 минг 190 ўринга эга бўлган тиббиёт муассасалари ҳамда бир сменада 1 минг 335 нафар bemорга хизмат кўрсатадиган поликлиникалар қурилгани ва реконструкция қилинганини қайд этиш зарур. Фақат ўтган йилнинг ўзида вилоятдаги тиббий муассасаларни қуриш ва реконструкция қилиш учун марказлаштирилган манбалар ҳисобидан 16 миллиард 600 миллион сўм йўналтирилганининг ўзи бу борадаги ишларимизнинг миқёси ва кўламини кўрсатади. Шулар қаторида кейинги вақтда вилоятда 31 та спорт обьекти ишга туширилди ва реконструкция қилинди.

Ана шундай қулийликлардан баҳраманд бўлиб ўсаётган бугунги ёшлиар ҳамма нарсани тушунади.

Улар ҳозирги ахборот воситалари, айниқса, интернет орқали кўп нарсадан хабардор бўлмоқда. Интернет тармоғини қандайdir темир девор билан тўсиб, тақиқлаш, бу – мутлақо ақлга сифмайдиган иш. Мана, жаҳоннинг айрим минтақаларида, араб дунёсида турли нотинчлик ва қарама-қаршиликлар юз бермоқда. Бу ҳолатнинг сабаблари кўп, лекин уларнинг аксарияти ёшларга, уларнинг ҳаётий манфаатларини ҳал қилишга етарли эътибор бермаслик натижасида содир бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун барчамиз, биринчи навбатда, вазифада ўтирган раҳбарлар ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларга кенг йўл очиб бериш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш бўйича олиб бораётган ишларимизни давр талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, янги босқичга қўтариш зарурлигини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент вилоятида ёш авлод тарбиясига бевосита боғлиқ бўлган соҳа ва тармоқларда қўлга киритилаётган ҳар томонлама таъсирчан ютуқ ва мэрралар сўзсиз барчамизни қувонтиради, қалбимизга ғурур ва ифтихор етказади, албатта.

Айни шу борада яна ва яна бир бор эътиборингизни бундай кўрсаткичлар негизида ётган ўта муҳим мезонларга қаратмоқчиман.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 2 миллион 700 минг киши, жумладан, 1 миллион 600 мингга

яқин мәхнатга яроқли одам истиқомат қилмоқда. Шу сабабли ҳар қайси оиласынан фаровонлик, одамларнинг ҳаётга бўлган муносабати, жамиятимизнинг ижтимоий барқарорлиги, аввало, аҳолининг иш билан қандай таъминланганига, уларнинг иши қандай ташкил этилганига, ўз мәхнатига муносиб даромад топишига чамбарчас боғлиқ, десам, ўйлайманки, барчангиз шу фикрга қўшиласиз.

Масалага шу кўз билан қарайдиган бўлсақ, вилоятда ўтган йили бандлик дастури доирасида 87 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган бўлса ҳам, ишга жойлаштиришга муҳтож кишилар сони 45 минг 400 нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич Бекобод ва Бўка туманларида, Бекобод шаҳрида, айниқса, юқори ҳисобланади.

Шунингдек, вилоятдаги касб-хунар колледжлари ни битириб чиқаётган ёшларни ўз эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш борасида жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда. Масалан, 2012 йилда Оққўрғон, Чиноз, Юқори Чирчик туманларида бу кўрсаткич республикадаги энг паст даражани ташкил этгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор огоҳлантириб айтмоқчиман: маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарларининг фаолиятига одамларни, биринчи навбатда, касб-хунар колледжлари битирувчиларини ишга жойлаш-

тириш масаласи уларнинг ҳудудида қандай ҳал қилинаётганига қараб баҳо берилади.

Яна бир муҳим масала – аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида тўхталаған бўлсақ, ке-йинги тўрт йилда вилоятда сув таъминоти ва канализация хизматларини яхшилашга марказлаштирилган манбалардан 9 миллиард 200 миллион сўм маблағ ажратилганини айтиш лозим. Шу асосда 520 километр, жумладан, қишлоқ жойларда 490 километрдан ортиқ сув тармоқлари ишга туширилди. Бироқ водопровод тармоқларининг каттагина қисми эскиргани туфайли сув таъминотида узилишларга йўл қўйилмоқда, истеъмолчилар томонидан тўланмаган қарзлар ҳажми ортиб бормоқда. Бўка, Ўрта Чирчик, Куюи Чирчик, Юқори Чирчик, Паркент туманларида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси қониқарсиз бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан вилоятда қўшимча водопровод тармоқларини қуриш, жумладан, Чимён – Чирчик дам олиш ва ҳордик чиқариш ҳудудида тозалаш иншоотлари қувватларини кенгайтириш керак. Шу ўринда вилоятда жойлашган шаҳарлардаги кўп қаватли уйларнинг иссиқлик таъминотини яхшилаш ишлари етарли даражада эмаслигини афсус билан айтишга тўғри келади. Кўпгина уйларнинг муҳандислик ускуналари ва иссиқлик тармоқлари капитал ва жорий таъмирлашга муҳтож.

Коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоблар интизомининг пастлиги сабабли Чирчик шаҳри, Оққўрғон, Бўстонлик туманларида муддати ўтган дебиторлик қарзлар сақланиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, кўрсатилаётган хизматлар сифатига салбий таъсир этмоқда.

Балки кимдир, Президент шундай майдада камчиликларни айтиб ўтирадими, деб ўйлаши ҳам мумкин. Мен сизларга дўст сифатида айтмоқчиманки, менинг ишимда, ҳар қайси раҳбарнинг фаолиятида иккинчи даражали ёки майдада масаланинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Нега деганда, инсон манфаати ҳақида гап кетганда, ҳеч қачон майдада масаланинг ўзи бўлмайди.

Ўзингиз ўйланг, жойларда ичимлик суви етишмаса, кўп қаватли уйларда табиий газ, иссиқлик етказишда узилишлар бўлса, одамлар, айниқса, ёш болали оилалар тепада – раҳбарлик лавозимида ўтирганларга нисбатан қандай фикр билдириши мумкин?

Бу ҳаётдан ҳаммамиз ҳам ўтиб кетамиз, ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас. Шунинг учун ҳам мен доимо ўзимга, сендан эртага нима қолади, деб савол бераман. Ҳар бир одам бу саволни ўзига қайта-қайта берса, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак, деган қоида билан яшаса, ўйлайманки, Яратган ҳам, инсонлар ҳам ундан рози бўлади.

Мұхтарам дүстлар!

Қишлоқ ақоли пунктларини замонавий лойиҳалар бүйіча комплекс қуришга қаратылған дастурға мұвоғиқ, 2009–2012 йилларда вилоятда на-мунавий лойиҳалар асосида 2 минг 355 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу мақсад учун жами 228 миллиард сүмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бироқ таассуфки, биз учун устувор ақамиятта эга бўлган бу масалага панжа орасидан қарааш туфайли айрим туманларда уй-жойларни муддатидан кечикириб ва сифатсиз топшириш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Жумладан, 2011–2012 йилларда бу борада йўл қўйилган жиддий камчилик ва қонунбузилишлари учун Чиноз тумани ҳокими А. Тешабоев, Оҳангарон тумани ҳокими Б. Солибоев ўз вазифасидан озод этилгани, Қуий Чирчиқ тумани ҳокимининг биринчи ўринbosари А. Отажонов ва Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимининг биринчи ўринbosари Ш. Шомансуров жиноий жавобгарликка тортилгани, Бўстонлик, Юқори Чирчиқ, Қибрай, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ туманларининг ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринbosарларига ҳайфсан эълон қилингани ҳам буни тасдиқлайди. Лекин гап фақат кимгадир жазо беришда эмас, балки вазиятни холисона ва танқидий баҳолаб, зарур хulosса ва сабоқ чиқариб олишда.

Жорий йилда вилоятдаги 39 та массивда 1 минг 50 та уй-жой қуриш учун 147 миллиард

сўм, яъни ўтган йилдагига нисбатан 16,5 фоиз кўп маблағ жалб этиш назарда тутилмоқда. Бу эса шу йўналишда қўшимча ишчи кучи, моддий ва техник ресурсларни сафарбар қилишни, ишни оқилона ва самарали ташкил этишни тақозо этади.

Ҳокимлар бу масалани бир-икки йиллик иш деб билмаслиги, аксинча, узоқ муддатли муҳим ижтимоий дастур деб қабул қилиши лозим. Нега деганда, бу борадаги ишлар қишлоқда яшаётган одамларнинг шароити шаҳардагидан кам бўлмаслиги керак, деган эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Бугунги кунда аҳолининг даромади ортиб боряпти. Лекин баъзи одамлар уй қуриш ўрнига машина олишга шошиляпти. Менга қолса, машина ҳам, уй ҳам керак, лекин, барака топкурлар, аввал уй қуринглар, кейин машина олинглар. Яхши, замонавий уй қурган одамларнинг болалари эртага ота-онасига раҳмат айтади. Энг муҳими, бундай шинам уйларда туғилиб вояга етган болаларнинг соғлиғи, фикри, дунёқараши ҳам бошқача бўлади.

Мен яхши эслайман, 1986 йили Қашқадарёда ишлаган пайтимда Шахрисабзда янги уйлар қуриш тажрибасини бошлаган эдик. Ўшанда уйларнинг ташки деворини пишиқ ғиштдан, ички деворини эса хом ғиштдан қуришга мажбур бўлганимиз. Чунки пишиқ ғишт ҳам, ғишт заводлари ҳам бугунги-дек кўп эмас эди. Бугун эса, мана, кўряпмиз, ҳар

томонлама қулай шарт-шароитларга эга бўлган уй-жойларни куриш учун барча шароитлар етарли.

Шу ўринда долзарб бир масалага эътиборингизни қаратишни истардим. Маҳаллий пудрат ишлари бозорини ривожлантириш борасида берилган имтиёзларга қарамасдан, **вилоятда бу борадаги ишларни такомиллаштириш, зарур қурилиш асбоб-анжомлари билан таъминланган, мала-кали қурувчиларга эга бўлган замонавий пудрат ташкилотларини шакллантириш, уларга керакли моддий база яратиш учун тегишли ёрдам бериш масалалари вилоят ҳокимияти эътиборидан мутлақо четда қолганини таъкидла-шимиз лозим.**

Давлат бюджетидан катта ҳажмдаги молиявий ресурслар ажратилаётганига қарамасдан, вилоят раҳбарияти ва мутасадди шахсларнинг бу масалага совуққонлик билан қараши натижасида муҳим иншоотларни ўз вақтида ва сифатли ишга тушириш режалари барбод қилинмоқда. Мисол учун, 2009 – 2012 йиллар мобайнида марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан ижтимоий обьектларни куриш ва реконструкция қилиш учун 163 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлиб, уларни ўзлаштириш 156 миллиард 500 миллион сўмни ёки умумий кўрсаткичга нисбатан 95,8 фоизни ташкил этган.

Тошкент вилоятининг бугунги ривожланиш суръатлари, бу борада йўл қўйилаётган камчи-

лик ва муаммолар, уларни ҳал этиш ҳолати шуни тасдиқлайдики, бу ўта муҳим йўналиш бўйича ишлар қониқарли даражада эмас. Бундай вазиятни кескин ўзгартириш, керакли хulosалар чиқариш зарурати кўриниб турибди. Мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш учун мамлакатимиз ҳукумати, вазирлик ва идораларнинг бевосита кўмагида керакли чора ва тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Хурматли депутатлар!

Энди бугунги сессия кун тартибидаги ташкилий масалани кўриб чиқишга ўтсак.

Ҳаммамизга маълум, бундан тўрт йил олдин, яъни 2008 йилнинг декабрь ойида биз сизлар билан бирга Рустам Холматовга катта ишонч билдириб, уни Тошкент вилоятининг ҳокими лавозимига тасдиқлаган эдик.

Албатта, улкан салоҳиятга эга бўлган, мамлакатимизда етакчи ўрин тутадиган Тошкент вилоятини бошқариш, раҳбарлик қилиш, унинг кўп тармоқли иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш – бундай вазифаларни улдалаш оғир ва ўта масъулиятли ишдир.

Эътироф этиш керакки, Р. Холматовнинг иш фаолияти давомида дастлаб вилоят тараққиёти йўлида, кўпгина муаммоларни ечишда амалий ҳаракат ва ижобий ишлар кузатилди. Лекин охирги йилларда унинг ишга муносабати ўзгарди, ўзига нисбатан талабчанликни бўшаштириб, хо-

тиржамлик, ўзибўларчилик кайфиятига берилиб, вилоят раҳбари ва етакчиси сифатида масъулиятни йўқотишга йўл қўйди. У ўзига нисбатан билдирилган кўпгина огоҳлантириш ва танқидий гаплардан хulosса чиқармади, аҳволни ижобий томонга ўзгартириш ҳақидаги ваъдалари куруқ гап бўлиб қолаверди. Ўз қўлида ишлайдиган кўпгина муовин ва мутахассисларнинг, фаолларнинг бошини қовуштириш, уларга бир кўз билан қараш, уларни бирлаштириш ўрнига, кўл остидагиларга юқоридан қараш, менсимаслик, кўпол муносабатда бўлишни ўзига маъқул топди.

Албатта, одамлар ҳар хил бўлади, уларнинг юриш-туриши, феъл-автори ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Лекин раҳбар бўлиб масъулиятни ўз зиммасига олган одам, ёқадими-йўқми, ҳар қайси ходимга, аввало, ишнинг манфаатини кўзлаб, тўғри баҳо бериши керак.

Вилоят ҳокимининг ана шундай мезонлар асосида ўзидан олдин ишлаган раҳбарларнинг хатоларидан хulosса чиқариб олмагани умумий ишга зиён етказгани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Биз одатда бирон-бир раҳбарнинг оддий одамлар орасидан чиққанига эътибор берамиз, лекин афсуски, нафс балоси уни бузади, натижада боши айланиб, оёғи ердан узилади. Асосан, хушомадгўй одамлар, раҳбарлар соясида юриб бирор нарса ортиришни ўйлайдиган кимсалар бунга сабаб

бўлади. Менга қолса, раҳбарга эмас, уни бузадиган ана шундай одамларга жазо берган бўлардим.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиздаги марказий бир ҳудудни бошқариш, одамлар билан тил топишиб, уларнинг ишончини қозониб, обрў орттириш, улкан мақсадлар сари сафарбар этиш учун Р. Холматовга кенг миқёсда фикрлаш, узоқни кўриш, улкан салоҳиятли вилоятни бошқариш хусусиятлари – қурби етишмади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолат охир-оқибатда унга билдирилган ишончни йўқотишга олиб келди.

Йўл қўйилган хато ва камчиликларга тан бериб, икror бўлиб, Р. Холматов эгаллаб турган вазифасидан озод қилишни сўраб, ариза билан мурожаат килди.

Мажлис раисидан ушбу масалани овозга қўйишни сўрайман.

Муҳтарам дўстлар!

Тошкент вилоятидек катта вилоятга янги раҳбарни танлаш ва тайинлаш – ўта мураккаб ва масъулиятли иш. Ўйлайманки, сиз, ҳурматли мажлис иштирокчилари, барчангиз буни яхши англаб, тушуниб турибсиз.

Албатта, ҳар бир номзодни тавсия қилаётганда, биз фаоллар, депутатлар билан кўп маслаҳатлашамиз, унинг таржимаи ҳоли, дунёқараши, аввалги иш фаолияти, инсоний хусусиятлари, феъл-автори, ҳар хил қингир-қийшиқ ишлардан узоқ бўлганини биринчи навбатда эътиборга ола-

миз. Бундай номзодларга қўйиладиган энг асосий талаблар қаторида, аввало, ўзини раҳбар, етакчи деб ҳисоблайдиган шахс бугунги шиддат билан ўзгараётган, тараққий топаётган замон талабларига жавоб бериши, эртанги кунимизнинг энг долзарб, энг устувор йўналишларини ўзига яққол тасаввур қилган ҳолда, унга ишонч билдирган эл-юрт олдида унинг зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда ўз масъулиятини чуқур сезиши, ҳис қилиши шарт.

Энг муҳими, раҳбар халқ ғами ва ташвиши, умиди ва интилишлари билан яшаши, одамларни бир-биридан ажратмасдан – биттасига иссиқроқ, бошқасига эса совукроқ қарамасдан, ошна-оғайнигарчиликка берилмасдан, оёғи ердан узилмасдан, адолат, талабчанлик ва қатъият билан иш олиб бориши, бундай қараш, бундай муносабат унинг бурчига, ҳаётий мақсадига айланиши даркор.

Катта салоҳиятга эга бўлган Тошкент вилоятини бошқариш учун юқори савия, билим ва тажрибага эга бўлган етакчи керак. Ҳаёт синовларида тобланган, улкан режа ва дастурларни амалга оширишга, юртни обод, элнинг турмушини янада фаровон қилишга қурби-кучи етадиган раҳбар керак.

Вилоят депутатлари ва фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан маслаҳатлашганда, айни шундай юксак талабларга жавоб берадиган вилоят раҳбари кераклиги ҳақида сўз юритилди. Шундай фикр-мулоҳазалар натижасида бугунги кунда Ан-

дижон вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Аҳмад Усмонов номзодини Тошкент вилояти ҳокими вазифасига тавсия этишга қарор қилдик.

Аҳмад Усмоновнинг таржимаи ҳоли ҳақида гапирадиган бўлсак, у 1957 йилда Самарқанд вилояти Кўшработ туманида туғилиб, Самарқанд давлат университетини 1981 йилда ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича битирган.

Кўп йиллар Жиззах, Сирдарё, Наманган вилоятларида масъулиятли вазифаларда ишлаган. Ички ишлар вазириининг ўринbosари лавозимида хизмат қилган. Охирги етти йил мобайнида Андижон вилояти ҳокими бўлиб ишлаб келмоқда.

Ҳаммамизга маълум бўлиши керак: охирги йиллар давомида вилоятнинг қайси соҳасини олмайлик – бу қишлоқ хўжалиги бўладими, саноат бўладими, ижтимоий соҳалар бўладими, Андижон вилоятининг А. Усмонов раҳбарлигига ўсиш, тараққий топиш суръатлари, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб ва очилиб бораётгани кўпчиликнинг ҳавасини тортиб келмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

А. Усмоновни Тошкент вилояти ҳокими вазифасига тавсия этар эканмиз, аввало, унинг одамлар кўнглига йўл топиб ишлаш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, аҳолини рози қилиш ва ишончини қозониш, Тошкент вилояти халқига сидқидилдан хизмат қилишда ўзининг бой ҳаётий ва раҳбарлик тажрибасини ишга солади ва вило-

ят олдида турган вазифаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатади, деб ишонамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Такрор-такрор айтишни истардим, Тошкент вилояти – ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий обрў-эътибори билан том маънода юртимизда бошқаларга ўрнак бўлиб келган вилоятдир.

Шунинг учун бугун сиз, азизларга, вилоятнинг барча фаоллари ва фидойиларига, кўп миллатли воҳа аҳлига қарата айтмоқчиман: Тошкент вилояти ҳеч қачон орқада юришни ўзига маъқул топмаган ва мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг нуфузини ошириш йўлида ўзининг нималарга қодир эканини кўрсатиш, намоён этиш учун куч-қудрати етарли, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Тошкент вилоятининг кўпни кўрган, меҳнатсевар ва бағрикенг халқи бугун мажлисимиизда тасдиқлаб олган янги раҳбар атрофига жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, мамлакатимизнинг етакчи вилоятига хос бўлган ўрнини, обрўсини кўлдан бермайди.

Барчангизга шу йўлда сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, янги-янги ютуқлар тилайман.

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти
Кенгашининг навбатдан ташқари
сессиясидаги нутқ.
2013 йил 1 апрель*

ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

**Хурматли конференция иштирокчилари, хо-
нимлар ва жаноблар!**

Сиз, азиз меҳмонларимиз, Бирлашган Мил-
латлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси,
Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом
тараққиёт банки, АСЕАН, ЮНЕСКО каби нуфузли
халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда
бошқа тузилмалар вакилларини, уй-жой қурилиши
соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва
етакчи мутахассисларни – бугунги конференция-
нинг барча қатнашчиларини қутлаш, ушбу форум-
да иштирок этаётганингиз учун ўзимнинг чукур
хурматим ва самимий миннатдорлигимни изҳор
этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Уй-жой қурилиши соҳаси ўткир ижтимоий
муаммоларни ҳал этиш учун улкан аҳамиятга эга
экани, қурилиш билан боғлиқ кўплаб тармоқлар
ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб
ривожланиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларини
таъминлайдиган энг муҳим омил эканини ҳисобга
оладиган бўлсак, бугунги конференция учун тан-
ланган қишлоқда уй-жой қурилишининг роли

ҳақидаги мавзунинг долзарблиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Эксперт марказларининг маълумотларига кўра, иқтисодий ривожланган давлатларда инвестициялар таркибида умумий сармоялар ҳажмининг 20 фоизидан 40 фоизигача бўлган улуши айнан уйжой қурилиши соҳасига тўғри келаётгани, албатта, бежиз эмас.

Бугунги кунда уй-жой қурилиши ва иқтисодиётнинг мазкур соҳа билан боғлиқ тармоқларини ривожлантириш молия тизимини шакллантириш ва барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим бўгинларидан бири ҳамда банклар активлари ва ишончли ресурс базасининг мустаҳкам манбай бўлиб қолмоқда.

Бу ҳолат жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кредит маблағлари билан етарлича таъминланяётганига қарамасдан, бу маблағлар яқуний искеъмолчи, яъни иқтисодиётнинг реал секторига етиб бормаётгани глобал молиявий-иктисодий инқироздан чиқишида жиддий тўсиқлардан бири экани сир эмас. Ҳолбуки, асосий захира валюталарини чиқарадиган эмитент мамлакатларда фоиз ставкалари даражаси ниҳоятда паст. Айрим ҳолларда бу ставкалар ноль қийматигача тушиб кетаётганига эса ишониш қийин.

Мухтасар айтганда, кредит ресурслари ҳажмининг етарлилиги кўплаб ҳолатлар, биринчи навбатда, 2008 йилда глобал молиявий-иктисодий инқирозни юзага келтирган жиддий сабабларнинг бартараф этилмагани туфайли, афсуски, иктисодиётни жонлантирадиган туртки ва омилга айлана олмаяпти.

Бундай шароитда уй-жой қурилиши ва у билан биргалиқда ривожланадиган инфратузилма – коммунал ва ижтимоий сектор, транспорт ва коммуникация тармоқлари, замонавий қурилиш материаллари ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқариш капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, энг мураккаб ва жиддий ижтимоий масалалардан бири – ахоли бандлиги муаммосини ҳал этишнинг ғоят мақбул ва **самарали соҳаси сифатида хизмат қила оладиган ҳамда хизмат қилиши лозим бўлган йўналишга айланмоқда**.

Аксарият давлатларнинг тарихий тажрибаси шундан далолат берадики, уй-жой қурилиши ва инфратузилма соҳасини тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иктисолиётни қайта тиклашнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қиласи. Масалан, Буюк депрессия деб аталган 1930 йиллардаги инқироз даврида АҚШда Президент Рузвелт якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредит билан таъминлаш тизимини жорий қилди ва бу ислоҳот иктисолиётни ўсишни тиклашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ўз вақтида Германия, Буюк Британия, Скандинавия давлатлари ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни рағбатлантириш ҳамда қайта тиклаш мақсадида ана шундай дастурлар қабул қилинган.

Хурматли конференция қатнашчилари!

Ўзбекистонда амалга оширилаётган модель – қишлоқда уй-жой қуришни комплекс амалга ошириш дастурининг мазмун-моҳиятини баён этишдан олдин мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш ва модернизация қилишнинг ана шу энг муҳим соҳасида яқин-яқингача қандай муаммолар тўпланиб қолгани, ҳақиқий аҳвол қандай бўлгани ҳакида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу соҳанинг бош хусусияти шунда эдики, у деярли бошқарилмас, бошқача айтганда, ўзбoshimchaliq авж олган эди.

Бу аслида нимани англатар эди?

Қишлоқда уй-жойлар аҳоли пунктларини барпо этишда қўлланиши зарур бўлган бош режаларсиз курилар, ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари, ўзбек оиласининг миллий анъаналарини ҳисобга олиб, пухта ишлаб чиқилган намунавий уй-жой лойиҳалари йўқ эди.

Ўзи ҳам буюртмачи, ҳам қурувчи бўлган қишлоқ аҳолисининг имкониятлари чеклангани, шунингдек, курилиш материалларининг доимий танқислиги ҳамда қишлоқда ривожлан-

ган қурилиш саноати бўлмагани учун бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Бошқача айтганда, уй-жойлар қўлбола қурилиш материаллари – хом ғиштдан қурилар, хонала-рига ёғочдан пол қилинмас, том ёпиш материали сифатида, асосан, асбест шиферлардан фойдала-нилар эди.

Бош режасиз қурилган уй-жойларни комму-нал қулайликлар билан таъминлаш, ичимлик суви тармоғига, электр энергияси ва газ тармоғига улаш борасида жиддий муаммолар пайдо бўлар эди.

Янги қурилган уй эгаларининг тиббиёт муассса-салари, мактаблар, болалар боғчалари, савдо шо-хобчалари, бозорлар, ҳовлисига олиб борадиган йўл, яъни оиланинг қулай шароитда яшаши учун зарур бўлган инфратузилма билан таъминланишда қандай муаммоларга дуч келгани ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ҳозирги вактда Ўзбекистон аҳолисининг қа-рийб 50 фоизи, яъни 15 миллионга яқин одам қишлоқ жойларда истиқомат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда ушбу соҳада ҳал қилишимиз лозим бўлган мураккаб вазифаларнинг қўлами ва миқёсини тасаввур этиш қийин эмас.

Бу борада шуни инобатга олиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқ жойларда ҳар йили 150 мингдан ортиқ янги оила вужудга келмоқда, мустақил тараққиётимиз йилларида эса қиш-

лоқларимизда 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлди ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезмоқда. Шу муносабат билан ҳозирги кунда қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуриш бўйича узоқ йиллар мобайнида шаклланган ёндашувлар, усул ва амалиётни қайта кўриб чиқиш вақти келгани, буни ҳаётнинг ўзи илгари сураётгани янада яққол аён бўлмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурининг муҳим хусусиятлари, долзарблиги, унга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг принципиал хусусиятлари нималардан иборат?

Бу борада биринчи навбатда ҳал этиш лозим бўлган принципиал масалалардан бири – уй-жой қурилишининг қонунчилик, хуқуқий ва норматив базасини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда ислоҳ этишдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги принципга асосланган ҳолда қабул қилинган Уй-жой ва Шаҳарсозлик кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонун ва меъёрий хужжатларда мулкдорнинг уй-жой ҳамда у барпо этилган ер участкасига муддатсиз эгалик қилиш

ва уни мерос қилиб олиш хуқуки мустаҳкамлаб қўйилган.

Қишлоқ аҳолисига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бир оиласга 6 сотих ҳисобида умрбод мерос қилиб олиш хуқуки билан бепул ажратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу эса бизнинг ер ресурсларимиз чекланган шароитда ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Тасдиқланган меъёрий хужжатларга мувофиқ, қишлоқ жойларда уй-жой массивларини қуриш ишлари якка тартибда уй-жой қурувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган намунавий лойиҳалар асосида, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан автомобиль йўллари, ички коммуникация тармоқларини қуриш, сув, газ ва энергия таъминотини йўлга қўйиш албатта амалга оширилиши лозим бўлган муҳим шартлардандир.

Янги уй-жой массивларида яшайдиган аҳоли сони инобатга олиниб, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шоҳобчалари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда.

Қишлоқларда уй-жой комплексларини қуришда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан бир қаторда, янги турдаги сервис ва электрон хизматлар кўрсатиш объектларини барпо этиш

ҳамда ишга тушириш ҳам алоҳида эътиборга лойиқ масалалардандир.

Бу билан мен нима демоқчиман?

Бу ўринда янги, замонавий уй-жойлар барпо этиш билан бирга, қишлоқдаги уйлар, қишлоқдаги оиласларга энг замонавий компьютерлар, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий телекоммуникация тизими, интернет кириб бораётгани ҳақида сўз бормоқда.

Энг асосийси, қишлоқ аҳолиси учун деярли янги бўлган бундай турдаги хизматлар одамлар эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, қишлоқ касб-хунар колледжларида таълим олган ва касб эгаллаган минглаб, ўн минглаб йигит-қизларни иш билан банд этиш имконини бермоқда.

Фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун бу қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини ўзингизга бир тасаввур қилинг. Буни сўз билан ифода этиб бўлмайди.

Шу ўринда якка тартибда уй-жой қурилишига кредит ажратиш механизмига эътибор қаратишни истардим. Қишлоқда яшайдиган одам уйнинг намунавий лойиҳасини танлаганидан сўнг дастлабки бадал сифатида уй қийматининг 25 фоизи миқдоридаги ўз маблағини тўлайди. Унга қулай шартлар асосида узоқ муддатга – 15 йилга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича – биринчи йил белгиланган фоизни тўламаслик шарти билан – 7 фоиз

микдоридаги ипотека кредити берилади. Бу Марказий банкнинг йиллик 12 фоиз микдорида белгиланган қайта молиялаш ставкасидан анча пастдир.

Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуриш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш учун яхлит институционал тузилма ташкил этилди.

Намунавий уй-жойларни лойиҳалаштириш, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфра тузилмасига эга бўлган уй-жой массивларини комплекс қуриш режасини ишлаб чиқиши «**Қишлоқ қурилиш лойиҳа**» ихтисослаштирилган лойиҳатадқиқот институти зиммасига юкланди. Шу билан бирга, мазкур институт қурилиш ишлари бажарилиши устидан муаллифлик назоратини ҳам амалга оширмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини кредит асосида молиялашни шу мақсадда ташкил этилган «**Қишлоқ қурилиш банк**» акциядорлик-тижорат банки амалга оширмоқда. Унинг низом жамғармаси бугунги кунда қарийб 130 миллион доллар микдоридаги маблағга тенгдир.

Мазкур банк ташкил этилганидан буён ўтган тўрт йил мобайнида қишлоқда 23,6 минг нафар якка тартибда уй-жой қурувчига қиймати 677 миллион доллардан зиёд ипотека кредитлари берилди.

Банк нафақат аҳоли, балки қишлоқда уй-жой ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этаётган қурилиш ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ қурилишида фойдаланиладиган замонавий материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам кредит билан таъминламоқда.

Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуриш дастурини амалга оширишда мамлакатимизнинг бошқа банклари – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Ипотека банк» акциядорлик-тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш борасидаги ҳамма ишлар **«Қишлоқ қурилиш инвест»** ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси зиммасига юкландган. Ягона буюртмачи бўлган ушбу компания мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга бўлиб, у қишлоқ жойларда уй-жой массивларини сифатли қуриш бўйича ягона сиёsatни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этилган 900 дан ортиқ янги ихтисослаштирилган пурратчи қурилиш ташкилотларида бугунги кунда 20 минг нафарга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда, замонавий қурилиш материаллари, конструкциялар, ёғоч пол, дераза панжаларари, том ёпиш ва бошқа материаллар ишлаб

чиқарадиган 60 дан зиёд корхона ташкил қилинди. **Кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди.**

«**Қишлоқ қурилиш банк**» кредитлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қураётган қишлоқ аҳолиси ипотека кредитларини қайтариш ва уларнинг устами фоизларини қоплашга йўналтириладиган даромад солиқларини тўлашдан озод этилган. Бундан ташқари, улар сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини тўлиқ тўлагунга қадар солик тўлашдан озод этилди.

Қишлоқ жойларда уй-жой қуришда иштирок этаётган «**Қишлоқ қурилиш инвест**» инжинииринг компанияси, пудратчи ташкилотлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар барча турдаги солиқлар ҳамда мақсадли давлат фондларига мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинаётган қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилган. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун қурилаётган уй-жойлар қийматини сезиларли равишда камайтириш имконини бермоқда. Бундай уй-жойларнинг бир квадрат метри шаҳардаги уй-жой қийматидан бугунги кунда ўртача 2 баробар пастдир.

Эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. 2009–2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича маҳсус

дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу мақсадларга 1,2 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди. Узунлиги 732 километр асфальтланган автомобиль йўллари, мингдан зиёд ижтимоий ва бозор инфраструктузилмаси объектлари барпо этилди.

Хозирги вақтда мамлакатимизда қишлоқ аҳолисини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 75,8 фоизни, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса 76,2 фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йилда ҳам қишлоқ жойларда уй-жойларни кенг кўламда қуриш ишлари кўзда тутилган. 353 та қишлоқ массиви ҳудудида бошланган қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Уларда намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,4 миллион квадрат метр бўлган 10 мингта барча қулай шарт-шароитларга эга уй-жой қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 17,5 фоиз кўпdir. Айни пайтда узунлиги 300 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқлари ва 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ишга туширилади, қарийб 240 километрлик автомобиль йўллари қурилади, кенг кўламли ижтимоий ва бозор ин-

фратузилмаси яратилади. Бу мақсадлар учун 2013 йилда салкам бир миллиард доллар миқдоридаги инвестиция йўналтирилади.

Кишлоқда қурилиш ҳажми ортиб бораётгани муносабати билан замонавий қурилиш саноати ривожланмоқда, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳоли бандлиги таъминланиб, унинг даромади ва фаровонлиги тобора ошмоқда.

Биз учун айниқса янгича асосда мулкдорлар синфи шаклланаётгани, қишлоқларимиз қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётгани, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгараётгани бекиёс аҳамиятга эгадир.

Янги ва замонавий шароитларда вояга етаётган, эски тузумнинг барча асоратларидан холи бўлган, ўз келажагига қатъий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, баркамол ўғил-қизлар ҳақли равишда бизнинг ғуруримиздир.

Бундай авлод билан, ҳақиқатан ҳам, фахрланиш ва энг дадил истиқбол режаларини тузиш мумкин.

Кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича маҳсус дастурни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жаҳон банки каби кўплаб нуфузли халқаро молия институтлари ва ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим. 2011 йилда Осиё

тараққиёт банки Директорлар кенгаши томонидан жами 500 миллион АҚШ доллары микдоридаги «Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни ривожлантириш» лойиҳасини кўп траншли молиялаш дастури маъқулланди. 2012 йилда дастлабки транш доирасида 160 миллион доллар ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу маблағнинг 200 миллион долларлик иккинчи транши тақдим этилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро тузилмалар раҳбариятига бизга мазкур стратегик муҳим вазифани амалга оширишда кўрсатаётган қимматли ёрдами учун чукур миннатдорлигимизни изҳор этмоқчиман.

Хурматли конференция қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурини мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан демократик ўзгариш ва янгиланишлар жараёнларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг биз танлаб олган ижтимоий йўналтирилган демократик давлат барпо этиш йўлидан жадал илгарилаб бораётгани, пухта ўйланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, туб

ўзгаришларни тадрижий, босқичма-босқич жорий этиш стратегияси танлангани ва изчил амалга оширилаётгани шундай мустаҳкам ва ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқдаки, унинг негизида миллий иқтисодиётимиз барқарор ҳамда жадал ривожланмоқда, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражаси муттасил ошиб бормоқда, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори юксалмоқда, деб тўла ишонч билан айтишимиз мумкин.

Бу борада аниқ рақамларни келтирмоқчиман.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти дунёдаги санокли давлатлар қатори юксак барқарор ўсиш суръатларига эришмоқда. Сўнгги 6 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Давлат бюджетининг барқарор профицит билан бажарилиши, олтин-валюта захирасининг етарлилиги таъминланмоқда. Ташки қарз ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12 фоиздан ошмасдан, пастлигича қолмоқда.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилгани унинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоқда. Давлат сарф-харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялашга, жумладан, 34 фоизи таълим, 15 фоиздан ортиғи соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилмоқда.

Банк тизими ҳам ишончли ва барқарор фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда банк капиталининг етарлилик даражаси 24 фоизни ташкил қилмоқда ва бу кўрсаткич дунёда умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробар кўпдир. 2012 йил якуни бўйича банк тизимининг ликвидлиги талаб этилган энг кам даражадан 2 баробар юқори бўлди.

Ҳар йили янги, замонавий ишлаб чиқариш кувватларини ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича юзлаб йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 2000 йилдагига нисбатан инвестицияларнинг йиллик ўсиши 4 баробар ошди ва сўнгги йилларда ўртача камида 12 миллиард долларни ташкил этмоқда. Инвестиция маблағларининг қарийб 78 фоизи – шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрадим – ички манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда, жумладан, инвестициялар умумий ҳажмининг 21 фоизини аҳоли омонатлари ташкил этмоқда.

2012 йилда жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғи ёки 2,5 миллиард доллардан кўпроғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Уларнинг 80 фоизга яқини тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Бу, ўз навбатида, хорижлик инвесторларнинг Ўзбекистонга, мамлакатимизда бизнес учун

яратилган шарт-шароитларга ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми ўтган 2012 йилда 35 фоизга, 2000 йилдагига нисбатан эса 60 баробар ошди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди ва айни пайтда унинг капитали 15 миллиард долларга етди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ўзи танлаган замонавий демократик ва иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторига кириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан қатъий ишонч билан бораётганининг яна бир тасдифидир.

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуман кун тартибига киритилган ма-салаларни тўлиқ мухокама этиш, ушбу серқирра муаммонинг барча жиҳатини қамраб олиш имкони йўқлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Қишлоқда уй-жой курилишини янада ривожлантириш бўйича ўз стратегиямизни шакллантиришда конференция қатнашчилари томонидан бошқа мамлакатларда бу борада тўпланган қимматли тажрибани эътиборга олган ҳолда билдириладиган тилак ва таклифларни эшлиши биз учун жуда фойдали ва муҳимdir.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон барча халқаро ташкилотлар ва молия

институтлари, чет эл банклари ва компаниялари, олимлар ҳамда экспертлар билан ўз олдига қўйган мақсадни рўёбга чиқариш – қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириш, уларни ривожланган давлатлардаги стандартларга яқинлаштиришда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдордир.

Муҳтарам меҳмонлар ва халқаро конференция иштирокчилари, сизларнинг тимсолингизда, биз, аввало, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация қилиш йўлида эришилаётган ютуқлардан чин дилдан манфаатдор бўлган инсонларни кўриб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларга ўзимнинг чукур хурматим ва самимий миннатдорлигимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Конференциянинг барча қатнашчиларига анжуман иши самарали бўлишини, азиз меҳмонларимизнинг саховатли ўзбек заминига ташрифи мазмунли ўтишини ҳамда барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффакиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

«Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиши маросими даги нутқ.

2013 йил 17 апрель

СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Қадрли дўстлар!
Хурматли конференция иштирокчилари!
Авваламбор, сиз, азизларни – «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишилаб ўтказилаётган халқаро анжуман қатнашчиларини, Жамғарманинг барча ходимлари ва фаолларини бугунги қутлуг сана билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мустақил Ўзбекистон тарихида ҳукуматга қарашли бўлмаган биринчи жамғарма сифатида ташкил топган, ноёб ва бетакрор хусусиятлари билан ажралиб турадиган ушбу ижтимоий тузилма ўтган давр мобайнида, ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди.

Айниқса, юртимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилишдек эзгу мақсадга қаратилган, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган «Соғлом она – соғлом бола» дастурини ҳаётга жорий этишда Жамғарманинг бекиёс ўрни ва моҳиятини ўлчаш ва баҳолаш қийин.

Азал-азалдан ўзининг болажонлиги, оиласа мөхри ва садоқати билан танилган эл-юртимизнинг,

халқимизнинг қалбида доим сақланиб келаётган бундай олийжаноб интилишлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида миллиат генофондини яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар марказларида замонавий перинатал ва скрининг марказлари бунёд этилгани, биргина 2012 йилда тиббиёт муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 263 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бу йўналишдаги ишларимизнинг кўлами ва миқёсидан далолат беради.

Юртимизда шаклланган репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича миллий модель Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилгани, ҳеч шубҳасиз, халқаро миқёсдаги юксак эътирофдир.

Бундай улкан ютуқларни қўлга киритишда кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Буни Жамғарма томонидан 1996 йилдан буён мамлакатимизнинг

чекка ва олис туманларида яшаётган 3 миллиондан зиёд юртдошларимизга малакали тиббий-ижтимоий патронаж ёрдами кўрсатилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мазкур Жамғарма билан деярли бир вақтда таъсис этилган, мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени бўлган «Соғлом авлод учун» ордени билан шу кунга қадар жами 850 дан ортиқ юртдошимиз, жумладан, чет эл фуқаролари тақдирлангани ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бораётгани чукур рамзий маънога эга.

Бу чиройли нишон кўксини безаб турган инсонларни кўрганда, менинг назаримда, мамлакатимизнинг бош майдони бўлмиш Мустақиллик майдонида ўрнатилган «Бахтиёр она» ҳайкали сиймосида айнан ана шу ордендаги она ва бола тасвири мужассам бўлгандек туюлади.

Мана шу кувончли айёмда «Соғлом авлод учун» ордени сохибларини ва бугун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимизни чин қалбдан табриклашни ўзим учун катта шараф, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган сизлар каби фидойи инсонларга, Жамғарманинг барча ходимлари ва фаолларига, аввало, унинг жойлардаги бўлимларида, маҳаллаларимизда сидқидилдан хизмат қилаётган

жонқуяр опа-сингилларимизга ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб ҳисоблайман.

Шулар қаторида мана шундай эзгу мақсад йўлида Жамғарма билан доимий ва самарали ҳамкорлик қилиб келаётган юртимиздаги ва чет эллардаги ҳомий ташкилотларга, халқаро институтларга самимий ташаккур изҳор этаман.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг 20 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, оиласаларингизга тинчлик-хотиржамлик, олийжаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

*«Соғлом авлод учун» жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишиланган халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўлланган табрик.
2013 йил 24 апрель*

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚ

Ассалому алайкум, хурматли депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизлар билан, Андижон аҳли вакиллари, депутатлар ва фаоллари билан кўришиб, барчангизни соғ ва бардам кўриб турганимдан ва шу фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали бутун вилоят халқига ўзимнинг чукур хурмат ва эҳтиромимни изҳор этишдан баҳтиёрман.

Мажлисимиzinинг кун тартибига ўтишдан олдин, аввало, сиз, Андижон элининг ҳол-аҳволини сўраб, тинч-омон юрганингиздан хабардор бўлиб, барчангизга куч-қувват ва янги омадлар тилаш менга, ҳақиқатан ҳам, катта хурсандчилик етказади.

Ҳаётимиз қандай шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга оладиган бўлсак, сиз хурматли юртдошларим билан қанча тез учрашиб туриш, ён-атрофимиздаги аҳвол, пайдо бўлаётган турли муаммолар ҳақида фикр алмашиш, уларнинг ечимини топиш зарурати ва эҳтиёжи кўпайиши табиийдир.

Бугунги учрашувимизга ҳам шу кўз билан қараб, Андижон аҳолисининг ўтган давр мобай-

нида қўлга киритган ютуқларини сархисоб қилиш билан бирга, сизларнинг эртанги кунни қандай кўраётганингиз, режа ва мақсадларингиз билан яқиндан танишиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракатларимизни бирлаштириб иш тутсак, айни муддао бўлур эди.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз қўлга киритаётган, жаҳон ҳамжамияти тан олаётган ютуқ ва марраларга эришиш йўлида бутун Ўзбекистонимиз қатори Андижон вилояти меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани, кўп соҳаларда етакчи ўринларни эгаллаб келаётганини эътироф этиш, вилоят маркази, барча шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, тобора обод бўлиб, халқнинг ҳаёт сифати ва даражаси юксалиб бораётгани, албатта, барчамизни қувонтиради ва мамнуният етказади.

Ҳақиқатан ҳам, Андижон вилоятида кейинги йиллар давомида амалга оширилган ишларга холисона баҳо берар эканмиз, бошқаларга намуна қилиб кўрсатишга арзийдиган ютуқ ва натижалар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Кейинги етти йил мобайнода вилоятнинг ялпи худудий маҳсулоти 2 баробар, саноат 2,9 баробар, қишлоқ хўжалиги 1,6 баробар, пуллик хизматлар 2,7 баробар, курилиш ишлари 3,4 баробар ошганини қайд этиш зарур.

Бу рақамларни гапириш, албатта, осон. Лекин уларнинг ортида қандай машаққатли меҳнат ёт-

ганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Ҳаётга холисона кўз билан қарайдиган одам бу рақамларни эшитиб, ҳайратга тушиши табиий.

Эътиборли томони шундаки, бундай ижобий ўзгаришларни бугунги кунда бутун Андижон вилоятида, қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам кўриш, кузатиш мумкин. Сизларнинг бундай ютуқлардан ғуурланиб, лекин уларга маҳлиё бўлмасдан, яна янги мэрраларни эгаллаймиз, доимо олдинга интиламиз, деган кайфият билан яшаётганингизни барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Шу борада бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: кимки бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни кўрмоқчи, улардан тўлиқ хабардор бўлмоқчи бўлса, биринчи галда Андижонга келсин, ўзини андижонлик деб атайдиган одамларнинг меҳнати, ҳаёти, бугунги ютуқлари билан яқиндан танишсин.

Маълумки, илгариги замонда «Биз кўрмаганни болаларимиз кўрсинг», деган ният ва қараш, керак бўлса, армон билан ота-боболаримиз дунёдан яшаб ўтди. Бугун эса замоннинг талаби бошқача. Яъни фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, баҳтли бўлиши шарт, деган шиор ҳаётимиздан чуқур жой олмоқда. Шу билан бирга, бугунги яшаётган одамлар, халқимиз ҳаётдан рози бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, эркин ва фаровон яшashi керак.

Бугун одамларимизнинг юриш-туриши, муомала ва кийиниш маданияти, айниқса, аёлларимизнинг ўзига, ҳаётга қараши, умуман, халқимизнинг турмуш даражаси кескин ўзгариб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, ижтимоий-иктисодий ҳаётимиздаги ўзгаришларнинг энг муҳим натижасидир.

Андижон вилоятининг ишлаб чиқариш соҳасида янги тармоқлар пайдо бўлиши билан бир қаторда, саноат соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, технологик янгилаш, мавжуд маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, халқаро бозорда рақобатдош, қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар барпо этиш масаласига жиддий эътибор қаратадаётганимиз ўзининг ҳосили ва натижаларини бермоқда.

Бу борада иктисодиётимизнинг локомотиви бўлган, ижтимоий ҳаётнинг маъно-мазмунини кескин ўзгартиришга хизмат қилаётган корхоналар, биринчи навбатда, Асака шаҳридаги автомобиль заводи фаолияти ҳақида ҳар қанча гапирсак арзиди, албатта.

Бу корхонанинг мамлакатимиз учун бутунлай янги бўлган замонавий автомобильсозлик тармоғининг шаклланишига пойдевор қўйгани, юк-

сак технологияларни, илғор илм-фан ютуқларини ўзлаштиришда қандай катта роль ўйнаётганини барчамиз яхши биламиз.

Хусусан, 2008 йилдан бошлаб, жаҳон автомобиль саноатида етакчи ҳисобланган «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда ушбу заводда машҳур «Шевроле» бренді билан автомобильлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани саноатимиз ривожида янги тарихий босқич бўлди, десак, муболага бўлмайди.

Айни шу асосда ишлаб чиқарилаётган автомобильларнинг тури, технологик хусусиятлари тубдан яхшиланиб, мутлақо янги платформалар негизида «Ласетти», «Спарк», «Кобальт» каби 8 хилдаги замонавий автомобиль ишлаб чиқарилаётгани бу фикрни исботлаб турибди.

Маълумки, бугунги кунда кооперация асосида автомобильларга бутловчи ва эҳтиёт қисмлар етказиб берадиган машинасозлик корхоналари тармоғи юртимизда кенгайиб бормоқда. Биргина Андижон вилоятининг ўзида бундай корхоналар сони сўнгги етти йилда 47 тадан 108 тага, улар томонидан тайёрланган маҳсулот ҳажми эса 1 триллион 100 миллиард сўмга етди. Бу эса мазкур тармоқда меҳнат килаётган ишчи-хизматчилар сонини 22 минг 400 кишига етказиш имконини берди.

Мазкур тармоқнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини инобатта олиб, соҳани

юксак малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Асака туманида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежини, Андижон муҳандислик-иктисодиёт институти негизида Андижон машинасозлик институтини, Тошкент шаҳрида эса Турин политехника университетини ташкил этганимиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонни замонавий автомобилсозлик марказига айлантириш йўлида салмоқли қадамлар бўлди.

1996 йили бу ноёб ва улкан корхонани қуришга киришганимизда юксак технологияларга асосланган бундай заводни ўзимизнинг одамлар бошқаришига ким ишонарди? Ўша пайтда четдан туриб, Ўзбекистон энди автомобилсиз қолади, ўзбеклар факат шофёр бўлиб ишлашга ярайди, деган турли-туман тухмат гаплар ҳам бўлган эди. Бугун Асакадаги заводнинг энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқараётганини қўриб, ўша одамларга, қалайсиз энди, десангиз, улар жим, ломмим деб овоз чиқаролмайди.

Ана шу заводни бугунги кунда ким бошқармоқда, ким уни бутун дунёга машҳур қилмоқда? Ўзимизнинг истеъдодли болаларимиз, Жанубий Кореяда, бошқа мамлакатларда ўқиб, билим ва малакасини оширган ўз ёшларимиз. Бу инсонларнинг барчасига ана шундай фидойи меҳнати учун шу юксак минбардан туриб, чин қалбимдан миннатдорлик билдиришни ўз бурчим деб биламан.

Вилоят иқтисодиётида алоҳида ўрин тутадиган енгил саноат тармоғида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда кўп гапирмасдан, фақат айрим рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Агар 2006 йилда вилоятда етиштирилган пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 31,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу рақам 40 фоизга етди. Шу ўтган даврда қиймати 66 миллион долларлик 19 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 45 минг тоннадан ортиқ ип-калава, қарийб 9 минг тонна трикотаж полотно, 9 миллион донадан зиёд тайёр тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш бўйича қўшимча кувватлар, энг муҳими, 3,5 мингта янги иш ўрни яратилди.

2006–2012 йилларда Андижонда пойафзал ишлаб чиқариш 8,6 баробар, чарм-галантерея буюмлари 11 баробар, мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13 баробар ўсгани ҳам вилоят иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасидир.

Вилоятда ўтган етти йилда 224,5 миллион долларга яқин чет эл инвестицияси, жумладан, 174 миллион 200 минг долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Ҳозирги вақтда бу ерда чет эл инвестицияси иштирокидаги 86 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 79 фоизи,

жами экспорт ҳажмининг эса салкам 89 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Вилоятда экспорт таркиби ҳам кескин ўзгариб, қайта ишланган ва тайёр маҳсулотлар улуши 87 фоиздан 95 фоизга ортгани, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, янги ютуқлар, қўлга киритилган маралар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар, ишга солинмаган кўпгина имкониятлар, барчамизни ҳали-бери ташвишга солаётган муаммолар борлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

Шу нуқтаи назардан қарагандা, вилоят саноатини ривожлантиришда бир қатор муаммолар, но-мутаносиблик ҳолатлари кўзга ташланаётганини очиқ айтиш керак. Масалан, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 92 фоизи Андижон, Хонобод шаҳарлари, Асака, Андижон, Шаҳриҳон туманларининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Қолган 11 та туманда эса бу кўрсаткич, афсуски, паст дарражада қолмоқда.

Енгил саноат тармоғидаги фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида гапирганда, вилоятдаги йиги-рув фабрикаларининг 63 фоиз кувват билан ишлаётгани, албатта, ҳеч кимни қониқтирмайди.

Андижон вилоятининг 2013–2015 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурида белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида бажариш масаласи алоҳида эътиборни талаб қиласди.

Катта ҳажмдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун, албатта, вилоятдаги мавжуд салоҳият билан бирга, ҳукуматимиз, тегишли вазирлик ва идораларнинг куч-имкониятларини сафарбар этишимиз даркор.

Жумладан, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси вилоят ва туман ҳокимликлари билан биргаликда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қиймати 25 миллион долларлик 174 та лойиҳани амалга ошириши лозим.

«Ўзфармсаноат» компанияси маҳаллий тадбиркорлар иштирокида яқин икки йилда умумий қиймати 10 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳани амалга ошириши зарур.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси эса вилоятда маишӣ техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган, умумий қиймати 10 миллион долларга яқин 5 та лойиҳани амалга оширишни таъминлаши керак.

Шунингдек, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари ҳамда тегишли тижорат банклари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни узлуксиз энергия манбалари ва молиявий ресурслар билан кафолатланган тарзда таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриши даркор.

Ҳар қайси корхона, ҳар қайси ҳудуд, қолаверса, вилоят ёки бутун мамлакатимиз миқёсида бўладими, ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлан-

тириш, замонавий технологияларни жорий этиш, шиддат билан ўсиб бораётган рақобатга бардош бериш ва даромад олиш учун сармоя ва яна бир бор сармоя, яъни инвестиция керак.

Доимо изланишда бўлиб, эртанги кунимизни ўйлаб, ишчиларимизга муносиб маош тўлаш, уларнинг ҳаётини фаровон қилиш учун қўшма корхоналар тузиш, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, бу борадаги сунъий тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш энг муҳим масала, десам, ўйлайманки, бу ҳақиқат бугун ҳеч кимга сир эмас.

Чунки айни шу омиллар ҳисобидан Андижон вилоятининг энг ўткир муаммоларини ечиш мумкин, одамларимизни рози қилишимиз мумкин.

Агарки Андижон воҳасида суғориладиган, ҳайдаладиган ер танқислиги, аҳолининг эса жуда зич яшashi энг мураккаб муаммолардан бири эканини инобатга оладиган бўлсак, айнан шундай йўл яккаю ягона тўғри, ўзини оқлаган йўл эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Лекин, минг афсуски, айрим туманлар, хусусан, Пахтаобод, Улуғнор туманлари ана шундай йўлни жорий этишда, яъни четдан сармоя олиб келишда ўзини кўрсата олмаяпти.

Хурматли дўстлар!

Андижон заминида шаклланган қадимий дехқончилик мактабининг шухрати нафақат юр-

тимизда, балки бошқа ўлкаларда ҳам яхши маълум. Тобора ривожланиб, бугунги кунда қишлоқда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати айнан Андижон заминида тобланиб, янги тажриба ва куч топаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўз ишининг чинакам фидойиси ва устаси бўлган андижонлик дехқон ва фермерлар ўтган йили биринчилар қатори шартнома мажбуриятларини бажариб, 293 минг тонна пахта, 508 минг тонна бошоқли дон етиштириб бергани ҳар қандай тасанноларга арзийди.

Вилоятда кейинги олти йилда сабзавот етиштириш ҳажми 1,9 баробар, картошка – 2,2 баробар, полиз маҳсулотлари – 3,5 баробар, мева – 1,8 баробар, узум – 2,2 баробар ортиб, уларни қайта ишлаш ҳажми ўсаётгани айнан фермерларимиз ва дехқонларимизнинг ишга ёндашуви ўзгариб, ўз ери, ўз мулкига эгалик ҳиссиёти кучайиб бораётганининг натижасидир.

Чорвачиликни оладиган бўлсак, сўнгги олти йилда қорамоллар сони 1,6 баробар, парранда – 2,2 баробар, гўшт ва сут етиштириш – 1,5 баробар, тухум етиштириш – 1,8 баробар кўпайганини кўриш мумкин.

Буларнинг барчаси нафақат вилоят, балки мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга,

бозорларимиздаги серобчилик ва арzonчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Бугун мен, мана шу юксак минбардан туриб, вилоятнинг миришкор дехқон ва фермерларига ана шундай фидокорона меҳнатлари учун чукур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Табиийки, бундай ютуқлар туфайли фермерларнинг даромадига даромад қўшилмоқда, энг асосийси, уларнинг ўрта синф – мулкдорлар синфи сифатида мавқеи ошиб, қишлоқда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Бу ютуқлар биринчи навбатда, юргдошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгариб бораётганидан далолат беради. Бу одамлар энди 1990 йилдаги кишилар эмас. Мен юртимизда ҳам, чет элларда ҳам бир фикрни кўп айтаман: биз эришган ютуқларни, эртанги кунимизнинг қандай ёруғ бўлишини билмоқчи бўлсангиз, аввало, лицей ва коллежларимизга бориб, ёшларимиз билан учрашинг, уларнинг ёниб турган кўзларига қаранг, шунда сиз кўп нарсани тушуниб етасиз, дейман ва бу сўзларда чиндан ҳам катта ҳақиқат бор.

Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз, ерни асраб-авайлаш, у билан тиллашиб яшаш керак. «Сен ерни боқсанг – ер сени боқади» деган чукур маъноли ибора, менинг назаримда, айнан ўзбек заминида пайдо бўлгандек туюлади.

Табиийки, қишлоқ хўжалигида юксак мараларни қўлга киритишда авваламбор юқори ҳосилдорликка эришишнинг гарови – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга ошираётган кенг қўламли ишларимиз пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, **2008–2012 йилларда** вилоятда 6000 километрга яқин очиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 225 километрлик ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари, Улуғнор мелиоратив насос станцияси, 180 та мелиорация иншоти, 365 та дренаж қудук ҳамда бошқа объектларда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилганини айтиш лозим.

Шу даврда вилоят бўйича салкам 55 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 120 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшилангани натижасида **ғалла ҳосилдорлиги ўртача 6–8 центнерга, пахта ҳосилдорлиги 4–5 центнерга ошгани** бу борадаги ишларимизнинг энг муҳим самараси, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги техникаси паркини янгилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда охирги етти йилда қарийб 53 миллиард сўмлик 2 минг 300 дан ортиқ замонавий техника воситалари сотиб олингани ҳам буни тасдиқлайди.

Шу билан бирга, бу йўналишда ҳали кўп иш қилишимиз зарурлиги, айниқса, боғ ва токзорлар орасига ишлов берадиган маҳсус техникаларни сотиб олишга эътибор қаратиш, мавжуд техника паркини ҳар йили камида 10 фоизга янгилаб бориши лозимлигини қайд этиш жоиз.

Маълумки, 2011 йилда Асака тумани тўлиқ мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилди. Бунинг натижасида, аввало, туманда етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмини 45–50 фоизга ошириш, бозорларда нарх-навонинг барқарор бўлишига, дехқончиликда даромад анча кўпайишига эришилди.

Янги имкониятларни инобатта олган ҳолда, Республика озиқ-овқат корхоналари уюшмаси томонидан келгуси уч йилда вилоятда мева-сабзавотни қайта ишлайдиган 27 та, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган 48 та, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 140 та корхона янгитдан ташкил қилиниши мўлжалланмоқда.

Қадрли юртдошлар!

Андижон халқининг изланувчанлиги, янгиликка интилиб яшаши, ташаббускорлиги – ана шундай фазилатлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда ўз ифодасини топмоқда.

Бугунги кунда Андижон вилоятида мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган корхоналар

сони 22 минг 200 тани ташкил этаётгани ва айни шу соҳада аҳолининг 80 фоиздан ортиғи банд бўлганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Агарки Андижон халқининг 80 фоизи тадбиркорлик ҳисобидан яшаётган бўлса, қани, айтинглар, бу соҳага одамларни жалб этиш учун яна қандай даъват бўлиши мумкин? Эришилган мана шундай маррани маҳкам ушлашимиз керак. Такрор айтаман, кичик бизнес ва тадбиркорлик йўлида мавжуд бўлган ҳар қандай сунъий тўсиқни олиб ташлаш лозим. Ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари, вазирлар ва ҳокимлар буни чукур тушуниб олиши шарт.

Ўзингиз ўйланг, тадбиркор ўз кучи, ўз сармояси ҳисобидан ўз ишини ташкил қиласди ва шу орқали даромад топади. Бизнинг ишимизга халақит бермасангиз, ўз оиласизни ҳам, эл-юртни ҳам боқишига ҳисса қўшамиз, деб меҳнат қиласди. Бундай одамларни фақат қўллаб-кувватлаш, фақат ёрдам бериш керак.

Тадбиркорлик азал-азалдан халқимизнинг қонида бор. Энг зўр хунармандлар, савдогарлар, усталар бизнинг юртимизда бўлган. Буюк бобомиз Амир Темур ўз даврида бу борада шундай тартиб ўрнатган эдики, унинг «Тузуклар» асарида ёзилишича, агар салтанатнинг у чеккасидан бу чеккасига ёш бола бир лаган тиллони бошига

қўйиб борадиган бўлса, унга ҳеч ким дахл қилмас экан.

Бу билан улуғ аждодимиз, ўзи ишламасдан, бошқаларнинг ҳисобидан кун кўрадиган ҳар хил қароқчи ва зўравонларнинг адабини бердим, бутун мамлакатдаadolat ўрнатдим, деб таъкидлаётганини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман.

Мен бир пайтлар эртанги кунимизни, келажакни ўйлаб, фермерлик ҳаракатига ўтганимизда, фермерларга қарата, ҳеч нарсадан қўрқмасдан, олдинга босаверинглар, ортингизда Президент турибди, деб айтган эдим. Бугун эса барча тадбиркорларга қарата айтмоқчиман: дадил қадам босаверинглар, ортингизда Президент турибди.

Вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг замонавий ишлаб чиқариш соҳаларига, хусусан, автомобилсозлик ва автомобилларга хизмат кўрсатиш тармоғига кенг жалб этилаётгани, умуман, замонавий сервис соҳасини ривожлантиришга катта эътибор бериллаётгани аҳолимизни иш билан таъминлашда, одамларнинг даромадини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Андижон вилоятида 2007–2012 йилларда, яъни охирги олти йилда хизматлар ҳажми 2,6 баробар ортиб, мазкур соҳада қарийб 160 мингта иш ўрни яратилгани бу йўналишда кўп иш қилинаётганидан далолат беради.

Айниқса, мобиЛЬ алоқа тармоғини кенгайтириш, 160 километрдан зиёд оптик толали алоқа линиясими барпо этиш, 44 та «Интернет-кафе» ташкил қилиш, автомат телефон станцияларини юз фоиз рақамли тизимга ўтказиш бўйича амалга оширилган инвестиция дастурлари мобиЛЬ алоқа абонентлари сонини 4,6 баробар, интернетдан фойдаланувчилар сонини 7,8 баробар ошириш имконини берди. Бунинг натижасида алоқа ва ахборот хизматлари ҳажми 3,7 баробар ўсади.

Ана шундай ўзгаришлар туфайли ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида жами хизматларнинг улуши ортиб, 2006 йилдаги 31,5 фоиздан 2012 йилда 45,5 фоизга етганини, албатта, ижобий баҳолаш лозим.

Хурматли депутатлар!

Андижон вилоятида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш дастурининг ижроси алоҳида эътиборга лойик.

Мен 2011 йилнинг кузида Андижон туманинг Ўрикзор массивида барпо этилган ана шундай янги ҳовли-жойларнинг эгалари билан учрашганимда, уларнинг юз-кўзидағи хурсандчиликни кўриб, бу иморатлар ҳақиқатан ҳам халқимиз орзу қилган, унинг кўнглидаги уйлар эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилган эдим.

Ўтган тўрт йил мобайнида Андижон вилоятида 89 та мавзеда 2 минг 115 та намунавий уй-жой барпо этилиб, кўплаб оиласалар шаҳар шароитидан асло

кам бўлмаган қулай уйларга кўчиб кирди. Ана шу массивларда қарийб 100 километрлик сув тармоғи, 61 километр электр тармоғи, 76 километр табиий газ тармоғи, 56 километр ички йўллар ва бошқа инфратузилма обьектлари барпо этилганини тъкидлаш лозим.

Сизларга маълумки, шу йил 16–17 апрель кунлари Тошкент шаҳрида катта бир халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжумандада Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси учун замонавий уй-жойлар қуриш тажрибаси ва эришилган натижаларни ўрганиш учун дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатидан, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, АСЕАН, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтларидан вакиллар, уйжой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва етакчи мутахассислар, жами 300 дан зиёд чет эллик меҳмон иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари юртимизнинг бир қанча вилоят ва туманларида бўлиб, қишлоқ аҳли учун бунёд этилган уйлар билан яқиндан танишдилар, одамларимиз билан сұхбатлашиб, уларнинг ҳаётга қараши, маданий савияси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганига юксак баҳо бердилар. Ўзбекистоннинг қандай буюк салоҳиятга эга бўлаётганига, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек

эзгу мақсад йўлидан қатъият билан бораётганига, энг муҳими, биз 22 йил олдин танлаган тараққиёт йўлимиз тўғри эканига икрор бўлдилар.

Азиз дўстлар!

Андижон вилоятида бошқа муҳим ижтимоий дастурларни ҳаётта жорий қилиш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда аҳолини марказлаштирилган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминлаш 89,7 фоизни, табиий газ билан таъминлаш эса 75,3 фоизни ташкил этганини қайд этиш лозим.

Бу борадаги ишларимизни давом эттирган ҳолда, келгуси уч йилда ичимлик ва оқова сув тизимини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури асосида вилоятда 150 километр магистраль сув тармоғи барпо этилади, 183 километрлик тармоқ эса реконструкция қилинади. Бу ишларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 45 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратиш кўзда тутилган. Натижада вилоятдаги 230 дан ортиқ қишлоқда ичимлик суви таъминотини янада яхшилаб, бу борадаги кўрсаткични 92,3 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Аҳолига транспорт хизматини кўрсатиш масаласини оладиган бўлсак, вилоят бўйича 2006–2012 йилларда 490 тадан ортиқ янги автобус сотиб олинганини айтиш лозим.

Яқин келгусида вилоятга яна 400 та автобус олиб келиш ва шу асосда қишлоқ жойларда, айниқса, узоқ ва чекка ҳудудларда яшайдиган ахолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш режалаштирилмоқда.

Халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган бундай ишлар ҳақида гапирганда, сизларнинг эътиборингизни яна бир муҳим стратегик лойиҳага қаратмоқчиман. Ушбу йирик лойиҳага биноан, қиймати 1 миллиард доллар, қуввати 900 мегавольт бўлган Тўракўргон иссиқлик электр станцияси барпо этилади.

Бу улкан иншоотнинг ишга туширилиши Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларининг электр энергиясига бўлган бугунги эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш имконини берибина қолмасдан, бу ҳудудларнинг истиқболдаги ривожида қандай катта ўрин тутишини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Биз учун сувдек, ҳаводек зарур бўлган яна бир муҳим тармоқ – транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Қамчик довони орқали ўтадиган автомобиль йўлини кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун кейинги 5 йилда қарийб 630 миллиард сўм, жумладан, йўл техникаси харид қилишга 8 миллиард сўм йўналтирилганини таъкидлаш лозим. Бу эса Фарғона водийси, жумладан,

Андижон вилоятига ва бу ердан мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига юк ва йўловчи ташиш ҳажми ва сифатини янада ошириш имконини бермоқда.

Шу борада биз кўпдан буён ўйлаб юрган, бугунги кунга келиб рўёбга чиқариш имкони пайдо бўлган яна бир муҳим режамиз ҳақида сизларга ахборот бермоқчиман. У ҳам бўлса, Ангрен – Поп йўналишида умумий узунлиги қарийб 125 километр бўлган электрлаштирилган темир йўл қуриш лойиҳасини амалга оширмоқчимиз.

Маълумки, Фарғона водийси мамлакатимизнинг темир йўл тармоқларига уланиш нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ажралиб қолган. Ҳозирги кунда темир йўл орқали водийга бориш учун қаердан ўтишга тўғри келишини сизлар яхши биласиз.

Бугунги кунда Фарғона водийсида 10 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. «Олтин водий» деб ном олган бу минтақани Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Таъкидлаш керакки, айнан шу лойиҳанинг жорий этилиши Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимиз темир йўллари тизими билан ишончли асосда бевосита боғлаш имконини яратади. Шу тариқа биз бутун Ўзбекистоннинг ҳудуд ва минтақаларини қамраб оладиган ягона миллий темир йўл тармоғини

барпо этишга эришамиз. Ҳеч шубҳасиз, бу нафакат иқтисодий-ижтимоий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга молик стратегик лойиҳадир.

Бир пайтлар Ўзбекистоннинг электр, табиий газ тармоқлари, автомобиль йўллари бошқа давлатларнинг ҳудуди орқали ўтарди. Кейинги ўн йил ичида биз бу борада жуда катта ишларни амалга ошириш ҳисобидан ушбу коммуникацияларнинг барчасини ўз мамлакатимиз ҳудудидан ўтказишга эришдик. 2014–2015 йилларда темир йўл масаласида ҳам бу ишни албатта охирига етказамиз. Насиб этса, 2016 йилда мана шу темир йўл куриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поезд билан bemalol қатнаш имконига эга бўламиз.

Қадрли юртдошлар!

Ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ҳақида сўз юритганда, аввало, ёш авлодимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида бекиёс ўрин турадиган таълим тизимида амалга оширилаётган катта ишлар ҳақида гапиришимиз табиийdir.

Вилоятда 2006–2012 йилларда 53 та лицей ва коллеж, 159 та умумтаълим мактаби, 17 та мусиқа ва санъат мактаби қурилгани ва реконструкция қилингани бу борадаги дастурларимиз изчиллик билан бажарилаётганидан далолат беради. Жорий йилда яна 6 та мактаб, 3 та касб-хунар коллежи ва академик лицей, 2 та олий ўқув юрти реконструкция қилинади, 12 та мактаб ва 6 та касб-хунар кол-

леки капитал таъмирланади, Андижон тиббиёт институтининг ахборот-ресурс маркази барпо этилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар ҳам вилоятда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунинг тасдиғини шу ўтган даврда ҳар сменада 3 минг нафардан ортиқ кишига хизмат кўрсатадиган поликлиника муассасалари, 930 ўринга эга бўлган шифо масканлари фойдаланишга топширилгани мисолида кўриш мумкин.

2013 йилда яна 9 та тиббиёт муассасасини, жумладан, вилоят онкология диспансери, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва болалар санаторийсини реконструкция қилиш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 54 миллиард 900 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлган спорт соҳасида ҳам юқори натижалар қўлга киритилмокда. Айниқса, вилоят ёшлиарининг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб келаётгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Ҳақиқатан ҳам, 2006–2012 йилларда нуфузли халқаро мусобақаларда Андижон ёшлиари орасидан 107 нафар ўкувчи, жумладан, 57 нафар қиз бола иштирок этиб, уларнинг 72 нафари совринли ўринларни қўлга киритгани, албатта, ҳаммамизни хурсанд қиласди.

Хозирги кунда энг долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, вилоятда 2006–2012 йилларда, яъни охирги етти йилда ярим милионга яқин иш ўрни яратилгани ва бунинг қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилганини катта ютуғимиз сифатида қабул қилишимиз керак.

Айни вақтда бу борада ҳали қўп иш қилишимиз зарурлигини, ўйлайманки, барчамиз тўғри тушунамиз. Хусусан, жорий **йилда тасдиқланган дастурга кўра, вилоят бўйича қарийб 80 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда**. Бу борада барча даражадаги раҳбарлар учун 53 минг 200 нафар касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш кун тартибидаги энг асосий вазифа бўлиб турганини алоҳида уқтириб ўтмоқчиман.

Бу вазифани бир ёқадан бош чиқариб, албатта, бажариш барча-барчамизнинг энг олийжаноб бурчимиздир.

Сўнгги 6 йил давомида вилоятда аҳоли даромадлари сезиларли даражада ўсиб, аввало, шунинг ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётганини биз юқори баҳолаймиз.

Халқимиз даромадларининг асосий қисми, яъни 54 фоизга яқини тадбиркорлик ҳисобидан изчил ошиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бу шахсан мен учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич. Бу рақам, авваламбор, Андижон аҳлининг ўз меҳнати, ўз тадбиркорлик фаолияти, ўз бизнеси ҳисобидан ўзини ва оиласини боқаётганининг яққол далили, такрор айтаман, бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Аҳолимизнинг фаровонлиги ошиб бораётганини вилоятда хонадонларнинг телевизор, холодильник, мебель билан таъминланиш кўрсаткичлари мамлакатимиздаги ўртacha кўрсаткичдан юқори экани, автомобилларга эга бўлган хонадонлар сони сўнгги 6 йилда ҳар 100 та оилага нисбатан олганда, 19 тадан 30 тага етгани ҳам исботлайди.

Эсингизда бўлса, совет даврида одамлар машина олиш учун ўн йиллаб навбатда турап эди. Менга қолса, ҳар юзта оилага юзта автомобиль тўғри келсаям, ёмон бўлмас эди.

Ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартириб бораётган бундай ютуқлар ҳақида гап кетганда, мен биринчи навбатда, аёлларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш тўғрисида гапиришдан ҳеч чарчамайман. Шахсан мен ҳар юзта хонадонда юзта кир ювиш машинаси бўлишини истардим.

Шу ўринда эркакларга мурожаат қилиб айтмоқчиман: аёлларга кўпроқ хурмат кўрсатиш, уларга кўпроқ эътибор бериш, оғирини енгил қилиш биз, эркак зотининг энг асосий вазифаси, бурчи бўлиши лозим. Нега деганда, аёл баҳтли

бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, бутун жамият бахтидир.

Андижон вилоятида кейинги йилларда амалга оширилган ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапирганда, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида алоҳида сўз юритиш ўринлидир. Бу ишларнинг ёрқин намунасини вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, айниқса, Андижон шаҳри мисолида яққол қўриш, кузатиш мумкин.

Ҳозирги вақтда юртимизнинг турли ҳудудларидан бу ерга кўплаб мутахассислар, меъмор ва муҳандислар келиб, сизларнинг тажрибангизни ўрганаётгани кўпчиликка яхши маълум.

Ана шу ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2011–2015 йилларда Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида якка тартибда уйжой массивларини қуриш, коммунал инфратузилма тармоқларини жадал ривожлантиришни кўзда тутадиган дастур қабул қилинган эди. Фурсатдан фойдаланиб, ана шу дастурнинг дастлабки натижалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Икки йил давомида вилоятда 372 километрлик ичимлик суви, 2 километрлик канализация, 211 километрлик табиий газ тармоғи тортилди ва реконструкция қилинди. 195 километрлик электр тармоғи янгиланди, 121 та трансформатор ўрнатилди, 46 километрлик кўчаларда чироқлар

янгиланиб, 2 минг 650 та хонадонга телефон ўрнатилди.

Асака туманидаги Шинам, Карвонсарой, Умид, Имом Бухорий кўчалари таъмирланиб, электр, табиий газ ва ичимлик суви таъминоти тармоқлари янгиланди. Хўжаобод, Олтинкўл туманлари марказий кўчаларини намунавий кўчаларга айлантириш мақсадида йўл бўйида замонавий уй-жойлар курилди, кўчаларни ёритиш тизими ва электр тармоқлари янгиланиб, табиий газ қувурларининг ер остидан ўтказилиши натижасида ушбу масканларнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Хозирги вақтда Пахтаобод, Жалакудук, Кўргонтепа, Андижон туманларининг марказий кўчаларида ана шундай ишлар ниҳоясига етказилмоқда ва бундай ижобий тажрибалар бошқа ҳудудларда ҳам қўлланмоқда.

Амалга оширилган ана шундай кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари туфайли 250 мингдан зиёд аҳолининг электр таъминоти, 80 мингга яқин аҳолининг табиий газ таъминоти яхшилангани, 35 километрдан ортиқ магистраль ва 380 километрлик ички автомобиль йўллари таъмирлангани «Обод турмуш йили» деб ном олган жорий йилда биз белгилаб олган мақсад ва вазифаларга ҳамоҳанглиги билан, айниқса, эътиборлидир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш керак: Андижон вилоятининг маркази, шаҳар ва тураржойларнинг кўринишини бутунлай ўзгартириш, гўзал ва ўзига хос майдонлар, кўча ва уйларга барчанинг ҳавасини тортадиган янги қиёфа бериш, обод ва бетакрор ўлкага айлантириш – бундай олийжаноб ва улкан ишларга қўл урган барча-барча Андижон аҳлига ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Кўп йиллар, балки юз йиллар ўтар, лекин сиз, азизларнинг амалга оширган ишларингиз абадий сақланиб қолур.

Бир накл бор – катта, улкан ишларни узокдан кўриш мумкин. Шу маънода, бундай олийжаноб ишларнинг аҳамияти узокдан қарагандা, баҳо берганда, айниқса, яққол аён бўлади.

Нима учун бундай ишлар абадий сақланиб қолади? Чунки бу ишлар замиридаги фидойилик, ўз юртига меҳр ва садоқат туйғуси ҳеч қачон завол билмайди. Андижон аҳли бундай ишлари билан, таъбир жоиз бўлса, ўзига ҳайкал қўйди. Бу – баландпарвоз гап эмас, айни ҳақиқат ва бу билан ғуурлансак арзийди. Ҳаётда ғуур-ифтихор билан, шукроналик билан яшайдиган одамнинг умри узоқ бўлади.

Менинг тилагим, истагим шуки, мана шундай обод шаҳар ва қишлоқлар, кўп-кўп соҳаларда эришаётган ютуқлар Андижон аҳлига буюрсин!

Хурматли сессия қатнашчилари!

Энди кун тартибига киритилган ташкилий ма-
салани муҳокама қилишга ўтсак.

Бутунги мажлисимиизнинг асосий мақсади Ан-
дижон вилоятининг ҳокими вазифасида ишлаб кел-
ган Аҳмад Усмоновнинг Тошкент вилояти ҳокими
этиб сайлангани муносабати билан Андижон ви-
лояти ҳокими лавозимига янги номзодни сайлаб-
тасдиқлаб олишдан иборат.

Сизларга яхши маълумки, Ўзбекистонимизнинг
барча худуд ва минтақаларини мутаносиб ва изчил
ривожлантириш устувор вазифамиздир. Бу ҳақда
гапирганда, улкан салоҳиятга эга бўлган, мамлака-
тимизда етакчи ўрин тутадиган Тошкент вилояти-
ни бошқариш, унинг кўп тармоқли иқтисодиётини
барқарор суръатлар билан ривожлантириш, аҳо-
лининг ҳаёт даражасини юксалтириш – бундай ви-
зифаларни уддалаш ғоят оғир ва масъулиятли иш
эканини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир.

Тошкент вилоятида кейинги пайтда ўткир му-
аммоларнинг ечими топилмасдан, кўргина ма-
салаларда оқсоқликка йўл қўйилгани, биринчи
раҳбарда ташкилотчилик, етакчилик қобилияtlари
етишмагани сабабли уни ишдан озод қилишга
тўғри келди.

Мана шу масъулиятли лавозимга, яъни Тош-
кент вилоятини бошқаришга Андижон вилоятида
етти йил давомида ҳоким бўлиб ишлаган, эл-юртга

бош-қош бўлиб, вилоят эришган ютуқ ва марраларга муносиб ҳисса қўшган Аҳмад Усмонов номзоди маъқул деб топилди.

Айни пайтда Аҳмад Усмоновга билдирилган ишонч сиз, Андижон элига билдирилган ишонч ва ҳурмат белгиси, ифодаси, десам, сиз, азизлар мени тушунасизлар, деб ўйлайман.

Андижон аҳли ўз юртига бўлган меҳри ва садоқатини, ғурур ва ифтихорини, орномусини юксак қадрлаб, ўз кучи ва қудратига ишониб яшайдиган халқ.

Бундай олийжаноб фазилатларга эга эл-юртни бошқарадиган, унинг эришган марралари, ўсиш суръатларини пасайтирмасдан, аҳолининг бошини қовуштириб, янги мақсад ва уфқларга сафарбар эта оладиган янги раҳбар сайлаш бугунги мажлисимиз кун тартибига қўйилган.

Кенг ва юқори салоҳиятга эга бўлган, ҳам инсонийлик, ҳам ташкилотчилик, ҳам талабчанлик нуқтаи назаридан эл-юртнинг дарду ташвиши билан яшайдиган, одамларнинг ҳаракатига ҳаракат, интилишига интилиш, ишончига ишонч қўшиб, юртни янада обод, халқнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қурби етадиган раҳбарни топиш, ўзингиз тушунасиз – бу оғир вазифа.

Шуни айтмоқчиманки, кўп жойларда янги раҳбарни лавозимга тавсия этар эканмиз, одамлар аввало Президент билдирган таклифга ишонч би-

лан қарайди. Мен бу ишончни юксак қадрлайман ва айни вақтда унинг замиридаги катта масъулиятни ҳам чукур ҳис қиласман.

Бугун Андижон вилоятида 2 миллион 700 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ана шундай улкан вилоят ахлининг ҳаётига, ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, унинг муаммолари-ни ҳал қилишга доимо жиддий қарашимиз керак. Бир пайтлар шунга етарли эътибор бермаганимиз биз учун катта сабоқ бўлди. Мен кимнидир айбламоқчи эмасман, лекин бундай масалаларга, такрор айтаман, бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ. Бинобарин, вилоятга янги раҳбар танлашда кўп ва узоқ ўйлашга, жамоатчилик билан кенгашишга тўғри келди. Баъзан ўз жойида туппа-тузук ишлаб турган раҳбар янги жойда ўзини кўрсатолмаслиги, оқибатда ўзига ҳам, умумий ишга ҳам зарар етказиши мумкин. Шунинг учун бу масалада етти ўлчаб, бир кесиш керак.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, Андижон вилояти фаоллари ва депутатлари, оқсоқоллар билан кўп маслаҳатлашдик, очиқчасига гаплашиб олдик. Билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда, ҳозирги вақтда Андижон вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган Шухратбек Абдураҳмонов номзодини Андижон вилояти ҳокими вазифасига тавсия этишга қарор қилдик.

Бу номзоднинг таржимаи ҳоли ҳақида гапирадиган бўлсак, у 1969 йилда туғилган. Андижон пахтачилик институтини 1992 йилда агроном мутахассислиги бўйича битирган. Кўп йиллар Пахтаобод тумани ҳокими, вилоят ҳокимининг муовини лавозимларида ишлаб, етарли тажриба орттирган. Энг муҳими, у Андижон вилоятининг шароити, вилоят аҳлининг табиати, орзу-интилишлари, ташвиш ва муаммоларини яхши билади, шу тупроқнинг тузини ичиб улғайган.

Одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам, эл-юрт ҳар қандай раҳбарни у амалга ўтирган пайтдан бошлиб синайди ва унга баҳо беради.

Айтиш керакки, Ш. Абдураҳмонов оддий бригада бошлиғи лавозимидан шу даражага кўтарилиган. Пахтаобод туманида кўп йиллар хизмат қилган. Зарур пайтда, масалан, ана шу туманда фермерликни жорий этишда ўзини принципиал жиҳатдан кўрсатган.

Биз бугун юртимизда янги давлат, янги жамият қурмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятнинг янги раҳбари эришилган мэрраларни янада мустаҳкамлаб, ўсиш суръатларини тезлаштиришга интилиши лозим. Янги раҳбарнинг келиши билан эл-юрт қандайдир ўзгаришлар бўлади, деб кутади. Агарки ҳеч қандай ўзгариш

сезилмаса, одамларнинг раҳбарга бўлган ишончи йўқолади.

Бу ўринда раҳбарнинг фақат ваъда бериши эмас, аввало, Андижон аҳлига, вилоятнинг депутат ва фаолларига, кенг жамоатчиликка таяниб, ишни қандай ташкил этиш, қандай режа ва дастурларни амалга ошириш борасидаги фикрлари муҳимдир.

Вилоят ҳокими, аввало, унга ишонч билдирган халқ олдида, унинг вакиллари бўлмиш депутатлар олдида ўз вақтида ҳисоб бериб туриши керак.

Қадрли ва муҳтарам юртдошлар!

Бугун сиз, азизлар билан бирга кейинги даврда амалга оширган ишларимизга якун ясад, эришган ютуқларимизга баҳо бердик, йўл қўйилган камчилик ва муаммолар, олдимизда турган вазифалар ҳақида ҳам фикр алмашиб олдик. Энг асосийси, бугун Андижон вилоятида ҳукм сураётган тинчлик-осойишталиқ, бағрикенглик ва аҳиллик муҳитини кўз қорачиғидек асраш, мустаҳкамлаш бўйича сиз, азиз депутат ва фаолларнинг фикрларини тингладик, эртанги кунимизнинг режаларини аниқлаб олдик.

Шу ўринда юрагимда, қалбимда бўлган бир фикрни айтишни истардим: мен учун доимо яқин ва қадрдон бўлган Андижон аҳли эришган барча ютуқларни мен ҳамиша гўёки ўзимнинг ютуқларим, деб қабул қиласман ва бу билан фахрланаман.

Ишончим комил, ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлиб, ўзининг мустаҳкам иродаси, яратувчилик салоҳияти, она юртга улкан меҳри ва садоқатини намоён этиб келаётган Андижон халқи янги раҳбар атрофида бирлашиб, у билан бамаслаҳат иш олиб бориб, Ватанимиз равнақи йўлида барча куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Азиз дўстлар, яна бир бор сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни изҳор этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

2013 йил 26 апрель

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК

Бугун халқимиз Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 68 йиллигини, 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонламоқда.

Шу кунларда барча юртдошларимиз ўз инсоний бурчини бажо этиб, Ватанимиз озодлиги, мусафро осмонимиз учун жон бериб, қурбон бўлганларнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилмоқда.

Бугунги кунда орамизда ҳаёт бўлиб, бизга маънавий ибрат кўрсатиб юрган муҳтарам уруш қатнашчиларини ана шу буюк сана билан чин қалдан табриклишни ўзим учун катта шараф деб биламан.

Айни вақтда фронт ортида хизмат қилиб, ўта оғир шароитда ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшган юртдошларимизга, барча фахрийларимизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламан.

Бугун бу улуғ айёмни нишонлар эканмиз, Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг кўпчилик қатори бизнинг халқимиз учун ҳам нақадар қимматга тушгани, эл-юртимиз мудҳиш

қирғинларда қанча қурбонлар, қанча йўқотишлар бергани, қанча етим-есирларнинг оху фарёди, мислсиз азоб-уқубатларни кўрганини ёдга олсак, айтиш мумкинки, бутун инсониятнинг тақдири, унинг келажаги ҳал бўлган ўша мусибатли даврларни эслайдиган бўлсак, бу қонли уруш одамларимизнинг хотирасида ҳеч қачон ўчмасдан умрбод қолажагига яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Йиллар, балки асрлар ўтади, бу ёвуз, бу бешафқат уруш халқимизнинг тарихий хотирасида абадий сақланади. Нега деганда, юртимизда биронта оила йўқки, уни бу даҳшатли қирғин четлаб ўтган бўлса. Айниқса, шу кунларда, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган қайси бир одам билан гаплашманг, орадан 68 йил вақт ўтган бўлса ҳам, албатта ана шу уруш ҳақида, унинг қандай битмас жароҳатлар қолдиргани, жумладан, унинг оиласи, ота-боболари ёки қариндошлари учун оғир йўқотишларга сабаб бўлгани тўғрисида катта алам ва изтироб билан эслайди.

Хозирги кунда мамлакатимиздаги ҳар бир хона-донда, фарзандлари бағрида тинч-осуда ҳаёт кечираётган кекса авлод вакиллари, аввало, шундай ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтиб, уруш балоси ҳеч қачон қайтарилмасин, деган эзгу орзуниятлар билан бу санани қаршилайди. Албатта, орзу-ният қилиш ўз йўли билан, айни вақтда шун-

дай фожиали воқеалар бошқа тақрорланмаслиги учун курашиш, керак бўлса, барча куч ва имкониятларни шу мақсад йўлида ишлатиш, сафарбар этиш зарур. Ҳаётнинг, замоннинг ўткир талаби ҳам шундан иборат.

Ақли расо ҳар қайси одам тариҳдан сабоқ чиқариб, тинчликнинг қадри, урушнинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида чуқур ўйлаб, бугун пайдо бўлаётган ҳар хил хавф-хатарларнинг қандайдир чорасини кўриш, мана шундай азобларни кўрмаган, билмаган болаларимизга шундай кайфиятни сингдиришга ҳаракат қиласи. Айниқса, бизнинг муҳтарам фахрийларимиз, уруш даври ва ундан кейинги йиллардаги азоб-уқубатларни кўрган одамларимиз, ишончим комил, айни шундай фикрлайди.

Хозирги вақтда баъзи давлатларда айтилаётган «Урушнинг энг оғир юкини биз кўтардик», деган мазмундаги гаплар, даъволарга холисона баҳо бериб, бу урушнинг заҳмати, машаққатини собиқ СССР таркибида бўлган барча республикалар, уларнинг ҳалқлари, минг-минглаб оддий одамлар ўз елкасида бирдек кўтарган, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу ҳақда гапирганда, баъзи бир рақамларни келтириб ўтишни ўринли деб биламан.

Урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони жангларда бевосита иштирок этган бўлиб,

500 мингга яқин юртдошимиз шу урушда ҳалок бўлганини, қанчаси бедарак кетганини, қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг ҳалқимиз фашизм балосига қарши курашга қандай ҳисса қўшганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мен бу рақамларни ҳеч ким ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини истайман.

Ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни такрор ва такрор исботлаб бермоқда. Яъни, тарихни билмаган, тарихни унугланган, тарихдан хулоса чиқармаган ҳар қандай инсон, ҳар қандай ҳалқ ўз йўлидан адашиши, бир вақт йўл кўйган хатоларни яна такрорлаши мумкин.

Тарих ўргатади, тарих огоҳ этади. Айни пайтда тарих бизга тўғри йўлни танлашда маслаҳат беради. Бундан олдинги замонларда қандай воқеалар бўлганини, улардан қандай хулосалар чиқариб, қайси хатоларни такрорламаслик кераклигини, қайси йўлдан олдинга бориш лозимлигини ким ўргатади? Албатта, тарих ўргатади. Дунёда бундай ўткир ва таъсирчан бошқа бирон куч борми? Менимча, йўқ.

Қанча вақт, қанча замонлар ўтмасин, тарихни чуқур англаш, тарихдан хулоса чиқариб яшаш керак. Айниқса, бугун – 9 май санасида бу ҳақиқатни асло унумаслигимизни шахсан мен жуда-жуда истардим.

Айни шу кунларда халқимиз уруш даврида бошидан кечирган оғир синовларни яна ва яна бир бор хаёлимиздан ўтказар эканмиз, ўтмиш воқеалар, албатта барчамизни ўйлантиради ва керакли хуласалар чиқаришга даъват этади.

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгариб, ён-атрофимизда қарама-қаршилик, хавф-хатарлар кучайиб бораётган нотинч замонда яшаётганимизни кузатиш ва англаш қийин эмас.

Хеч кимга сир эмас – ҳозирги кунда бизнинг худудимизда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар – бу Афғонистонда ўттиз йилдан зиёд давом этаётган урушдир.

Ана шу ўтган даврда бу жафокаш заминда тинч ҳаёт нима эканини билмайдиган янги бир авлод вояга етди. Уруш бошланган пайдада туғилган болалар бугун 30–35 ёшга чиқди. Бу авлоднинг изидан ҳозир яна бир янги авлод оёққа турмоқда. Улар ўз ҳаётида нимага гувоҳ бўлиши мумкин? Фақат уруш, одам ўлдириш, кон тўкиш. Бу ёшларнинг ҳаёти шундан иборат бўлиб қолмаяптими? Ўзингиз ўйланг, шу ҳам ҳаётми ўзи?

Кўпни кўрган афғон халқининг бошига тушган бундай оғатни бошқа ҳеч кимга ҳеч қачон кўрсатмасин. Шундан огоҳ бўлиш, шундан хуласа чиқариш зарур.

Бугун Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда.

Содда қилиб айтганда, кўп йиллардан буён давом этаётган бу қонли урушни ҳарбий куч билан ҳал қилиш йўли йўқлигига урушда қатнашаётган томонлар тобора иқрор бўлмоқда, айни шу ҳолатни кўпчилик тан олмоқда.

Агар эътибор берадиган бўлсак, бу урушни тезроқ тугатиш, афғон заминида тинчлик ўрнатиш ҳакида бугун бутун дунё бонг урмокда. Вазият шу даражага етдики, бир пайтлар бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этишга мутлақо қарши чиққанлар ҳам энди фикрини ўзгартирмоқда.

Бошқача айтганда, бу инқирозни бартараф этишнинг ягона йўли – сиёсий йўл бўлиб, қандай қийин бўлмасин, қарама-карши қучларни музокаралар орқали ўзаро қелишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топмокда. Айни шу аснода вактингчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо бўлишини қўпчилик эътироф этмоқда.

НАТОнинг 2008 йил Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон Президенти сўзга чиқиб, дунёдаги қудратли давлатларнинг вакилларига мамлакатимизнинг бу борадаги қатъий позициясини аниқ-равshan баён қилган эди.

Бу ташаббуснинг мазмун-моҳияти шундан иборат эдики, аввало БМТ раҳбарлиги остида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бу мулоқот гуруҳи АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатлардан иборат бўлиши керак эди. «6+3» мулоқот гурухининг энг муҳим мақсади – бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроса асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, зарур кафолатларни беришдан иборат.

Кўриб турибмизки, Ўзбекистоннинг ана шу саммитда билдирган амалий, конструктив таклифлари бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Аксинча, янада ўткир аҳамият касб этиб бормоқда.

Биз Афғонистон ҳалқи билан қадимдан ёнмаён қўшни бўлиб яшаб, қиз бериб, қиз олиб, қудандачилик қилиб келганимиз. Амударёning икки томонида туриб бир-биримизнинг ҳолимиздан доимо хабардор бўлиб турганмиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, афғон фожиасини бошқалардан ҳам кўра ўзига яқин билган ўзбек ҳалқи, албатта, бу заминда бўлаётган воқеаларни хаёлидан, юрагидан мутлақо бошқача ўтказади.

Бу қонли түқнашувлар содир бўлаётган юртдан узокда яшаётганлар эса, афсуски, уларни бутунлай бошқача қабул қиласди. Масалан, ўтган асрнинг 60-йилларида Америка Кўшма Штатлари томонидан Вьетнамга қарши олиб борилган уруш ҳақида гап кетса, баъзи олис давлатлардаги одамлар Вьетнам дунёнинг нариги чеккасида, бизга бу ўлкадаги воқеаларнинг дахли йўқ, деб эслashi мумкин. Лекин Афғонистон масаласида бизнинг қисматимиз шундайки, бундай фикрлашга, бундай ёндашишга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Нега деганда, тарих яна аввалги ўзанига қайтади, хулоса чиқармаган одамнинг бошига кулфат етказади. Болаларимиз, невараларимизнинг тақдирини ўйламоқчи бўлсак, биз бугун ана шу муаммо ҳақида жиддий бошқотиришимиз керак.

Бу дунё – қайтар дунё, деган гап бор. Бухарест саммитида, жаҳон ҳамжамияти вакилларига мурожаат қилиб, сизлар бир ҳолатни ҳисобга олинглар, афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал этишнинг имкони йўқ, деб Ўзбекистон номидан очиқ айтилган эди. Қарийб 35 йилдан буён давом этиб келаётган урушни қандай тўхтатиш ҳақида ўйлайдиган бўлсангиз, буни ҳарбий йўл билан эмас, балки факат сиёсий йўл билан ечиш мумкин, деган фикр қатъий таъкидланган эди.

Мана, шундан бери беш йил ўтияпти. Каттакатта давлатлар, Европа Иттифоқи ва бошқа мам-

лакатлар вакиллари ўша пайтда, бу одам нима ҳақида гапиряпти, деб Ўзбекистон раҳбари томонидан билдирилган амалий таклиф ва хulosаларни инобатга олмаган эди.

Бугун энди нима бўляпти? Айни ўша сиёсатчилар бу таклифларни энг тўғри таклиф сифатида қабул қилишга мажбур бўляпти. Яъни, уларнинг ҳаммаси шундай хulosага келяптики, ҳақиқатан ҳам, афғон можаросини ечишнинг ҳарбий йўли йўқ экан. Уруш билан, қон тўкиш, бир-бирини ўлдириш билан бу урушни тутатиб бўлмас экан, деб уларнинг ўзлари шунга иқорор бўлмоқда. Чиндан ҳам, бундай даҳшатли қирғинга яна қанча чидаш мумкин?

Такрор айтаман – факат сиёсий мулоқот йўли билан бу инқирозни ҳал қилиш мумкин. Минг афсуски, бугунги кунда Афғонистоннинг ўзида ва унинг ташқарисидаги айrim кучлар ўз манфаатларини кўзлаб, бу можарони сиёсий асосда ечишга қарши чиқмоқда.

Бундай боши берк йўл яна қанча одамнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши, қанча-қанча гўдакларнинг етим, аёлларнинг бева, бегуноҳ инсонларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Лекин, мана, кўряпмиз, бунинг ечими бўйича ҳали-бери бирон-бир амалий ҳаракат сезилаётгани йўқ. Бутун бир янги авлод майдонга чиққани ҳақида гапирамиз, аммо улар ҳам

мана шу урушда қурбон бўляпти. Бу нима деган гап ахир? Бу ўринда бутун бир халқ, бутун бир мамлакат тақдири ҳақида гап бормоқда.

Илгари урушни фақат уруш билан енгиш мумкин, фақат куч билан афғон муаммосини ҳал этамиз, деб керилиб юрганлар ҳам бугун бу йўл билан урушга барҳам бериб бўлмас экан, деб айтишга мажбур бўлмоқда. Қишлоқлар, шаҳарлар устига бомба ташлаш, ўт-олов ёғдириш қарама-қаршиликни баттар кучайтиришга олиб келмоқда, бундай йўл билан ҳеч нарсани ечиб бўлмайди, деган фикрга бугун аксарият кўпчилик келмоқда.

Агарки кимда озгина инсоф, озгина ақл-заковат, инсонийлик, одамийлик хусусиятлари сақланиб қолган бўлса, шу ҳақиқатга иқрор бўлмоқда.

Минг афсуски, Афғонистоннинг ўзида ҳам, унинг атрофида, ундан узок-узок жойларда ҳам урушдан манфаатдор бўлганлар, урушнинг жиловини қўлида ушлаб турган кимсалар мавжуд, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Улар ўз ғаразли манфаатларини минг-минглаб одамларнинг ҳаётидан устун қўймоқда.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Лекин бир нарса аниқ – бундай одамларнинг қабиҳ йўл билан топган давлати, мол-дунёси барибир ўзига буормайди.

Яна бир бор таъкидламоқчиман, бугун турли сиёsatчилар, кузатувчилар Афғонистон замини-

да тинчлик ўрнатишнинг қарама-қарши кучлар ўртасида ўзаро келишиш, ўзаро мулоқотни йўлга кўйишидан бошқа йўли йўқ эканини баралла айтмоқда. Ҳақиқатан ҳам, қандай қийин бўлмасин, орада қанча алам, адоват ўтган бўлмасин, бундай кучларни бир жойга йиғиб, бу масаланинг ечими аввало сизларнинг қўлингизда, урушни тўхтатишнинг барибир бундан бошқа йўли йўқ, деб бутун жаҳон ҳамжамияти, биринчи навбатда қудратли давлатлар мана шу сиёсий позицияда катъий турса, мен ишонаман, муаммонинг ечими албатта топилади.

Ҳарбий йўл билан Афғонистон можаросини ҳал этиб бўлмаслиги ҳақида НАТО кучлари, АҚШ, Европа давлатларининг раҳбарлари хулоса чиқариб, мана шундай ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда асосан АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинини 2014 йилнинг охиригача Афғонистондан олиб чиқиб кетишини режалаштирумокда. Очигини айтадиган бўлсак, бу жараён ҳозирданоқ бошланди.

Буларнинг барчасини инобатга оладиган бўлсак, савол туғилади: мазкур қўшин Афғонистон худудидан олиб чиқиб кетилиши билан бу мамлакатда ахвол қандай тус олади?

Минг афсуски, бу ўзгаришдан кейин Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги

курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, курол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатларапо низолар кучайиб боришининг хавфи ортади.

Яна бир ўринли савол шундан иборатки, бундай кескин вазият қўшни давлатларга қандай таъсир кўрсатади? Тарих сабоқларини ҳисобга оладиган бўлсак, бунинг таъсири салбий бўлиши табиий. Яъни, Афғонистондаги вазият тўлиқ ҳал қилинмасдан туриб коалиция кучларининг бу мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиёда кескинликни янада оширади. Бунинг оқибатида миңтақа давлатлари учун хавф-хатар ортиши мумкин.

Бу ҳақда мен ғоят ташвишланиб, афсус билан гапирияпман. Бу – ҳаёт ҳақиқати, ундан ҳеч қаерга қочиб бўлмайди.

Бизнинг бу масалага ёндашишимиз, шу борадаги сиёсатимиз қандай бўлиши керак, деган саволга жавобан айтиш керакки, ана шундай қалтис вазиятда миллий таракқиётимизни, мамлакатимизнинг ривожланиш суръатларини, энг муҳими, ҳалқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини саклаш учун барча зарур чораларни кўриш масаласи олдимизда жуда жиддий вазифа бўлиб турибди.

Ўзбекистоннинг Афғонистон давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати аниқ ва очиқ.

Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда катнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади.

Бундай ёндашув, бундай позиция бизнинг мамлакатимиизда қабул қилинган қонунлар билан муҳрлаб қўйилган.

Айни шундай сиёсатни олиб боришни:

- кимнингдир «ўйин»ларига қўшилмаслик;
- қўшниларимиз билан тинч-осойишта яшаш;
- эл-юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини химоялаш;
- яқин тарихимизнинг сабоқлари ва бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Биз 2012 йилда «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида»ги қонунни қабул қилдик.

Бу қонуннинг аҳамияти нимадан иборат?

Афғонистонда 30 йилдан зиёд давом этажтан урушни ҳисобга оладиган бўлсак, шу даврда бу муаммо атрофида жуда кўп чалкаш, зиддиятли, ҳатто бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлган фикрлар билдирилди.

Шу мавзуда турли-туман конференциялар, саммитлар, қанча-қанча сұхбатлар, мұлоқотлар ўтказыляпти. Мухтасар айтадиган бўлсак, ўзини сиёсатчи деган одам борки, шу мавзуда гапириб обрў топмоқчи бўлади. Барака топкур, аниқ бир таклифинг, амалий дастуринг бўлмаса, нима қиласан ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам чалғитиб!

Ахир, Афғонистон биринчи навбатда Ўзбекистон билан, Тожикистон ва Туркманистон билан бевосита чегарадош эмасми? Шундай экан, бу муаммонинг қандай катта хавфи борлигини аввало қўшни давлатлар билади. Шунинг учун Ўзбекистон бу масалада доимо жон куйдириб келмоқда.

Бизга нима керак? Тинчлик керак! Яна бир бор тинчлик ва қўшни давлатлар билан ҳамжиҳатлик керак. Мана шундай хulosса негизида биз ташқи сиёсатимизнинг ҳар томонлама асосланган тамоийилларини қонуний асосда белгилаб олдик.

Совет даврида биз афғон урушида мажбуран қатнашғанмиз. Халқимизда «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», деган гап бор. Шу сабабли биз қандайдир ҳарбий бирлашмаларга кириб, бошқалар билан бирга Афғонистонга қарши чиқмаймиз. Бундай бирлашмалар келадиу кетади, ўз ишини битиради, биз эса шу ерда қолиб, афғон халқи билан доимо ёнма-ён яшашимиз керак.

Бизга манфаати бўлса, афғон халқига манфаати бўлса, фақат икки томонлама алоқаларни ўрнатамиз ва бундай муносабатларни қўллаб-куватлаймиз.

Кўпни кўрган халқимиз қўшничиликнинг қадрини яхши билади. Бинобарин, биз қўшниларимизга нисбатан муносабатда хеч қачон миллий ўзлигимиз, меҳр-оқибатимизни йўқотмаганмиз. Бизга тинчлик керак деган даъват бугун бутун халқимиз учун ягона даъват бўлиши лозим. Ўзбекистонга тинчлик керак, осуда ҳаёт керак. Тараккиётимиз учун биронта ҳам тўсик керак эмас. Биз баъзи давлатларнинг «ўйин»ига қўшилиб, балога қолишни хеч қачон хоҳламаймиз.

Яна бир бор таъкидлайман, биз биронта ҳарбий блокка қўшилмаймиз. Бундай бирлашмалар қандай аталмасин, агар асл негизини кўрадиган бўлсак, ҳарбий тузилма бўлиб чиқади. Бундай блокларда биз қатнашмаймиз.

Такрор-такрор айтаман, биз тарихдан сабоқ чиқариб, хulosса чиқариб, сиёsat олиб боришни ўзимиз учун тўғри йўл деб қабул қилганимизни бутун дунёга эълон қилдик. Жаҳонда биронта давлат йўқки, бизнинг бу қароримизга қарши чиқкан бўлса.

Биз бу сиёsatни амалга ошириш учун қандай мезон ва омилларга суюнишимиз керак?

Биз қатъий таяниб иш олиб борадиган биринчи ва асосий омил ҳақида гапирадиган бўлсак, бу – тинчлик ва осойишталиқдир.

Ҳаммамизга аён, халқимиз қачон, қаерда бўлмасин, дуога қўл очар экан, аввало тинчлик бўлсин, омонлик бўлсин, деб ният қиласди, Яратгандан шуни сўрайди. Бу икки сўз эл-юртимизнинг кон-қони, юрак-юраги, суяқ-суягига сингиб, унинг учун ҳаёт мазмунига – бебаҳо қадриятга айланиб кетган.

Одамларимиз боши узра чараклаб турган офтобни, мана шу мусаффо осмонни улкан баҳт, тинчлик-осойишталик, фаровонлик белгиси сифатида қабул қиласди. Ана шундай беғубор осмон остида шукроналик туйғуси билан яшаётган инсонлар бундай баҳтни, бундай қувончни бошқалар билан баҳам кўришни, ҳаёт лаззатини ўз яқинлари, дўйстлари билан биргаликда тотишни истайди. Инсон аслида баҳт учун яратилган. Инсон инсон бўлиб яшаш учун дунёга келган.

Маълумки, биз яқинда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигини катта байрам қиласми. Ана шу даврда босиб ўтган йўлимиздан хулоса чиқариб айтадиган бўлсак, биз охирги йилларда Ўзбекистон тараққиётида жуда катта ўсиш суръатларига, бошқаларнинг ҳаваси, эътиборини тортадиган натижа ва мэрраларга эришмоқдамиз. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Ана шу йўлда

тинчлик-осойишталик, миллатлар ва фуқаролааро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик барча ютуқларимизнинг асосий омили бўлмоқда.

Чиндан ҳам, тинчлик бўлган жойда тарақкиёт бўлади. Бир-бирини кўролмасдан, гижгижлашган, низо-адоватга борган жамоада ҳам, эл-юрганда ҳам ҳеч қачон ривожланиш, равнақ бўлмайди. Бу хакиқатни онгу шууримизга чукур сингдириб, унинг қадр-қимматини унутмаслигимиз зарур.

Иккинчи масала шуки, тинчлик осмондан тушмайди. Тинчлик-осойишталик мустақил тарақкиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг асоси экан, буниг учун курашиш, керак бўлса, бу йўлда фидоийилик кўрсатиш лозим. «Олма пиш – оғзимга туш» деган номақбул қарашларнинг вақти аллақачон ўтиб кетди. Бизнинг бугунги ёшларимиз бундай калтабин қарашларни ҳеч қачон қабул қилмайди. Ўзлигини, кимларнинг авлоди эканини англаган, замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта згаллаган ўғил-қизларимиз бугун мутлақо бошкacha фикрлайди.

Тинч-осойишта ҳаёт, барқарорликнинг энг муҳим шарти шуки, бекамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, ҳар томонлама сезгир ва уйғоқ бўлиш, тарихдан, ҳаётдан хulosса чиқариб яшаш керак. Бундай қараш, бундай кайфият шу азиз юртимиздаги барча ватандошларимизнинг ҳаётий мақсадига айланишини истардим.

Огоҳ бўлиб яшайдиган одам четдан келаётган хавф-хатарни олдиндан кўриб, уни бартараф этиши осон кечади. Агарки турли бало-қазолардан ўз вақтида огоҳ бўлмаса, уларга бепарво қараса, кейин уларни йўқ қилиш жуда қийин бўлади. Бу ҳақиқат неча минг йиллик тарихимизда кўп бор исботини топган.

Хавф-хатарни олдиндан кўрсанг – чорасини топасан, олдиндан кўролмасанг – чорасини тошишга вақтинг ҳам, имконинг ҳам қолмайди.

Шу ўринда яна бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман. Гўзал ва бетакрор диёrimизда яшаётган одамлар, биринчи навбатда ёшларимиз – менинг фарзандларим «Бу Ватан – менини, агарки уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, химоя қилиш учун мен курашмасам, ким курашади?» деган фикр билан яшаса, мана шундай қараш униб-ўсиб келаётган болаларимиз учун энг катта даъватга, ҳаётий эътиқодга айланиб, уларнинг қалбидан, онгу тафаккуридан чукур жой олса, айтинглар, бундай халқни йўлидан қайтариб бўладими, бундай халқни енгиб бўладими?!

Ҳозирги мураккаб замонда ҳар биримиз шундай эзгу мақсад билан яшасак, биринчидан, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, иккинчидан, келажак – бизники, марра албатта бизники бўлади.

Бугунги маросим, бугунги байрамдан келиб чиқадиган энг асосий хулоса шуки, эл-юртимиз

бошидан кечирган шунча қийинчилеклар, қанча-қанча қурбонлар, йўқотишлиар, азобу укубатларнинг ҳаммасини ҳисобга оладиган бўлсак, менинг ишончим комил: бундай синовлар, бўрон ва тўфонлар олдида халқимиз ҳеч қачон бўш келмаган. Улардан муносаб тарзда ўтиб, мардлик ва матонат кўрсатиб, ҳеч кимнинг олдида бош эгмаган ва аминман, бундан буён ҳам ҳеч кимнинг олдида ҳеч қачон бош эгмайди, ўз мақсад-муддаоларига албатта етади.

Менинг истагим шу – Худонинг ўзи юртимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, ҳасадлардан асрасин! Шу юртда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон, ҳар қайси юртдошимиз баҳтли бўлсин, тинчлик ва омонлик уларга ҳамиша ёр бўлсин!

*Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан
оммавий ахборот воситалари учун
берилган интервью.
2013 йил 9 май*

«УНИВЕРСИАДА – 2013» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли ўғил-қизларим!

**Муҳтарам устоз ва мураббийлар, ҳурматли
мехмонлар!**

Бугун униб-ўсиб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган сиз, азиз фарзандларимни Ўзбекистон ёшларининг ҳаётидаги улкан воқеа – ёшлиқ, гўзаллик ва спорт байрами бўлмиш «Универсиада – 2013» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўлкамиздаги барча спорт муҳлислари, миллионлаб ёшларимиз, бутун халқимизнинг диққат-эътиборини бугун ўзига тортаётган бу спорт байрамининг «Қўҳна ва боқий Бухоро» деб ном олган табаррук заминда ўтказилаётгани ушбу тантанага алоҳида маъно-мазмун ва кўтаринки руҳ бағишламоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз «Универсиада» қатнашчилари!

Сизларнинг «Кичик Олимпиада» деб аталган мана шу нуфузли мусобақага қандай кескин кураш ва беллашувлар орқали етиб келганингиз, ўз олдингизга қўйган мақсад йўлида азму шижаот ва қатъият кўрсатиб, олий ўкув юртларида илму

фан чўққиларини эгаллаш билан бирга, спорт майдонларида ҳам умидбахш натижаларга эришганингиз, мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларининг энг юқори босқичи бўлган 2013 йилги «Универсиада» финалига чиққанингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бирингиз ўзингиз танлаган спорт тури бўйича катта ютуқларни қўлга киритганингиздан гувоҳлик беради.

Албатта, бундай юксак мэрралар ва шоҳсупаларга кўтарилиш учун қанча-қанча ҳаракат, қанча куч-қувват, иромда ва мардлик кераклигини ана шундай ҳолатларни бошидан кечирган ҳар қайси одам ўзига яхши тасаввур қилиши муқаррар.

Бу фикрларнинг тасдиғини қўйидаги рақам ва мисоллар яққол намойиш қиласди.

«Универсиада» ўйинларининг саралаш босқичларида иштирок этган қарийб 138 минг талаба орасидан якуний босқичга 1020 нафар қатнашчининг етиб келгани бу мусобақаларнинг миқёси нақадар кенглиги ва уларнинг нечоғли қаттиқ курашлар асосида ўтганини кўрсатади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган «Универсиада» беллашувларини юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун, аввалио, жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида

ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуула-ри бунёд этилгани, қарийб 93,5 миллиард сүм маблағ сарфланиб, катта ҳажмдаги қурилиш, ре-конструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини инобатга оладиган бўлсак, ҳар уч йилда ўтказиладиган бу спорт байрамига давла-тимиз ва жамиятимиз томонидан қандай улкан эътибор ва аҳамият берилаётгани янада яққол аён бўлади.

Буларнинг барчаси, авваламбор, сиз, азиз бо-лаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга ета-ётган фарзандларимизнинг тараққий топган дав-латлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан bemalol беллашувга тайёр бўлиши учун, лўнда қилиб айтганда, навқирон ёшлари-мизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчи, биз интилаётган юксак марраларга этиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга ки-риши учун – ана шундай буюк мақсадларга эри-шиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Қадрли фарзандларим!

Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган «Биз ҳеч ким-

дан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган олийжаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғуур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.

Ҳозирги вақтда миллий спортивиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Сайда Искандарова, Вадим Меньков, Дильтод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан «Универсиада» мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай моҳир спортчиларимизнинг изидан бориб, кела жакда Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришингизга барчамиз тилак дошмиз.

Ҳеч шубҳасиз, «Универсиада – 2013» белла шувлари эл-юртимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик ва ўзаро хурмат руҳида ўтади, қадимий Бухоро заминида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг руҳи поклари сизларни қўллаб-кувватлайди, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб юксак талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчи ва муҳандисларга,

мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бағрикенг, меҳмондўст Бухоро аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2013 йил 6 июнь*

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳасида хизмат қилаётган инсонларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этишдан ва барчангизга ўз хурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

27 июнь куни – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни деб эълон қилинган бу санага бу йил роппа-роса йигирма йил тўлаётгани нафақат соҳа хизматчилари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштариyllар, барча зиёлиларимиз томонидан мамлакатимизда кутлуғ байрам сифатида нишонланаётгани ҳаммамизга катта мамнуният етказади.

Ҳеч шубҳасиз, ана шу тарихан қисқа даврда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари жамиятимизда амалга оширилаётган чукур ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, замон талабларига жавоб берадиган демократик янгиланишларнинг кўзгусига, одамларимизни, кенг оммани янгича фикрлаш-

га, маънавий уйғоқликка, онгу тафаккуримизни ўзгартиришга даъват этадиган қудратли кучга, қисқача айтганда, кундалик ҳамроҳимизга айланниб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Юртимизда янги ҳаёт қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган мустақил таракқиёт йўлимизни сарҳисоб қиласар эканмиз, Ватанимиз эришган барча-барча ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган улкан ўзгаришларда сиз, азизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ортиб, халқимиз ўртасида «Тўртинчи ҳокимият» сифатида тобора катта ишонч ва хурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизида, авваламбор, журналистлар, кўп ҳолатларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг минг-минглаб заҳматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермашаққат меҳнати мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода этган бўламан.

Шу борада жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда,

Ўзбекистонни дунёдаги тарақкий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими – буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очик ва равshan қилиб етказиш, эл-юртимизни сафарбарликка чорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Ва бу оғир юкни, бундай масъулиятли вазифани сиз, азиз дўстларим шараф билан ўз зиммангизда, ўз елкангизда кўтариб келмоқдасиз.

Матбуот, телевидение, турли информация воситаларининг – бугунги глобаллашув замонида жаҳон миқёсида барча-барча ўлкалар ва халқлар ҳаётида ҳал қилувчи ўрин олаётган бу соҳанинг тобора ошиб бораётган аҳамияти ва таъсири ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунда жамият, фуқаролик институтлари, қолаверса, ҳар қайси инсоннинг ҳаёти айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғланиб бораётганини инобатга олмайдиган мамлакат ўз ривожида умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетиши ва интеллектуал бойлигидан жудо бўлиши табиийдир.

Ҳаётда ўз тасдифини топган ана шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда оммавий

ахборот воситалари фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш учун уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини ошириш, машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида марказий ва ҳудудий теле-радиоканаллар, вилоят ва туман газеталарида, мавжуд 150 дан зиёд нашриёт, 1630 дан ортиқ матбаа корхонасида кенг кўламли ислоҳотлар, техник ва технологик янгилаш жараёнлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг катта амалий самарасини бермоқда.

Айни вақтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўзида бу борадаги қўрсаткични 42 фоиздан 45 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Жумладан, охирги вақтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида «Маданият ва маърифат», «Дунё бўйлаб», «Болажон» телеканаллари ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора ўсиб бораётганининг тасдиғини юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етгани, фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи шаклланиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, анъанавий ахборот тизимлари билан бирга интернет сайтлари, интернет-радио, интернет-телевидение ҳам ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон теле-радио каналлари томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёning кўплаб давлатларига узатилаётгани, юртимиз оммавий ахборот воситаларининг аксарияти интернетда ўз веб-сайтига эга экани мамлакатимизнинг халқаро медиамакондан муносиб ўрин эгаллаши учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги байрам кунида нафақат ана шундай ижобий натижалар ҳақида сўз юритиш, балки мат-

бут ва оммавий ахборот воситаларимизнинг олдида турган долзарб вазифалар, йўлимиизда ҳали-бери тўсик-ғов бўлиб, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳақида холисона ва атрофлича фикр алмашиб олишимииз айни муддао бўларди.

Шу маънода, маънавий ҳаётимизни, бу йўналишда олиб бораётган сиёсатимизни, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлигимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб, шу билан бирга, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ана шу талабларга жавоб бера оладиган, эски тузум асоратлари ва қолипларидан бутунлай холи бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, чет тилларни пухта эгаллаган журналистларнинг янги авлоди шаклланиб келаётгани барчамизни кувонтиради.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот майдонида ўзини муносиб намоён эта олиши бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга.

Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани амалга оширишда давлатимиз, бутун жамиятимиз, шахсан ўзим зарур кўмак ва рағбатлантириш чоралирини кўришга, сиз, журналистларнинг олдингизда пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечишга тайёр эканимни билдиришни истардим.

Барчамизга яхши аёнки, эл-юртимиз, жамиятимиз журналистлар фаолиятига авваламбор уларнинг ўз Ватани, ўз халқи ҳаётига дахлдорлик туйғуси, гражданлик позицияси, ижтимоий масъулиятига қараб баҳо беради ва ўйлайманки, бу энг тўғри ва ҳаққоний баҳодир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги но-тинч ва таҳликали замонда юртимиздаги тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётни асраш ва мустаҳкамлашда сиз, азиз журналистлардан халқимиз янада кўпроқ фаоллик ва жонбозлик кўрсатишни кутишга ҳақлидир. Айниқса, унибўсиб келаётган ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бизнинг қандай буюк тарих ва меросга эга эканимизни англаб, ана шу бебаҳо бойликни қадрлаб яшайдиган, биз бошлаган улуғ ишларнинг муносиб давомчилари бўлган инсонлар этиб вояга етказишда матбуот аҳлининг ҳаққоний сўзи, унинг таъсири ғоят муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Мұхтарам дүстлар!

Бугун юртимизда матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари байрамини кенг нишонлар
эканмиз, миллий журналистикамиз ривожи йўлида¹
ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилиб келаёт-
ган барча инсонларни, мұхтарам фахрийларимиз-
ни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор самимий
табриклайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан, меҳна-
тингиздан барака топинг, азизларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2013 йил 27 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азиз дехқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини ризқ-рўзимиз ва бойлигимиз манбаи, дастурхонларимизнинг тўкинлиги, тўқчилик белгиси бўлмиш ғалладан 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор мана шундай мисли кўрилмаган натижага эришиб, кўпчилик вилоят ва туманларда, фермер хўжаликларида ҳосилдорликни юксак дарражага етказганимиз фидойи дехқон ва фермерларимиз қандай буюк ишларга қодир эканини намоён этиб, бутун ҳалқимизнинг кайфияти ва руҳини кўтарди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ҳалқимизга мансуб бўлган азалий қадриятга кўра, нонни азиз ва табаррук неъмат сифатида қадрлаб, эъзозлаб, уни доимо кўзига тўтиё қилиб яшайдиган эл-юртимиз бу ютуқ қандай оғир ва

машаққатли мәхнатингиз, азму шижиоатингиз эвазига қўлга киритилганини яхши билади ва юксак баҳолайди.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги мавсумда ўртача ҳосилдорликни 55 центнерга етказганингиз, ўтган йилга нисбатан қарийб 500 минг тонна кўп ғалла олишга эришганингиз ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга муносибидир.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Жорий йилда барпо этилган улкан ғалла хирмонини 90-йилларда мамлакатимизда шу борада мавжуд бўлган ҳолат билан қиёслаб, солиштирадиган бўлсак, бизнинг тарихан қисқа даврда тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўлган буюк йўлни босиб ўтганимиз, бу ғалабанинг нақадар юксак, юртимиз учун нақадар қадрли экани яна ва яна бир бор аён бўлади.

1991 йилда, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик бор-йўғи 17 центнерни ташкил этганини, республикамиз дон ва ун таъминоти бўйича бутунлай Марказга қарам бўлиб кун кечирганини ўзимизга фараз қилсак, ўтган йиллар мобайнида ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз, ҳосилдорлик З каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баро-

бардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, айни пайтда хорижий давлатларга дон экспорт қилишга эришганимиз бизнинг қандай юксак марраларни забт этганимиздан яққол далолат беради ва ўзгаларнинг ҳайратини тортади.

Албатта, қўлга киритилган бундай улкан натижаларнинг асосий омил ва мезонлари нималардан иборат, деган табиий савол туғилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бизнинг бутунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган, ривожланишнинг «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлини, демократлаштириш ва янгиланиш йўлини танлаганимиз, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида чуқур ўйланган, кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришларни, аввало, иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигидан бошлаганимиз мана шундай ютуқларимизнинг негизини ташкил этмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзини оқламаган эски тизимнинг ўзаги бўлган мулкчилик шаклларидан воз кечиб, бозор муносабатлари ва хусусий мулкчиликни жорий этганимиз қишлоқ хўжалигига мутлақо янги ишлаб чиқариш муносабатларини ривож топтиришда, энг муҳими,

қишлоқ аҳлиниңг бутунлай янгича фикрлаш, ўз меҳнатига янгича қарашини шакллантиришда энг асосий ва муҳим омил бўлди.

Шу борада фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берганимиз, уни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун ҳуқукий, ташкилий ва молиявий замин яратиб берганимиз, бу ҳаракатни ҳар томонлама рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаганимиз бугунги кунда унинг қишлоқ хўжалигида чиндан ҳам ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқишида, дехқон ўзини ҳақиқий ер эгаси, мулк соҳиби деб ҳис қилишида, фермерларни, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг таянчига айлантиришда бекиёс аҳамият касб этди.

Шу маънода, барчамизни боқадиган, жамики ноз-неъмат ва бойликларнинг бунёдкори бўлмиш дехқон ва фермерларимизнинг дунёқарashi, онгу тафаккури, ҳаётга муносабати, сиёсий савияси ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани бугун қўлга киритаётган улкан мэрраларимизнинг асосий шарти ва гарови бўлмокда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айтиш керакки, бу йилги мавсум ўтган мавсумларга нисбатан осон бўлгани йўқ. Фаллакорларимиз табиат ва иқлим қийинчиликлари билан боғлиқ турли синовларни енгиб ўтишларига тўғри келди.

Қиши фаслида ҳавонинг совуқлик даражаси меъёридан ортиқ бўлгани, март ойида эса ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, дўл ва жалалар ёғиши дехқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирди.

Айни шундай мураккаб шароитда дала меҳнаткашлари, аввало, ишни тўғри ташкил қилиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобидан ҳосилни саклаб қолишга ва белгиланган мэрраларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Бу ҳақда гапирганда, мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 10 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, дехқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилганини миннатдорлик билан таъкидлаш лозим.

Албатта, мана шундай юксак хирмон яратишга эришганимизнинг омиллари ҳақида сўз юритганда, охирги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, ҳашарот ва заарку-

нандаларга қарши курашиш – албатта, буларнинг барчаси амалий самарасини берганини унутмаслигимиз керак.

Ишнинг кўзини билиб амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоят, жумладан, нисбатан оғир шароитда бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ғаллакорлари ҳам давлатга дон сотиш шартнома мажбуриятини бажаришга эришдилар. Айниқса, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида суғориладиган ерларда ҳосилдорлик ўртacha 57–63 центнерни ташкил қилганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш ўринлидир.

Бошқаларга ибрат ва намуна бўлган Учқўрғон, Норин, Уйчи, Сариосиё, Вобкент, Яккабоғ, Қарши, Олтинқўл, Иштихон, Пахтаобод, Избоскан, Балиқчи, Оқдарё, Учқўприк, Косон, Дўстлик, Ромитан, Тошлок, Фурқат, Пискент, Юқори Чирчик, Хатирчи туманларида ҳосилдорлик 60–75 центнердан ошганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил», «Шакар ота», Учқўприк туманидаги «Фаровон ҳаёт сари», Норин туманидаги «Аҳмаджон Алижон ота ўғли», Учқўрғон туманидаги «Гулхумор», Бувайда туманидаги «Ёқубжон ота», Олтинқўл туманидаги «На-

муна серҳосил ери», Жондор туманидаги «Бахтиёр Яраш ўғли», Дўстлик туманидаги «Омонтурди ота», Хатирчи туманидаги «Тасмачи иқболи», Ўрта Чирчик туманидаги «Иброҳим Абдураҳмонов» каби ўнлаб фермер хўжаликларида гектаридан 100 центнер ва ундан ошириб ҳосил олингани юртимиз дехқонларининг ҳақиқий омилкорлик фазилатлари ва меҳнат жасоратининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Энг асосийси, етиштирилган жами ҳосилнинг қарийб 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилганини дехқонларининг омборлари донга, рўзғорлари кутбаракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далили сифатида қабул қиласиз.

Қадрли ва муҳтарам дўстларим!

Ишончим комил – бугунги қувончли айёмда сиз, азиз ғаллакорларимиз, дехқон ва фермерларимиз эришган бу улкан ғалаба Ўзбекистонимизда каттаю кичик барчани, касбу кори, вазифасидан қатъи назар, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бугун эл-юртимизнинг тилида ва дилида сизларнинг шаънингизга бағишлиб, «Баракалла, барчамизни қойил қолдирдингиз, ҳеч қачон кам бўлманг!» деб айтиладиган ҳис-туйғулар, эзгу ти-

лаклар мужассам, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Мана шундай хурсандчилик кунда сиз, миришкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, юксак хирмонга муносиб ҳисса қўшган барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

Фидокорона ва ҳалол меҳнатингиз учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан таъзим қиласман.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизларим, қадрдонларим!

Гўзал ва бетакрор, муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва олийжаноб халқимизни Яратганимиз доимо ўз паноҳида арасасин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2013 йил 16 июль*

МУНДАРИЖА

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОЗОД ВАТАН!

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллигига
багишиланган тантанали маросимдаги табрик сўзи.*

2012 йил 31 август 3

**БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ-
НИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.**

*«Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга
оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли
ва аҳамияти» мавзусидаги ҳалқаро конференция
очилишидаги нутқ. 2012 йил 14 сентябрь 11*

ЗАМОНАВИЙ, ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР.

*«Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига
багишиланган тантанали маросимдаги нутқ.
2012 йил 28 сентябрь 32*

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА.

2012 йил 28 сентябрь 42

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚ.**

2012 йил 9 октябрь 48

**ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА
МЕҲНАТКАШЛАРИГА.**

2012 йил 19 октябрь 76

ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР.	
<i>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига багишиланган тантанали маросимдаги маъруза. 2012 йил 7 декабрь</i>	83
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРФОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚ.	
<i>2012 йил 14 декабрь</i>	116
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ.	
<i>2012 йил 31 декабрь</i>	150
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ.	
<i>2013 йил 11 январь</i>	156
БОШ МАҚСАДИМИЗ – КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ.	
<i>2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза</i>	
<i>2013 йил 18 январь</i>	165
ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ.	
<i>2013 йил 25 январь</i>	213

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2013 йил 7 март	217
СПОРТ – БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА САМАРАЛИ ОМИЛИДИР. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириши жамгармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йигилишидаги нутқ. 2013 йил 16 март	223
ЭЗГУЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА ОБОДЛИК АЙЁМИ. Наврӯз байрамига бағишлиланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. 2013 йил 19 март	244
МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ, ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАНИМИЗНИНГ ОБРЎ- ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ. 2013 йил 1 апрель	248
ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ. «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириши ва қиёфасини ўзгартириши ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиши маросимидағи нутқ. 2013 йил 17 апрель	282
СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ. «Соғлом авлод учун» жамгармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишлиланган халқаро иљмий-амалий конференция иштирокчиларига йўлланган табрик. 2013 йил 24 апрель	300
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚ. 2013 йил 26 апрель	304

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берилган интервью.	338
2013 йил 9 май	338
«УНИВЕРСИАДА – 2013» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА. 2013 йил 6 июнь	357
МАТБОУТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА. 2013 йил 27 июнь	362
ЎЗБЕКИСТОН ФАЛЛАКОРЛАРИГА. 2013 йил 16 июль.....	370

Ислом Абдуганиевич Каримов

**МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА
ОБОД ЭТИШ ВА
МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ
ҚАТЪИЯТ БИЛАН
ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДА**

21 том

Нашр учун масъул *A. Саъдулаев*
Бадиий мухаррир *X. Кутлуқов*
Техник мухаррир *T. Харитонова*
Мусахҳиҳ *C. Салохутдинова*
Компьютерда тайёрловчи *L. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.09.
Босишга 2013 йил 23 августда рухсат этилди.

Қоғоз формати $84 \times 108^{1/32}$.
«Таймс» гарнитурада оғсет усулида босилди.

Шартли босма табоги 20,16.
Нашр табоги 15,27. Тиражи 10000. Буюртма № 13-308.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

100000

K 25

Каримов, Ислом Абдуганиевич.

Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида.
Т. 21/ И.А. Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2013.
– 384 б.

ISBN 978-9943-01-978-2

УЎК: 323(575.1)
КБК 66.3(5Ў)